

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ,
ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

*Кўлёзма ҳуқуқида:
УДК: 330.564.2330.59*

МУХИТДИНОВА МУЯССАР ЗИЯВИДДИНОВНА

**АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ
ОШИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИ**

08.00.01-Иқтисодиёт назарияси

ИХТИСОСЛИГИ

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

илмий даражасини олиш учун тайёрланган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: и.ф.д., проф. Д.В.Расулова

Тошкент шаҳри – 2023

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.	3
1-боб. Аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишнинг назарий асослари.	15
1.1-§. Аҳоли даромадлари ва турмуш даражасининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни.	15
1.2-§. Аҳоли даромадларининг турлари, таркиби ва шаклланиш манбалари.	32
1.3-§. Аҳоли турмуш даражасини давлат томонидан тартибга солиш бўйича жаҳон тажрибаси. Биринчи боб бўйича хулосалар.	51 64
2-боб. Ўзбекистонда аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини давлат томонидан тартибга солиш ҳолатининг таҳлили	66
2.1-§. Ўзбекистонда аҳоли даромадлари ва турмуш даражаси таркибининг шаклланиш хусусиятлари.	66
2.2-§. Мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини давлат томонидан тартибга солишда имтиёزلардан фойдаланиш амалиёти.	72
2.3-§. Ўзбекистон аҳолиси даромадлари ва турмуш даражасининг кўп омилли эконометрик таҳлили. Иккинчи боб бўйича хулосалар.	93 110
3-боб. Аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишнинг устувор йўналишлари	113
3.1-§. Мамлакатимизда инсон капиталининг аҳоли турмуш даражасини оширишга таъсирини баҳолаш.	113
3.2-§. Аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини рағбатлантиришда ижтимоий омиллардан самарали фойдаланиш имкониятлари.	121
3.3-§. Аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишда «Вақф»дан фойдаланиш йўналишлари. Учинчи боб бўйича хулосалар	128 141
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	145
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	150
ИЛОВАЛАР	160

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда аҳолининг кам таъминланган қисмини аниқлаш, уларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини ошириш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳамда мустақил давлатлар ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади. Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) маълумотларига кўра, 2017-2019 йилларда жаҳон аҳолисининг 29 фоизи ижтимоий таъминот хизматларидан тўлиқ фойдаланган, 41,1 фоиз фарзандли аёллар оналик, меҳнатга лаёқатли ёшда ишсиз бўлиб қолганларнинг 21,8 фоизи ишсизлик, меҳнатга лаёқатли ногирон шахсларнинг 27,8 фоизи ногиронлик нафақасини олиш имконига эга бўлган¹. ХМТ маълумотларига кўра, коронавирус пандемияси дунё бўйича жами 2 млрд. норасмий секторда банд бўлган (жаҳондаги жами бандларнинг 62 фоизи, жумладан, кам даромадли мамлакатларда 90 фоиз, ўрта даромадли мамлакатларда 67 фоиз ва ривожланган мамлакатларда 18 фоиз) аҳолининг ишсиз бўлиб қолишига олиб келди². Бундай ҳолат жаҳонда аҳолини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш жараёнида муайян камчиликлар мавжудлигидан далолат бермоқда. Шундай экан, ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишнинг иқтисодий механизмини жорий этиш аҳамиятли бўлиб қолмоқда.

Жаҳон амалиётида аҳоли турмуш даражасини оширишга, масалан, АҚШ ва Буюк Британияда фискал сиёсатдаги енгилликлар, Данияда кенг қамровли ижтимоий суғурта тизими орқали, Японияда пенсия ҳамда соғлиқни сақлаш тизими орқали нисбатан эришиб келинмоқда. Бироқ жаҳонда ҳозирги кунгача аҳоли турмуш даражасини оширишга бўлган ёндашувнинг хилма-

1 Доклад о социальной защите в мире в 2017–2019 годах. Обеспечение всеобщей социальной защиты для достижения Целей в области устойчивого развития / Группа технической поддержки по вопросам достойного труда и Бюро МОТ для стран Восточной Европы и Центральной Азии.– Москва: МОТ, 2018. 7-с.

2 Кризис Covid-19 и неформальная экономика: Срочные меры реагирования и политические вызовы. – Отраслевая справка МОТ. Май 2020 г.

хиллиги, унинг турлича даражада баҳоланиши, ушбу масала бўйича аниқ йўналишлар ишлаб чиқилмагани ва ўз ечимини топмаганини кўрамиз.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб бозор иқтисодиёти қонун-қоидалари асосида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизими ишлаб чиқилди ва у доимий равишда йўл хариталари ишлаб чиқиш, стратегиялар қўлланилиши билан такомиллаштириб борилмоқда. Лекин шундай бўлишига қарамай, ҳозирги кундаги мавжуд вазият республикада аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва камбағаллик даражасини қисқартириш дастурлари самарадорлигини ошириш заруриятини вужудга келтирмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, «Мамлакатимизда кам таъминланган аҳоли қатламлари тахминан 12-15 фоизни ташкил этади.... Бу борада ҳалқаро мезонлар асосида камбағаллик тушунчаси, уни аниқлаш мезонлари ва баҳолаш усуллари қамраб олган янги методологияни яратиш лозим».³ Мамлакатимизда пандемиядан олдинги даврда ишсизлар сони 1 млн. 350 мингга яқин бўлган бўлса, пандемия шароитида ушбу кўрсаткич қарийб 2 млн. кишига етди.⁴ Шунингдек, «...пандемия 450 мингга яқин оила даромадига жиддий таъсир қилиши мумкин».⁵ Шу боис, мамлакатимиз бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажмини инфляция суръатларидан юқори миқдорда ошириш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, иш кучи сифатини яхшилаш, ишга муҳтож шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш ишлари⁶ олиб борилаётганлиги инновацион тараққиёт жадаллашаётган пайтда аҳоли

3 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 25.01.2020. www.uza.uz

4 <https://www.gazeta.uz/uz/2020/06/08/jobless/>

5 2020 йил 3 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида сўзлаган нутқидан. <https://president.uz/uz/lists/view/3624>

⁶Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони.

даромадларини ошириш масаласидан самарали фойдаланиш илмий-амалий аҳамиятга эга ижтимоий-иқтисодий муаммо ҳисобланади.

Мазкур диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466-сон «Ёшлар – келажагимиз» давлат дастури тўғрисида»ги, 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723-сон «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 – 2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2022 йил 25 июлдаги ПФ-175-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3856-сон «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» номли устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳтож қатламларини аниқлаш методологияси, ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли қатламларига ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг амал қилиш механизмига бағишланган илмий тадқиқотлар Г. Бассо, М. Доллс, С. Бехрэндрт, Ж. Берг, Р. Мэркл, Б. Бабажанян, Р. Бэттиё⁷ каби чет эл олимларининг илмий ишларида таҳлил этилган.

⁷ Basso G., Dolls M., Eichhorst W., Leoni T., Peichl A. 2012. «The effects of the recent economic crisis on social protection and labour market arrangements across socio-economic groups», in *Intereconomics*, Vol. 47, No. 4, 460 p.; Behrendt C. 2013. «Investing in people: Implementing the extension of social security through national social protection floors», in D. Kucera and I.

Яқин хориж мамлакатларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари, ижтимоий давлат шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари Ф.И. Шароков, Г.А. Ахинов⁸ларнинг илмий асарларида, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг назарий-методологик асослари, хориж мамлакатларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими ва моделлари амал қилишининг хусусиятлари Н.А. Волгин, В.В. Антропов, С.В.Калашников⁹ ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган.

Ўзбекистонлик А.В. Вахабов, Т.М. Ахмедов, Қ.Х. Абдурахмонов, Х.П. Абулқосимов, Н.М. Мажидов, Б.Х. Умурзоқов, Р.Р. Хасанов, М.К. Абдуллаева, Р.Ф. Жуманова, Н. Зокирова, М.А. Хакимова, Б.Ш. Хусанов¹⁰ ва бошқа иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида иқтисодиётни

Islam (eds): Beyond macroeconomic stability: Structural transformation and inclusive development (Basingstoke, Palgrave Macmillan), 348 p.; Berg J. 2015a. «Labour market institutions: The building blocks of just societies», in J. Berg (ed.): Labour markets, institutions and inequality: Building just societies in the 21st century (Geneva, ILO; Cheltenham, Edward, Elgar), 215 p.; Berg J. 2015b. «Income support for the unemployed and the poor», in J. Berg (ed.): Labour markets, institutions and inequality. Building just societies in the 21st century (Geneva, ILO; Cheltenham, Edward Elgar), 286 p.; Mearkle R., Mactaggart I., Walsham M., Kuper H.; Blanchet K. 2017. «Disability and social protection programmes in low- and middle-income countries: A systematic review», in Oxford Development Studies, Vol. 45, No. 3, 308 p.; Babajanian B. Hagen-Zanker, J. 2012. Social protection and social exclusion: An analytical framework to assess the links, Background Note (London, Overseas Development Institute); Beattie, R.; McGillivray, W. 1995. «A risky strategy: reflections on the World Bank report Averting the old age crisis», in International Social Security Review, Vol. 48, No. 3–4, 168 p.

⁸ Шароков Ф.И. Основы социального государства: учебник – М.: Дашков и Ко, 2012. 314 с.; Ахинов Г.А., Камиллов Д.А. Социальная функция государства в условиях рыночной экономики: Вопросы теории и практики. М.: ИНФРА-М, 2006. 230 с.;

⁹ Волгин Н.А. Социальная политика: учеб. / ред. Н.А. Волгин. – 2-е изд., перераб. И доп. – М.: Издательство РАГС, 2008. – 409 с.; Антропов В.В. Социальная защита в странах Европейского союза. История, организация, финансирование, проблемы. / М., 2006. – 276 стр.; Калашников С.В. Очерки теории социального государства / С.В. Калашников. – М.: Экономика, 2012. 324 с.

¹⁰ «Ijtimoiy siyosat». O‘quv qo‘llanma i.f.d., prof. A.V. Vaxabovning umumiy tahriri ostida – Toshkent: «Universitet», 2019. 242 b.; Ijtimoiy ish va ijtimoiy ta’minotga kirish: Darolik / A.V. Vaxabov, Sh.Sh. Zahidova, V.B. Baxtiyorov, D.Sh. Odinayev, J.N. Fayzullayev; - T.: «Iqtisod-Moliya», 2018. – 168 b.; Пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси: Дарслик / А.В. Вахабов, Ш.Х. Хажибакиев, Б.Б. Бахтиёрв ва бошқалар; - Т.: «Iqtisod-Moliya», 2018. – 400 б.; Вахабов А.В. Хажибакиев Ш.Х. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг таркиби ва манзиллигини кучайтириш муаммолари: халқаро тажриба ва миллий хусусиятлар / «Ижтимоий соҳани модернизациялаш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишлари» мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент. 2018 й. б. 14-24; Ахмедов Т.М. Особенности проводимой социальной политики в Узбекистане. В кн. XXVI Международные Плехановские чтения. – М., 2013 с. 108-110; Социологические обследование уровня и качество жизни населения с использованием информационной технологий. под.ред. Ахмедов Т.М. – Т.: «Fan va texnologiya», 2017, 132 с.; Ижтимоий соҳа иқтисодиёти. Дарслик. и.ф.д., проф. Қ.Х. Абдурахмонов таҳрири остида. – Т.: «Иқтисодиёт». 2013. – 418 б.; Абулқосимов Ҳ.П., Ҳасанов Р.Р. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар. –Т.: Академия, 2010. –216 б.; Вахабов А.В., Мажидов Н.М. Жамғариб бориладиган пенсия жамғармасининг Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини амалга оширишдаги роли. Монография. Тошкент: «Университет». 2017. 128 б.; Хасанов Р.Р. Шаклланаётган бозор муносабатлари тизимида даромадлар ва уларнинг табақаланиши. Икт. фан. докт. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореф. – Тошкент, 2005. 40 б.; Абдуллаева М.К. Ижтимоий ҳимоя ва уни тартибга солишни такомиллаштириш йўналишлари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: 2008, 25 б.; Джуманова Р.Ф. Аҳоли турмуш даражаси: кўрсаткичлари ва уни ошириш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: 2008, 27 б.; Закирова Н. «Совершенствование системы социальной защиты населения в условиях социально-ориентированной рыночной экономики (на примере семей Республики Узбекистан)». – Т. 2001, 24 с.; Хакимова М.А. Реформирование и развития социального сектора Узбекистана в условиях перехода к рынку: Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук: - Т.: 2000, 38 с.; Хусанов Б.Ш. Проблемы регулирования финансового механизма социального обеспечения населения: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук: - Т.: 2011, 25 с.

эркинлаштириш шароитида аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳтож қатламларини аниқлаш методологияси, мамлакатда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини баҳолаш йўналишлари, ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишнинг илғор хориж тажрибасидан мамлакатимиз амалиётида ижодий фойдаланиш имкониятлари каби масалалар тадқиқ этилган. Шу билан бирга, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини амалга оширишнинг иқтисодий механизминини такомиллаштиришга бағишланган назарий-амалий масалалар комплекс тарзда, тизимли, махсус тадқиқот объекти сифатида таҳлил этилмаган.

Иқтисодий адабиётда ушбу масала юзасидан олиб борилган тадқиқотлар таҳлили иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳтож қатламларини аниқлаш методологиясини, ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли қатламларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини амалга оширишнинг иқтисодий механизминини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқаради. Муаммонинг долзарблиги, иқтисодий адабиётда етарлича ўрганилмаганлиги, кутилаётган илмий натижаларнинг илмий-амалий аҳамиятга эгалиги ушбу мавзунини тадқиқот объекти сифатида танлашга асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФМ–1 «Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва ижтимоий–иқтисодий ривожланишни прогнозлашнинг илмий-методик асослари ва усулларини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида аҳоли даромадлари ва турмуш даражаси механизминини тадқиқ қилиш ва уни такомиллаштириш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

аҳоли даромадлари ва турмуш даражасининг ижтимоий-иқтисодий

мазмунини ёритиб беришга қаратилган ёндашувларни тадқиқ этиш;

аҳоли турмуш даражасининг давлат томонидан тартибга солинишига оид жаҳон тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш асосида унинг ижобий жиҳатларидан Ўзбекистонда фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

Ўзбекистонда аҳоли даромадлари ва турмуш даражаси таркибининг шаклланиш хусусиятларини таҳлил этиш;

мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини давлат томонидан тартибга солишда имтиёзлардан фойдаланиш амалиётини очиб бериш;

Ўзбекистон аҳолиси даромадлари ва турмуш даражасини Пирсон усули асосида таҳлил этиш ва корреляцион боғлиқликларни аниқлаш;

мамлакатимизда инсон капиталининг аҳоли турмуш даражасини оширишда тутган ўрнига баҳо бериш;

аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини рағбатлантиришда ижтимоий омиллардан самарали фойдаланиш имкониятларини очиб бериш;

аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишда «Вақф»дан фойдаланиш йўналишлари бўйича тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистонда аҳоли даромадлари ва турмуш даражаси механизми ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини аҳоли даромадлари ва турмуш даражаси механизмини тартибга солиш ҳамда шакллантиришга таъсир этувчи омиллар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик, индукция ва дедукция, мантиқий ва иқтисодий-статистик таҳлил, таққослаш, статистик маълумотларни гуруҳлаш, эконометрик таҳлил ва прогнозлаштириш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва миллий ривожланиш хусусиятларини инобатга олган ҳолда давлат трансферт дастурлари самарадорлигини ошириш, маблағлар тақсимотининг манзиллилик хусусиятини кучайтиришда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан

муҳтожлик чегарасини ишлаб чиқиш ва яшаш минимумининг ижтимоий стандартларини жорий қилиш назарий-услубий жиҳатдан асосланган;

аҳоли реал даромадлари ва инфляциянинг боғлиқлиги, истеъмол товарлари нархининг ўсишига кўра даромадларни индексациялаш орқали номинал даромадлар нархлар ўсишига боғлиқликда ошиб бориши назарий-услубий жиҳатдан асосланган;

аҳолининг истеъмол харажатлари ва жамғармаларининг ўзгариш тенденциясини аниқлаш даражасини оширишда истеъмолчиларнинг умумий иқтисодий ўзгаришлар ва молиявий аҳволи бўйича кутишларни сўровномалар орқали аниқлашдан статистика тизимида фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги назарий-услубий жиҳатдан асослаб берилган;

аҳолининг кам таъминланган қатламлари тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш тизими олинган маблағлар бўйича фоизлар тўламаслик ва ижтимоий ҳимоя самарадорлигини оширишга асосланган ҳолда «Вақф» ислом молия институти механизмини қўллаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жаҳонда амал қилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш моделларини қиёсий таққослаш ва улардан мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг манзиллилигини ошириш мезони ишлаб чиқилган;

узоқ муддатли истиқболда мамлакатимизда ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли қатламларининг турмуш фаровонлигини ошириш бўйича муқобил сценарийлар ишлаб чиқилди;

Ўзбекистон аҳолиси даромадлари ва турмуш даражаси Пирсон усули асосида таҳлил этилган ва корреляцион-регрессион модели IBM SPSS статистика дастурий таъминот тўплами орқали асосланган;

оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда «Вақф»дан фойдаланиш орқали паст даромадли аҳолининг турмуш даражасини ошириш механизми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги амалга оширилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги,

келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик ишончлилик интервалида текширилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижалар ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган назарий ва услубий таклифлардан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг манзиллилигини кучайтириш, унинг камров даражасини ошириш ва ижтимоий ҳимояга оид миллий дастурларнинг иқтисодий механизмини такомиллаштиришга қаратилган махсус илмий-тадқиқот ишларида манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Пенсия жамғармаси, Давлат статистика қўмитаси ва бошқа давлат бошқаруви органлари учун таҳлилий тавсиялар тайёрлашда, олий ўқув юртларида ўқитиладиган «Иқтисодиёт назарияси», «Ижтимоий иш ва ижтимоий таъминотга кириш», «Ижтимоий сиёсат», «Пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси» фанларининг ишчи-ўқув дастурларини такомиллаштириш ва талабаларга ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон аҳолиси даромадлари ва турмуш даражасини иқтисодий механизмини такомиллаштириш йўналишлари борасида ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва миллий ривожланиш хусусиятларини инобатга олган ҳолда давлат трансферт дастурлари самарадорлигини ошириш, маблағлар тақсимотининг манзиллилик хусусиятини кучайтиришда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳтожлиги чегарасини ишлаб чиқиш ва яшаш минимумининг ижтимоий стандартларини жорий қилиш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан

«Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» ишлаб чиқишда фойдаланилган (Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 26 майдаги 03/13-03-10/10-1993-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида давлат бюджети маблағлардан фойдаланишнинг манзиллилик даражасини оширишнинг қўшимча имкониятлари яратилган;

аҳоли реал даромадлари ва инфляциянинг боғлиқлиги, истеъмол товарлари нархининг ўсишига кўра даромадларни индексациялаш орқали номинал даромадларни нархлар ўсишига боғлиқликда ошириб бориш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан статистик-таҳлил амалиётига жорий қилинган (Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 6 ноябрдаги 01/4-13-17/2-135 3-2/20-20-1025-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётда қўлланилиши натижасида аҳолининг реал даромадларини аниқлаш даражасини оширишнинг статистик-таҳлил имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилган;

истеъмолчиларнинг умумий иқтисодий ўзгаришлар ва молиявий аҳволи бўйича кутишларни сўровномалар орқали аниқлашни статистика тизимида фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан аҳоли даромадларидаги ўзгаришлар, истеъмол бозорининг сиғими, уларнинг маҳсулотлар ва хизматларга бўлган талабга таъсири, ўз навбатида, бюджет даромадлари ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш имкониятлари статистик-таҳлил амалиётига жорий қилинган (Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 6 ноябрдаги 01/4-13-17/2-135 3-2/20-20-1025-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг статистик таҳлил амалиётига жорий қилиниши истеъмол харажатлари ва жамғармалари ўзгариши тенденцияларини баҳолашнинг аниқлик даражасини оширишга, ишлаб чиқарувчилар фаолияти натижалари ва миллий лойиҳаларни амалга оширишда статистик-таҳлил имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилган;

аҳолининг кам таъминланган қатламлари тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш тизими олинган маблағлар бўйича фоизлар тўламаслик ва ижтимоий ҳимоя самарадорлигини оширишга асосланган ҳолда «Вақф» ислом молия институти механизмини қўллаш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш» дастури доирасида «Йўл харитаси» ишлаб чиқишда фойдаланилган (Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 26 майдаги 03/13-03-10/10-1993-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф кам таъминланган аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини қарз мажбуриятлари қулайлиги негизида ривожлантиришга ва мазкур институт маблағларидан кам таъминланган аҳолини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан мақсадли ва самарали фойдаланишга йўналтиришга хизмат қилган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро илмий-амалий конференцияда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этган илмий нашрларда 8 та илмий мақола, шундан 4 таси республика ва 4 таси хориж журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган. Диссертация ҳажми 160 бетдан иборат.

1- БОБ. АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1-§. Аҳоли даромадлари ва турмуш даражасининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни

Ҳар бир инсоннинг моддий ва маънавий турмуш имкониятлари унинг даромадлари даражасига боғлиқ. Инсоннинг даромад даражаси эса ўз зарурий эҳтиёжларини қондириш, саломатлигини сақлаш, маънавий ҳордиқни ташкил этиш, маълумот олиш ва бўш вақтини маданий тарзда ўтказиш имкониятларига боғлиқ бўлади. Иқтисодчилар ҳаёт сифатини инсон капиталига, яъни у шахсий даромад олиш учун фойдаланадиган билим, кўникма, тажриба ва соғлиққа боғлиқ деб ҳисоблашади.

Замонавий иқтисодий таҳлилда инсон потенциали ва унинг капитали тушунчалари ахборот жамиятида интеллектуал фаолиятнинг ролидан келиб чиққан ҳолда аҳоли инвестицияларининг юқори самарадорлигини оширишга қаратилган. Иқтисодиётнинг рақобатдаги устунликлари, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш имкониятлари кўп жиҳатдан тўпланган ва амалга оширилаётган инсон капитали билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Жамиятнинг технологик, иқтисодий ва ижтимоий модернизациясининг чегаралари ва имкониятлари инсон билимлари, малакалари ва тажрибаси билан амалга ошмоқда.

Аҳоли даромадлари ҳақидаги илк иқтисодий фикрлар жамиятда судхўрлик ривожланиши ва унинг қораланиши билан боғлиқ. Жумладан, қадимги Бобилда Эшнун ва Хамураппи қонунларида судхўрлик маблағи кумушда 20 фоиз ва донда 33 фоиз¹¹ белгиланишига бой табақа даромадининг илк иқтисодий-таҳлилий фикри сифатида қараймиз.

Иқтисодиёт назариясининг фан сифатида ривожланиши ва иқтисодий ғояларнинг пайдо бўлиши оқибатида Ғарб иқтисодчилари даромадни меҳнат ва капитални самарали ишлатиш натижаси деб ҳисобладилар. У.Петти даромадни ўзгалар меҳнати маҳсули деб изоҳлаган бўлса, Францияда

¹¹ Ташматов Ш., Хасанхонова Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Ўқув қўлланма. - Т.: Iqtisod-Moliya, 2020. 27-28 - б.

физиократлар даромадга ерни унумли ишлатишдан тушадиган маҳсулот сифатида қарайдилар. А.Смит даромадни товарда гавдаланган меҳнатдан, унга тўланадиган иш ҳақидан ва фойдадан ташкил топишини айтиб ўтади. Кейинчалик ҳар қандай товар ўзида меҳнат орқали ҳосил бўладиган қиймат, бунинг заминида рента ва фойда мужассам бўлишини таъкидлаб, иш ҳақи, фойда ва рента ҳар қандай даромаднинг 3 та дастлабки манбаи бўлиб қолишини айтиб ўтади.¹²

А.Смит тақсимотдаги зидликка тўхталиб, хусусан, капитал ва фойданинг (олиниши) пайдо бўлиши жараёнларда шаклланаётган қарама-қаршиликларни кўрсатади деб қарайди. Бизнингча, А.Смитнинг бундай изоҳи даромадлар мазмунини тадқиқ этишнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади, яъни даромадлар ўзлаштирилишидаги муаммолар ва асосий иқтисодий қарама-қаршиликларнинг тақсимот муносабатлари орқали ифода этилишини англатади. А.Смит иқтисодий субъектлар томонидан олинган даромадлар иқтисодий манфаатлар таъсирида ўзига хос шаклни олишини назарда тутган.

Иқтисодий назариянинг бошқа классикларидан бири Д.Рикардонинг назариясида даромад талқини кенг услубда намоён этилган. Д.Рикардо кўпроқ ишлаб чиқариш соҳасига эътибор қаратиб, иш ҳақи ва фойданинг зидлиги шу ерда жойлашганини қайд қилди. У ҳам ишлаб чиқаришнинг ижтимоий шакли тақсимот қонунлари орқали аниқланади деб қарайди.

Юқорида келтирилган фикрларга нисбатан даромад мазмунини изоҳловчи қарашларни ва уларнинг ўзаро зидлигини таҳлил этган Ж.Б.Сей ишлаб чиқаришнинг 3 та омилига¹³ таянган ҳолда ёндашади. Унинг фикрича, уч омил (ер, капитал ва ишчи кучи) даромад шаклланишида тенг даражада аҳамиятга эга.

К.Маркс фикрича, ишлаб чиқариш жараёнида жамият аъзолари табиат неъматларини инсон эҳтиёжларига мувофиқ мослаштиради (яратади,

¹² Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов». - М - Л, 1935, - с. 98

¹³ Маркс К., Энгельс Ф, Соч., 2-ое изд., т. 46, 4.1., с, 252. Дж.Р. Хикс Стоимость и капитал. М.: Изд. Групп* «Прогресс», 1993, 289 стр.

ўзгартиради), яратилган маҳсулотдан олинадиган даромад бўйича тақсимот шундай нисбатда ўрнатиладики, бунда ҳар бир индивидуум маълум улушга эга бўлади. Тақсимот муносабатларида билвосита индивидуумларга қанча миқдорда улуш тегишли эканини аниқлайди. Субъектнинг ишлаб чиқаришдаги иштироки тақсимотнинг алоҳида усулининг амал қилишини ва даромаднинг турли шаклда юзага чиқишини англатади. У ресурслар тақсимланиши билан даромадлар тақсимланишини биргаликда кўриб чиқади.

К.Маркс ишлаб чиқаришни, тақсимотни, айирбошлаш ва истеъмолни алоҳида ажратиш мумкин эмаслигини таъкидлаб, «... ишлаб чиқариш эҳтиёжга мутаносиб предметларни яратади; тақсимот – уларни ижтимоий қонунларга мувофиқ тақсимлайди, айирбошлаш аллақачон тақсимланган предметни алоҳида эҳтиёжларга мувофиқ қайта тақсимлайди, ниҳоят истеъмолда маҳсулот ушбу ижтимоий ҳаракатдан тушиб қолиб, алоҳида эҳтиёжнинг предмети ва қулига айланади ҳамда истеъмол жараёнида ўша эҳтиёжни қондиради»¹⁴, деб ёзган эди. Маркснинг бундай тушунчаси ташқи алоқаларни ёритишдаги бирламчи тасаввурлари эди. У даромадни қайта яратилган қиймат деб қаради ва бунда ишчи кучидан бошқа омиллар иштирок этмайди, даромадни капиталистлар текинга ўзлаштиради деб талқин этди. Марксизмнинг бундай қарашлари синфий кураш ва революция ғоясининг юзага келишига сабаб бўлди. Бизнингча, К.Маркс даромадни унга кўшган ҳисса орқали тақсимланишини кўра олмаган.

Л.Валрас¹⁵ 1874 йилда умумий иқтисодий мувозанатнинг математик моделини яратди, унда иқтисодиётда истеъмол товарлари турлари ва ресурслар турларининг аниқ сони ҳисоблаб чиқилган. Унингча, ҳар бир фирма ва ҳар бир истеъмолчи ўз даромадларини мукаммал рақобат шароитида максималлаштиради. Аммо Валрас моделидаги статик назария, истеъмолчиларнинг диди ва иқтисодий цикллар ўзгаришларининг таҳлил қилинмаганлиги уни янада такомиллаштиришни талаб қилган.

¹⁴ Маркс К., Энгельс Ф, Соч., 2-ое изд., т. 46, 4.1., с, 25 2. Дж.Р. Хикс Стоимость и капитал. М.: Изд. Групп* «Прогресс», 1993, 289 стр.

¹⁵ Walras L. Elements of Pure Economics, 1926 / edited by W. Jaffe. – London: George Allen & Unwin, 1954. pp.308-309

К. Арроу ва Ж. Дебре¹⁶ 1954 йилда талаб ва таклиф функцияларининг келиб чиқиши хақида батафсилроқ ўргандилар ва рақобатли мувозанат истеъмолчилар даромадларига боғлиқлига оид фикрни илгари сурдилар. Бироқ уларнинг моделлари ҳам статиклигича қолди.

1932 йилда неоклассицизм тарафдорлари бўлган Фишер¹⁷ индивидлар жорий даромад билан биргаликда кутилаётган даромадга қараб қарор қабул қиладилар деб тахмин қилган. Иккита даврни таҳлил қилиб, иқтисодчи уй хўжаликлари охир-оқибат барча даромадларни сарф қилади деб ҳисоблайди.

Даромадлар даражаси бўйича, шунингдек, Кейнснинг иқтисодий фикри алоҳида ўрин эгаллайди. Кейнс таъбирича, иқтисодиётда психологик қонун амал қилади. Яъни даромадлар паст бўлганда, одамларда истеъмолга мойиллик кучли бўлади. Даромадлар ўсиши билан одамлар кўпроқ истеъмолга эмас, балки жамғаришга мойил бўлишади. Унингча, «даромад» иқтисодий фаолият натижаларини ифодаловчи кўрсаткич бўлиб, у серқирра ва мураккаб мазмунга эга. Чунки даромад бир вақтнинг ўзида бирон-бир фаолият натижасида олинган тушумни, пул маблағларининг натурал кўринишда олинган маҳсулотларини, иқтисодий ресурслар келтирувчи нафни ва бошқа тушунчаларни ифодалаш мумкин.¹⁸

Давлат томонидан аҳоли даромадларини марказлаштирилган назорат қилиш заруратини Ж.Кейнс ўзининг «Бандлик, фоиз ставкаси ва пулнинг умумий назарияси» (1936) асарида ўрганиб чиққан. Солиқ тизими, фоиз ставкаси, капитал қўйилмалар орқали давлат истеъмолга чекланган тарзда таъсир қилади. Жамғарма ҳар доим ҳам ишлаб чиқаришга сармоя киритмайди, бу эса иқтисодиётнинг макроиқтисодий мувозанати бузилишига олиб келади. Макро даражадаги мувозанатни тиклаш учун ишлаб чиқариш қувватини кўпайтириш, унинг натижасини истеъмолни таъминлаш учун

¹⁶ Arrow K., Debreu J. Existence of an equilibrium for a competitive economy. // *Econometrica*. 1954. Vol. 22. pp. 82-109.

¹⁷ Fisher, Irving, *Booms and depressions : some first principles* 1932

¹⁸ Мухитдинова М.З., «Аҳоли турмуш даражасини баҳолаш: таҳлил ва самара» Халқаро молия ва ҳисоб илмий электрон журнали. № 2, апрель, 2019 йил

зарур бўлган талаб даражасигача ошириш керак. Аҳолининг истеъмолга бўлган юқори даромадларини таъминлаш ва қайта тақсимланишига эришиш асосида иқтисодиётни самарали тарзда барқарорлаштириш мумкин. «Иш ўринлари кўпайганда, жами реал даромад ортади. Жамиятнинг психологияси шундаки, жами реал даромадларнинг ўсиши умумий истеъмол ҳажмининг ҳам ошишига олиб келади. Бу ерда асосий психологик қонун шуни кўрсатадики, одамлар даромад ошиши билан истеъмолни кўпайтиради, аммо даромад ўсиб бориш даражасида эмас.»¹⁹

Ж.Кейнснинг издоши Ж.Дьюзенберри²⁰ томонидан ишлаб чиқилган нисбий даромад назарияси, истеъмол даражаси бир вақтнинг ўзида ижтимоий гуруҳ ичидаги рақобатга ва бир томондан рақобат асосида шаклланган тақлид (намойишига) самарасига ҳамда бошқа томондан юқори турмуш даражасига эришиш учун доимий интилишга асосланган.

Неокейнсчилар Р. Харрод, Е. Домар ва Э. Хансен²¹ Ж.Кейнснинг тадқиқотини давом эттириб, нафақат барқарор иқтисодий ўсишни сақлаб қолиш учун шарт-шароитларни яратишга, балки узоқ муддатга тўлиқ бандликни таъминлайдиган даромадларни ўрганишга эътибор қаратди. Кейнснинг динамик моделлари бозор иқтисодиётида беқарорлигини кўрсатди. Жумладан, Э.Хансеннинг асосий хизмати шу бўлдики, у Ж.Кейнс томонидан таклиф этилган, амалиётда кенг қўлланилган давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирларини умумлаштирди ва тизимга солди. Э.Хансенга кўра истеъмол функцияси²² куйидаги кўринишга эга:

$$C = C_a + \frac{C_y Y}{Y_m},$$

бу ерда:

Y_m – ўртача даромад.

Бу функция орқали кейнсча макроиқтисодиёт ва неоклассик

¹⁹ Кейнс Дж. М. Общая теория занятости, процента и денег. – М., 1999. с. 80, 121.

²⁰ Дьюзенберри Дж. Доход, сбережения и теория поведения потребителя, 1949. ЦЭМИРАН, 2008.

²¹ Харрод Р. К теории экономической динамики: Пер. с англ. В.Е. Маневича/Под ред. В. Г. Гребенникова. – М.: ЦЭМИ РАН, 2008. – 210 с; Domar E. Expansion and employment. // American Economic Review. 1947. Vol. 37; Хансен Э. Экономические циклы и национальный доход. – М.: Изд-во иностранной литературы, 1959.

²² Хансен Э. Экономические циклы и национальный доход. – М.: Изд-во иностранной литературы, 1959.

микроиқтисодиёт ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг йўқлиги муаммоси янги неоклассик синтез назариясининг пайдо бўлиши билан ҳал қилинди.

1943 йилда А.Пигу Кейнснинг истеъмол функциясининг асосий омилларига даромад билан бир қаторда, реал пул балансининг қийматини – яъни товарлар ва хизматлар учун олиш мумкин бўлган иқтисодий агентлар тасарруфидаги пул миқдорини қўшиш кераклигини²³ айтиб ўтган. А.Пигу самараси (яъни бойлик самараси) билан ҳисоблаганда истеъмол функцияси қуйидагича кўриниш олади:

$$C = C_a + C_Y(Y - T) + C_m\left(\frac{M}{P}\right),$$

бу ерда:

C_m – реал пул қолдиқлари бўйича истеъмолга чекли мойиллик ҳамда $\left(\frac{M}{P}\right)$ – иқтисодиётда реал пул массасининг ҳажми.

1946 йилда америкалик С.Кузнец²⁴ инсоннинг барча онгли ҳаётини: меҳнатни ҳам, пенсияни ҳам ўз ичига оладиган узоқ муддатли истеъмол функциясини ишлаб чиқди:

$$C = a \cdot Y.$$

1950-1969 йиллар мобайнида ишлаб чиқилган Р.Солоу²⁵ модели давлатнинг иқтисодий сиёсатининг турли хил вариантларини баҳолашга имкон берди, унда илмий ва технологик тараққиётнинг экстенсивлиги, сармоялар оқимининг тезлиги, жамғармалар ставкалари, аслида инсон капиталига қилинадиган инвестицияларни ҳисобга олди. Аммо унда даромадларнинг турмуш даражасига таъсири ўрганилмаганлиги асосий камчилик сифатида намоён бўлди. Ушбу модел таълим ва соғлиқни сақлаш каби иқтисодий ўсиш омилларини ҳисобга олмаган, фақат реал иқтисодиётда узоқ муддатли барқарорлик ҳолатини таҳлил қилиш имконини беради.

Неоклассик синтезнинг яна бир вакили Ф.Модильянининг ҳаётий цикл

²³ Pigou A. The Economics of Welfare/ National Dividend. L.: Macmillan, 1932.

²⁴ Kuznets S. National Product since 1869. New York, 1949.

²⁵ Solow R. A Note on Dynamic Multipliers. / Econometrica, Jul., 1951. Vol. 19. № 3. pp. 306-316; Solow R. A contribution to the theory of economic growth. // The Quarterly Journal of Economics, 1956. Vol. 32. pp. 65-94; Solow R. Thechnical Progress, Capital Formation, and Economic Growth. // American Economic Review, 1962, Proceedings, pp. 76-86.

назариясига кўра, шахс истеъмол харажатлари даражаси нафақат жорий даромад асосида, балки унинг мулклари миқдори асосида ҳам амалга ошади. Жорий истеъмол нафақат жорий даромаднинг, балки истеъмолчининг жами бойлигининг функциясидир. Барча истеъмолчилар ўз харидларини шундай тақсимлашга ҳаракат қиладиларки, унда харидлар бутун ҳаёт давомида текис тақсимланади ҳамда у эга бўлган мулк умрнинг охирида сарфланиб бўлинади. Истеъмолчилар иш билан бандлик даврдаги даромадидан бир қисмини қариганда сарфлаш учун жамғариб қўядилар. Ф.Модильяни фикрича, ёшлиқда истеъмол кўп бўлгани учун қарз олиб (ота-оналаридан, давлатдан, масалан, таълим кредити) яшайдилар ва етуклик йилларида – $Y > C$, яъни истеъмол даражаси даромаддан паст бўлади. Чунки жамғаришга чекли мойиллик ошади (кексайликка жамғариш); кексайганда харидларга пенсия жамғармалари билан бирга балоғатга етган фарзандларнинг трансфертлари ҳам сарфланади. Шундай қилиб, юқори даромадли уй хўжаликлари келажакда пул тушумларини доимий равишда бўлмаслигини англаган ҳолда, харажатларини иқтисод қиладилар. Аксинча, уй хўжаликлари келажакда юқори даромадларни кутиб, қарз олиш ва қарзга яшашга интилишади ва шу билан ўзларининг истеъмол даражасини оширадилар. Бу гипотеза, масалан, ёш оилаларнинг турмуш даражаси уларнинг даромадларидан кўра анча юқори эканини тушунтиради. Аксинча, ёши пенсия ёшига яқин бўлган катта ёшлилар жорий даромадлардан истеъмолни чеклашади, чунки келгуси даромадлари камайишини биладилар.

Ф. Модильянининг турмуш тарзи модели эмпирик тадқиқотчилар томонидан рад этилган. Уларнинг фикрича, аҳолининг кам даромадли сегментлари ҳеч қандай жамғармаларни яратишга қодир эмас. Айни пайтда даромадга қараб, жамиятнинг турли қатламлари истеъмоли ҳам турлича бўлади. Кам даромадли уй хўжаликлари деярли барча даромадларни истеъмол қилишга йўналтиради ва ҳатто қарзга яшайди. Уй хўжаликларининг даромади қанча кўп бўлса, шунча кўп жамғарма қилса бўлади. Шунинг учун иқтисодчилар истеъмол учун жамғармани

камайтиришга таъсир қилувчи омилларни ўргана бошладилар. Баъзи муаллифлар, хусусан, Ф. Модильяни, даромадга мутаносиб равишда истеъмолнинг ўсиши мавжуд маҳсулотларни такомиллаштириш, ҳар бир ижтимоий гуруҳнинг қўшимча даромадларини ўзлаштириш ва янгиланган маҳсулотларни доимий ишлаб чиқиши мумкин деб изоҳлайди²⁶.

Замонавий иқтисодиётда аҳоли даромадлари маълум вақт оралиғида улар томонидан олинган пул ва натурал шаклдаги тушумларнинг миқдорини англатади²⁷ деб олинган. Аҳоли пул даромадлари иш ҳақи, тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар, нафақа, пенсия, стипендия шаклидаги барча пул тушумларини, мулкдан фоиз, дивиденд, рента шаклида олинадиган даромадлар, қимматли қоғозлар, кўчмас мулк, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, ҳунармандчилик буюмларини сотишдан ва ҳар хил хизматлар кўрсатишдан келиб тушадиган даромадларни²⁸ ўз ичига олади.

Монетаризм асосчиси М.Фридманнинг 1957 йилда ишлаб чиққан доимий даромад назарияси кўра кўпчилик ҳолларда уй хўжаликларининг даромадлари бир муддатдан то бошқа муддатгача сезиларли ўзгаришларга дуч келмаганини, аммо истеъмол харажатларида нисбатан барқарорлик сақланиб қолганини айтиб ўтган. Бунда истеъмол харажатлари мавжуд уй хўжаликлари даромадлари билан эмас, балки бир неча даврлар учун одатий ва доимий (мунтазам) деб ҳисобланган ўртача даромад билан боғлиқлигини қайд этади²⁹.

Аҳоли даромадлари нафақат моддий аҳволни белгилайди, балки иқтисодиёт самарадорлигини ва жамиятдаги иқтисодий муносабатларни ҳам акс эттиради. Даромадлар даражаси, таркиби, динамикасини аҳоли харажатлари билан таққослаш орқали жамиятнинг турли гуруҳлари ва табақалари ўртасидаги табақаланиш тавсифланади. Демак, даромад бевосита

²⁶ F Modigliani, H Neisser National Incomes and International Trade: A Quantitative Analysis University of Illinois Press 1953

²⁷ Шодмонов Ш., Фафуров У. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. - Т.: «Фан ва технология», 2005. – 662 б.

²⁸ Н.А. Сафарова «Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти» «Халқаро молия ва ҳисоб» илмий электрон журнали. №2, апрель, 2017 йил.

²⁹ Milton Friedman «A theory of the consumption function» Princeton Univ. Press 1957 pp.: 20-31

аҳоли турмуш даражаси билан боғлиқ.

Аҳоли турмуш даражаси уй хўжаликларининг у ёки бу ижтимоий демографик типига тегишлилиги, аъзолар таркибдаги ёшига, ишловчилар ва боқимандалар ўртасидаги нисбат, жон бошига тўғри келадиган даромадига қараб асосли мунозара қилиш мумкин. Аҳоли турмуш даражаси, бизнингча, ресурсларнинг адолатли тақсимланишига боғлиқ.

Ресурсларни адолатли ва самарали тақсимлаш мезонларини белгилаш иқтисодийнинг энг муҳим жиҳатларидан бири саналади. Давлат сиёсати маблағларни самарали тақсимлаш орқали иқтисодий ривожланиш натижалари тақсимотининг адолатлилигини таъминлаш, иқтисодий ресурсларни муайян тақсимлаш шароитларига таъсир қилади. Жамиятнинг қадриятлар тизими ўзининг адолатли идеалини шакллантиради. Фаровонлик иқтисодий норматив иқтисодий фаннинг бир қисми ҳисобланиб, у жамиятда мавжуд ахлоқий меъёрлар билан белгиланадиган тақсимотни ҳисобга олади, шунинг учун самарадорлик ва адолат ўртасидаги танлов ҳар хил бўлиши мумкин. Ушбу тоифалар ўртасида келишувга эришиш муайян ҳуқуқларнинг бузилишига олиб келади ва унинг нотенглиги ҳамда аҳоли фаровонлигини нотекис таъминлашда ўз ифодасини топади.

Ижтимоий фаровонлик даражаси жамиятда фойдани қандай ва қанчалик яхши тақсимланганига боғлиқ, шунинг учун индивидларнинг фаровонлиги:

$$W = (W_1, W_2, \dots, W_i, \dots, W_n), 1 \leq i \leq n \text{ билан асосланади.}$$

бу ерда W_i – i нчи индивиднинг фаровонлиги, n -жамият аъзоларининг сони. Ҳар бир шахс ўз фаровонлигини энг яхши йўл билан баҳолай олади ва уни максималлаштиришга ҳаракат қилади, индивидлар нафлиликнинг U_i содда функциясини жамлаб, жамиятнинг нафлилик функцияси:

$$U = U_1 + U_2 + \dots + U_i + \dots + U_n \text{ ни ташкил этади.}$$

Бу функция Парето самарасини ифодалайди. Унга кўра, инсоннинг эҳтиёжлари, бирор маҳсулотни афзал билиши унинг истемолига таъсир қилади, жамиятнинг бошқа барча аъзолари фойдаси камаймаслиги шarti

билан инсоннинг фаровонлиги ортиб боради. Паретонинг мезонига мувофиқ ижтимоий фаровонлик векторларини таққослаш тақсимотда айрим шахсларнинг даромадлари ёмонлашмасдан бошқаларнинг фаровонлиги ошиши мумкин эмаслиги маълум бўлади.

Бироқ Паретонинг самара мезонлари ижтимоий тенгсизликка таъсир қилмайди, у фақатгина шахснинг фаровонлиги билан боғлиқ. Жамиятнинг баъзи аъзолари нафлилиги ўсиб бораётган бўлса, бошқаларники камайса, у ҳолда ижтимоий фаровонликдаги ўзгаришлар ноаниқ бўлади. Калдор-Хикс компенсацияси тамойилига биноан, ўз даромадини яхшилаган шахс даромадлари позицияси ёмонлашган шахснинг йўқолиб кетиши, яъни биринчи навбатда зарарни қоплаши мумкин бўлган қайта тақсимот мавжуд³⁰. Калдор-Хикснинг Парето самараси мезонларини яхшилаши асосида қуйидаги фикр келиб чиққан: агар жамиятнинг ютган аъзолари ютқазганларнинг муваффақиятсизлиги эвазига ютган бўлса, қайта тақсимлаш жамиятнинг умумий фаровонлигини оширади.

Калдор-Хикс мезонлари асосида иккита Парето самараси ҳолатни танлаш қайта тақсимланишнинг бошланғич позициядан охирига ва аксинча, «Скитовски парадокси»³¹ да самарали эканлигини кўрсатиши мумкин. Бу муаммо Скитовскининг икки мезони ёрдамида ҳал қилиниши мумкин, унга кўра фаровонликнинг яхшиланиши фақат бошланғич ҳолатдан сўнгги ҳолатга ўтиш учун Калдор-Хикс мезонида амалга ошади, якуний ҳолатдан бошланғичга ўтишда ишламайди. Аммо иқтисодиётнинг учта ёки ундан ортиқ ҳолатини солиштирганда, Скитовски мезонлари фақат Калдор-Хикс мезонини ҳисобга олмайди, аммо транзитив эмаслигини ҳам ҳисобга олади. Шундай қилиб, агар қайта тақсимлашда индивидлардан бирининг нафлилигини камайса, Паретонинг мезони қайтмаслик ёки транзитивлик муаммосига тўқнаш келади. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун ижтимоий

³⁰ Kaldor N. Welfare propositions in Economics and Interpersonal Comparisons of Utility. // Economic Journal, 1941. Vol. 9, pp. 549-552; Hicks J. The Foundations of Welfare Economics, Economic Journal, 1939. Vol. 49. № 196. pp. 696-712.

³¹ Scitovsky T. A note on welfare propositions in economics. // Review of Economic Studies, November, 1941. Vol. 9, pp. 77-88.

фаровонлик функциясини аниқлаш керак, бу эса, ўз навбатида, шахсларнинг фойдасини таққослаш имконини беради.

Аҳоли фаровонлик функциясини доимий эластикликка эга функция кўринишида ифодалаш мумкин:

$$W = \frac{\sum_{i=1}^n a_i (U_i)^{1-e}}{1-e}$$

Бу ерда W – аҳоли фаровонлиги, a_i - параметр; U_i - индивиднинг нафлилиги; $1 - e$ - аҳоли бепарқлик эгри чизигининг доимий эластиклиги. Бу функция Калдор-Хикс томонидан ишлаб чиқилган жамият фаровонлигини ифодалайди.

Утилитаризм «кўпчилик учун энг катта бахт»³² тамойилига асосланади ва нафлиликлар миқдорини максимал даражада оширишни назарда тутаяди. Инсон фақатгина эҳтиёжларини қондирувчи ва деярли ишлаб чиқариш соҳасига қизиқмайдиган истеъмолчидир. Эҳтиёжларни дарҳол қондириш жуда муҳим, чунки келажакдаги нафлилик «бахт арифметикаси»га кўра индивид учун ҳозиргисига қараганда камроқ қадрга эга. Бойлик – бу фақатгина эҳтёжларни қондириш воситаси. Бу хулоса И. Бентамнинг универсал истеъмолчиси концепциясига мос келади ва унинг марказий ғоясига айланади.

И.Бентамга кўра, аҳоли умумий нафлилигини максимал даражада оширган ҳолда бу функция икки индивид орасидаги фаровонлик тақсимотидаги ўзгаришларни ҳисобга олади: яъни бир индивид фаровонлигининг пасайиши муайян бошқа бир индивид даромадининг ўсишига олиб келади.

Аҳолининг юқори даражадаги даромадли ҳаётга ўтиши бир вақтнинг ўзида барча индивидларнинг фаровонлиги ошганда содир бўлади. Ижтимоий тенгликка Ф.Ницше, ўзининг фикрига кўра, аҳолининг ўзига тўқроқ қатламлари фаровонлигини ошириш назарга олиниши лозим деб айтган ва жамият келажакда бойлар камбағалларнинг фаровонлигига таъсир қилади,

³² Бентам И. Введение в основания нравственности и законодательства. – М.: Роспэн, 1998. с. 6.

аҳоли энг бой қатламлар манфаатларига кўра қарорлар қабул қилишга мажбур деб ҳисоблаган.

Ҳозирги кунда жамият тараққиёти ҳамда у билан боғлиқ ижтимоий муаммолар иқтисодчи олимлар эътиборини жалб қила бошлади. Неъматлар тақсимотидаги адолатни неолиберализм вакили Ж.Роулз ўз ишида кўриб чиққан. Ж.Роулзга кўра, неъматлар миқдорини кўпайтириш ўз-ўзидан тўғри жараён эмас. Бу «одамларнинг энг катта миқдори учун бахт»нинг ўсишига ҳисса қўшиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар тамойилларига риоя қилишдир³³. Агар нисбий иқтисодий тенгсизлик кам даромадли аҳоли учун юқори турмуш даражаси ўсишига ҳисса қўшса, бу даромадлар дифференциациясида адолатли бўлар эди деб ҳисоблайди.

Ж.Роулз ўзининг концепциясини асослаш учун «ижтимоий шартнома» ғоясидан келиб чиққан ҳолда, ўзи «бошланғич ҳолат» (the original position) деб атаган гипотетик вазиятни ҳисобга олишни таклиф қилади. Барча индивидлар – бу жамиятнинг адолатли тизими тамойилларини танлашга даъват этилиб, кейинчалик унга мос яшашга мажбур бўладиган оқил, тенг ва эркин кишилардир. Мазкур вазиятни «адолат бу ростгўйлик» деб атаб, унда иштирокчиларнинг розилиги биргаликда ишлаб чиқилган барча қоидаларни виждонан бажаришига асосланади.

Бироқ ҳақиқий ҳаётда адолат бўйича келишиб бўлмайди, чунки шартноманинг ҳар бир иштирокчиси ўзининг имкониятларини билган ҳолда, фақатгина ўзи учун фойдали адолат тамойилини танлайди. Одамлар ўзининг ижтимоий келиб чиқишидан, жинси, ирқи, ижтимоий мавқеидан қатъий назар, ўзининг табиий хусусиятларидан: яъни соғлиғи, ақлий салоҳияти, жисмоний афзалликлари ёки камчиликларига қараб камситилмаслиги керак. Яъни инсонга табиий келиб чиқиб ойлик тўланмаслиги лозим. Ушбу сифатлар ҳам адолатли жамиятда йўқ бўлиб кетиши кераклигидан келиб чиқади.

³³ John Rawls «A Theory of Justice» Belknap Press 1999, ISBN 13: 9780674000773 pp:19-24

Ж.Роулзга кўра, бундай вазиятда табиий оқилона танлов жамиятнинг кам таъминланган аъзоларининг фаровонлигини оширишга ҳаракат қиладиган асосий стратегияларни ишлаб чиқиш лозим.

Ж.Роулзнинг адолат тамойиллари қуйидагича ифодаланади³⁴:

1. Ҳар бир индивид бошқа барча индивидлар учун берилган эркинликларга мос келадиган тенг ҳуқуққа эга бўлиши керак;

2. Ижтимоий-иқтисодий тенглик шундай ташкил этилган бўлиши керакки, унда бир вақтнинг ўзида жамиятнинг энг кам муваффақиятга эришган аъзолари учун энг катта фойда келтирадиган ва барча тенг ҳуқуқли имкониятлар ҳамда шароитлар яратиб берадиган тарзда бўлсин.

Ж.Роулз ижтимоий ва сиёсий адолат тамойиллари иқтисодий самарадорлик ва мақсадга мувофиқлик тамойилларига қараганда жамият учун анча муҳимроқ аҳамият касб этади³⁵ деб билди.

Ж.Роулзнинг ижтимоий фаровонлик функцияси $e=0$ ҳамда $a_i \rightarrow 0$ бўлганда ишлайди ва жамиятнинг кам таъминланган аъзолари нафлилигини максимал даражада оширади:

$$W = \min\{U_1, \dots, U_i, \dots, U_n\}.$$

Ж.Роулзнинг адолат тўғрисидаги нуқтаи назарига қарама-қарши нуқтаи назар либерал ва консерватив Р.Нозик³⁶ томонидан илгари сурилган. Унга кўра, агар адолатга эришиш жараёни адолатли бўлса, унда процессуал адолат назарияси бўйича тақсимот жараёни адолатли бўлган. Давлатнинг роли минимал, у фақат тартибни сақлаб туради ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлайди, шунинг учун иқтисодиётга аралашиб адолатдан чиқиб кетишни англайди. Фақат бой индивид кам даромадли шахс фойдасига ихтиёрий трансфертга рози бўлсагина ижтимоий фаровонликни ошириш мумкин.

Тенглик тарафдорларининг фикрича, агар даромадларни тенг тақсимлайдиган бўлсак у ҳолда биз даромадлар самарадорлигини

³⁴ John Rawls «A Theory of Justice» Belknap Press 1999, ISBN 13: 9780674000773 pp.:93-95

³⁵ John Rawls «A Theory of Justice» Belknap Press 1999, ISBN 13: 9780674000773. pp.:171-176.

³⁶ Nozick R. Anarchy, state and utopia. Oxford, 1974.

максималлаштиришга эришишимиз мумкин бўлади. Даромадлар самарадорлиги деганда, уларни энг керакли (фойдаси кўпроқ) нарсаларга сарфлаш тушунилади. Масалан, камбағал ва бой икки киши учун бир бурда ноннинг нафлилиги турлича, яъни шу бир бурда нонга сарфланган пулнинг самарадорлиги камбағал киши учун юқори.

Демак, даромад нотекис тақсимланганда, умумий самарадорлик ошмас экан. Тенг тақсимлашнинг фойдали жиҳати шундаки, унда даромаднинг умумий самарадорлиги максимал даражада бўлади. Лекин кўпчилик иқтисодчилар тенг тақсимлашга салбий муносабатда бўладилар. Даромадларнинг тенг тақсимланиши инсонларда меҳнат қилишга бўлган рағбатни йўқотар экан. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, кишилик жамияти таракқиёти давомида адолатли тақсимот ҳақидаги фикрларни 4 гуруҳга бўлиш мумкин:

1) Эгалитар тақсимот. Бу тақсимот тарафдорлари фикрича, барча жамият аъзолари ўртасида неъматлар тенг тақсимланиши керак.

2) Роулзча тақсимот. Бу тақсимлаш асосчиси америкалик файласуф Жоул Роулз саналади. Унинг фикрича, неъматларни шундай тақсимлаш керакки, бунда энг камбағал қатлам нисбатан нормал ҳаёт кечирсин.

3) Утилитар тақсимот. Бундай тақсимот тарафдорлари фикрича, жамиятнинг ҳамма аъзолари нуфузига қараб тақсимлаш адолатли тақсимот бўлади. Кишиларнинг нуфузи эса жамиятда тутган ўрнига қараб белгиланади.

4) Бозор иқтисодиётига хос тақсимот. Тақсимотнинг бу турида ҳар ким ишлаб чиқаришда, маҳсулот ва хизматларни яратишда қўшган ҳиссасига қараб даромад олади. Капитал, тадбиркорлик қобилияти, ер, ишчи кучидан иборат ресурслар эгалари ўз ресурсларини ишлаб чиқариш омили сифатида иқтисодиётга қўшган ҳиссасига қараб даромад олади. Ҳозирги пайтда иқтисодчиларнинг асосий қисми тақсимлашнинг шу турини қўллаб-қувватлайди.


Ҳаётда, бозор иқтисодиёти шароитида кўп мамлакатларда даромад

таксимоти фақат бозор механизми орқали юз бермай, унга давлатнинг қайта таксимлаш орқали аралашуви ҳам хос бўлади. Давлат даромадларни таксимлашда ижтимоий сиёсатининг асосий вазифаси аҳолининг самарали ҳимоясини шакллантиришдир (1-расм). У асосан 3 йўналишда олиб борилади:

1-йўналиш. Аҳолининг энг кам таъминланган, одатда ўзи мустақил ҳаёт кечиритишни минимал даражасини таъминлай олмайдиганлар (ногиронлар, қариялар, кўп болали оилалар)ни қўллаб-қувватлаш.

2-йўналиш. Меҳнат қилиш ҳуқуқи кафолатланишини таъминлаш. Давлат меҳнат бозорида барча субъектларнинг тенг ҳуқуқлилиги, эркин касб-ҳунар эгаллаш, иш жойи ва соҳани танлаш кабилар кафолатланишини таъминлаши керак.

3-йўналиш. Биринчисининг мантиқий давоми – аҳоли бандлигини тартибга солиш. Унга иқтисодиётни давлат ва нодавлат секторида янги иш жойларини яратиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш киради. Иш билан бандлик ва ишсизларга ёрдам дастурлари ишлаб чиқилади. Бу дастурларни меҳнат биржалари амалга оширади.



1-расм. Ўзбекистон ижтимоий ҳимоя тизими³⁷

³⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Амалиётда даромаддан қониқишни аниқлаш учун ундан олинадиган нафлиликни таққослаш муҳим саналади. Одамларни ўзаро таққослаш қийин, чунки камбағал кишининг даромадлари ўсишини бой киши оладиган нафлилик билан солиштириб бўлмайди. Индивиднинг нафлиликни максималлаштиришга ҳаракати Парето қонуниятига кўра кечади ва шахсий эркинлик тамойилига зид келиши мумкин. Шунинг учун ижтимоий фаровонлик функциялари турлича даромад даражасига эга бўлган шахслар даромадларини оширишнинг тизимли усулидир.

Кишилар турмушининг тобора яхшиланиб, сифат жиҳатдан ўсиб бориши кишилик жамияти ривожланишининг барча босқичларига хос бўлган умумий белги саналади.

Аҳоли турмуш даражаси тушунчаси деганда, уларнинг ҳаёт кечирishi учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар билан таъминланиши ҳамда кишилар эҳтиёжининг ушбу неъматлар билан қондирилиш даражаси тушунилади³⁸. Инсон ҳаёт фаолияти учун зарур неъматлар жуда кўп эҳтиёжларни ўз ичига қамраб олади. Кишиларнинг турмуш даражаси шу жамиятдаги ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражасига боғлиқ. Чунки истеъмол ишлаб чиқаришга нисбатан ҳосилладир.

Аҳоли турмуш даражаси ва сифати иқтисодий-ижтимоий сиёсатнинг, аҳоли даромадлари ва харажатларини тартибга солиш бўйича сиёсатнинг натижаси кўрсаткичидир. Турмуш даражасини аниқлашда «Истеъмол савати» дан, яъни муайян истеъмол даражасини таъминловчи товарлар ва хизматлар мажмуидан фойдаланилади. Истеъмолнинг минимал даражаси «қашшоқлик чегараси»ни белгилайди. «Қашшоқлик чегараси»дан пастда яшовчи аҳоли улуши мамлакатда турмуш даражасини тавсифловчи энг муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичнинг қисқариши ҳамда қашшоқликка қарши кураш – ижтимоий сиёсатнинг асосий вазибаларидан бири саналади. Бюджет орқали даромадни шакллантириш, ижтимоий тўловлар ва имтиёзлар бўйича даромадларни қайта тақсимлашни

³⁸ http://el.tfi.uz/images/Iqtisodiy-ijtimoiy_nazariyasi_oq_0e526.pdf

ташқил этиш орқали ҳукумат камбағалларнинг даромадларини ошириш муаммосини ҳал қилади ҳамда ижтимоий кескинликни юмшатишга кўмаклашади. Товарларни солиққа тортиш истеъмол талабини тартибга солади, жисмоний шахсларнинг имтиёзларини шакллантиради, зарарли товарлар истеъмолини камайтиради ва соғлом турмуш тарзи учун зарур бўлган товарлар истеъмолини рағбатлантиради, инсон ресурслари ва ишлаб чиқариш кучларини юқори сифатли қайта ишлаб чиқаради.

Аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичини баҳолаш жуда мураккаб ҳисобланади. Бу сифат жиҳатидан аҳолининг моддий, ижтимоий, жисмоний ва маданий фаровонлигини акс эттирадиган кўрсаткичлар йиғиндисидан иборат. Бу кўрсаткич меҳнат шароитлари ва хавфсизлиги, атроф-муҳит ҳолати, бўш вақтнинг мавжудлиги, маданий даражани, жисмоний ривожланиш, фуқароларнинг жисмоний ва мулкӣ хавфсизлигини назарда тутди. Жамият ривожланиб борган сари бу хусусиятлар ўзгариб боради. Иқтисодий ривожланишнинг аҳоли фаровонлигини, жамиятда инсоннинг баркамоллигининг таъминланишини ифодаловчи кўрсаткичлардан энг асосийларидан бири «Инсон салоҳияти ривожини индекси» ҳисобланиб, БМТ соғлиқни сақлаш, ўртача умр кўриш даражаси, таълим даражаси, аҳолининг иш билан бандлиги ва тўлов қобилияти, шунингдек, сиёсий ҳаётга кириш имкониятларини инобатга олган ҳолда аҳоли турмуш сифатини ўлчаш учун ҳаёт сифати индексини таклиф қилган. Мамлакатларни ўзаро таққослашлар учун ҳаёт сифати индексини қўллаш қийин, шунинг учун 1990 йилда илк бор покистонлик иқтисодчи Маҳбуб ул-Ҳақ томонидан ҳисобланган бошқа индикатор – Инсон салоҳияти ривожини индекси (ИСРИ) ни ишлаб чиқди, Шундан бошлаб БМТТД (Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури) томонидан ИСРИ ҳар йили тайёрланади ва инсон тараққиёти тўғрисидаги маърузада эълон қилинади. Бу кўрсаткич учта кўрсаткич билан ўлчанади: умр кўриш давомийлиги, таълим даражаси, жон бошига реал ялпи

ички маҳсулот³⁹.

Истеъмолнинг минимал ва рационал даражаси мавжуд. Истеъмолнинг минимал даражаси истеъмолчини мавжуд бўлган нормал шароитларни таъминлаш чегарасидан ташқарига чиқаради, яъни у камбағал тоифага айланади. Истеъмолнинг рационал даражаси – бу индивид учун энг мақбул истеъмол миқдори ва таркибидир. Рационал истеъмол бюджетда харажатларнинг асосий қисмини ноозиқ-овқат товарлар: маданий, маиший ва ижтимоий мақсадлар учун мўлжалланган нарсалар, минимал истеъмол бюджети эса инсон организмнинг нормал ишлаши учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари учун мўлжалланган.

1.2-§. Аҳоли даромадларининг турлари, таркиби ва шаклланиш манбалари

Даромад тушунчаси иқтисодчи олимлар томонидан турли ёндашувлар ва қарашлар натижасида кўплаб мунозараларга учрамоқда, унинг иқтисодий мазмунини изоҳлаш борасидаги эса тортишувлар бир неча юз йиллардан бери давом этиб келади. Чунки ҳар қандай иқтисодий фаолият натижаси даромад кўринишида юзага чиқиши сир эмас. Лекин унинг мазмуни ва моҳияти маълум даврларга хос тарзда табиатан зиддиятли қарашларда акс этиб келган.

Даромадларнинг иқтисодий мазмунини таҳлил қилишда инглиз иқтисодчиси Ж.Хикс ўзига хос ёндашув қўллаганини кузатиш мумкин. Унинг фикрича, даромад турли давр ва ҳар хил манбаларга нисбатан бир хил характер касб этмайди. Бир қарашда даромадлар миқдоран келиб тушса, иккинчи ҳолатда даромад иқтисодий вазиятнинг ўзгаришига нисбатан мавжуд бўлади. Бунда даромад соҳиблари учун иқтисодий шарт-шароитлар ўзгармаслиги ва даромадларнинг келиб тушиши миқдоран доимий бўлиши умумий ҳолат сифатида қаралади. Лекин даромадлар шаклан ва миқдоран

³⁹ Кадомцева С. В. Развитие человеческого потенциала и социальная политика государства. // Вестник Московского Университета. Серия 6. Экономика. – 2004. № 3. с. 116-122.

Ўзгариб туриш табиатига эгаллиги ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун Ж.Хикс даромаднинг иқтисодий мазмунини очиб беришда бир нечта ёндашувларга ўз эътиборини қаратади. Бунда даромад қилинадиган харажатлар, жамғариш ва инвестиция қилиш билан узвий боғлиқликда кўриб чиқилади.

Индивид томонидан қилинган харажат даромадлар миқдорига тўлиқ мос тушади. Бунда даромадларнинг келиб тушиши даврий ўзгармай туради. Даромадлар қилинган қийматлар кейинчалик кутилаётган сарфлар йиғиндиси билан белгиланади. Бунда даромад турли ўзгаришлар (масалан, бозор нархи, фоиз ставкасининг ўзгариши) таъсирида бўлади ва улар ўзгариши асосида трансформация бўлади. Шундай қилиб, Ж.Хикс даромадлар мазмунини изоҳлашда унинг миқдори амалга оширилган сарф, келажакда мўлжалланган харажатлар ва истеъмолнинг (айрим узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар) давомийлиги билан боғлайди.

«Даромад» иқтисодий фаолият натижаларини ифодаловчи кўрсаткич бўлиб, у серқирра ва мураккаб мазмунга эга. Чунки даромад бир вақтнинг ўзида бирон-бир фаолият натижасида олинган тушумни, пул маблағларини, натурал кўринишда олинган маҳсулотларни, иқтисодий ресурслар келтирувчи нафни ва бошқа тушунчаларни ифодалаш мумкин. Шунингдек, даромад умумий тушунча бўлиб, унинг таркибида аҳоли даромадлари муҳим ўрин тутаяди.

Ҳозирги кунда уй хўжаликлари даромадлари – бу маълум вақт оралиғида (масалан, бир йилда) улар томонидан иш ҳақи сифатида олинган ёки мулк эвазига топилган пул ва моддий кўринишдаги маҳсулотлар йиғиндиси деб айтишимиз мумкин.

Мамлакатимиз олимларининг даромад турларига нисбатан ёндашувини ўрганиш ҳам биз учун аҳамиятли. Жумладан, улар томонидан пул ва натурал кўринишдаги даромадлар ажратилади. Шунингдек, Б.Ходиев ва Ш.Шодмоновлар аҳоли даромадларининг икки тури: номинал ва реал⁴⁰

⁴⁰ Ходиев Б.Ю., Шодмонов Ш. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т.: «Баркамол файз медиа» нашриёти. 2017. 663-664-б.

турини ажратиб кўрсатса, Т.Жўраев унинг яна ихтиёрдаги⁴¹ кўринишини ҳам ажратади. Бизнингча, истеъмол ва тақсимот асосида шаклланган кўринишдаги аҳоли даромадларини номинал, реал ва ихтиёрдаги даромадларга бўлиш тўғрироқ. Аҳоли даромадлари даражасига баҳо беришда ҳам айнан номинал, ихтиёрда бўлган ва реал даромад тушунчаларидан фойдаланганимиз маъқул.

Аҳоли пул даромадлари иш ҳақи, тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромад, нафақа, пенсия, стипендия шаклидаги барча пул тушумларини, мулкдан фоиз, дивиденд, рента шаклида олинадиган даромадлар, қимматли қоғозлар, кўчмас мулк, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, ҳунармандчилик буюмларини сотишдан ва ҳар хил хизматлар кўрсатишдан келиб тушадиган маблағларни ўз ичига олади.

Натурал даромад эса меҳнат ҳақи ҳисобига олинган ёки уй хўжаликларининг ўз истеъмоли учун ишлаб чиқарган моддий буюмлашган маҳсулотларидан иборат қисм. Натурал даромад жаҳон мамлакатларининг барчасида мавжуд, аммо пул кўринишидаги тушум бўлмагани учун кўпинча ҳисобга олинмайди.

Номинал даромад – аҳоли томонидан маълум вақт оралиғида олинадиган даромадларнинг пул кўринишидаги миқдори ҳисобланади⁴².

Аҳолининг номинал пул кўринишидаги даромадлари турли манбалар ҳисобига шаклланади ҳамда уларнинг асосийлари қуйидагилар ҳисобланади:

- а) ишлаб чиқариш омилларидан олинадиган даромад;
- б) давлат трансферт дастурлари бўйича тўлов ва имтиёзлар шаклидаги пул маблағлари;
- в) молия-кредит тизими орқали олинадиган пул даромадлари⁴³.

Аҳолининг ёлланма иш билан банд қисми оладиган даромадларнинг асосий улушини иш ҳақи ташкил этади. Даромаднинг бу тури пул даромадлари умумий ҳажми шаклланишида етакчиликни сақлаб қолади.

⁴¹ Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. Т.: «Молия-иқтисод» нашриёти. 2020.

⁴² Шодмонов Ш., Фафуров У. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик - Т.: «Фан ва технология», 2005. – 665 б.

⁴³ Ваҳобова Ш. Б. Иқтисодиёт назарияси. <https://uz.denemetr.com/docs/768/index-76132-1.html?page=17/>

Аҳоли пул даромадлари даражасига давлат трансферт дастурлари бўйича тўловлар сезиларли таъсир кўрсатади. Бу манбалар ҳисобига пенсия, нафақа таъминоти амалга оширилади.

Аҳолининг молия-кредит тизими орқали олинадиган пул даромадлари куйидагилардан иборат: давлат суғуртаси бўйича тўловлар, шахсий уй қурилишига ипотека қарзлари ва банк ссудалари, жамғарма банкига депозитлар бўйича фоизлар, акциялар ва облигация баҳосининг кўпайишидан олинадиган даромад ҳамда заём бўйича тўловлар, лотерея бўйича ютуқлар, товарларни кредитга сотиб олиш натижасида юзага келадиган вақтинча бўш маблағлар, ҳар хил турдаги компенсация тўловлар ва ҳ.к.

Реал даромад бугунги кунда нархлар даражасидаги ўзгаришларни ҳисобга олганда аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадга харид қилиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдорини кўрсатади, яъни даромаднинг харид қувватини билдиради. Реал ихтиёрдаги даромадлар тарифлар, нархлар индексини ҳисобга олган ҳолда ҳисобланади ва номинал даромадларнинг реал харид қобилиятини кўрсатади. Реал ихтиёрдаги даромадлар куйидагича ҳисобланади⁴⁴:

$$РИД_k = (НД - СТ) * I_{нк}$$

Бунда: *НД* – номинал даромадлар (сўм);

СТ – солиқлар, мажбурий тўловлар (сўм);

I_{нк} – «пулнинг харид қобилияти индекси» (нархлар индексига тескари кўрсаткич).

2021 йилда аҳоли ихтиёридаги умумий даромадлар 482,1 трлн. сўмни 2022 йилнинг бошида 102,9 трлн. сўмни ташкил этди (реал ўсиш суръати 111,7 % ва 104,8 %), аҳоли жон бошига эса 2021 йилда 13807,5 минг сўмни (реал ўсиш суръати 109,5 %), 2022 йилнинг бошида 2909,5 минг сўмни (реал ўсиш суръати 102,6 %) ташкил этди.⁴⁵

⁴⁴ <https://uz.denemetr.com/docs/768/index-76347-1.html?page=10>

⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари асосида

Реал даромадлар, ўз навбатида:

- аҳолининг реал умумий даромадлари;
- аҳоли жон бошига реал умумий даромадга бўлинади.

2021 йилнинг январь-декабрь ҳолатига кўра, аҳоли реал ихтиёридаги умумий даромадлар 435,0 трлн. сўмни ташкил этди, аҳоли жон бошига эса 12458,3 минг сўмни ташкил этди. Кўп ҳолларда биринчиси иккинчига нисбатан юқори бўлади. Пул даромадларини баҳолашдаги бир қатор муаммолар иқтисодий статистика ёрдамида қуйидаги тарзда ечимини топади: мамлакат аҳолисининг аксарияти оилаларда яшагани учун алоҳида шахсларнинг даромадлар тенгсизлигини баҳолашда оиланинг ўртача жон бошига пул даромадлари ҳисоблаб чиқилади. Ўзбекистонда аҳолининг реал умумий ва аҳоли жон бошига реал умумий даромадларни қуйидагича тасвирлашимиз мумкин (1.2.1-жадвал)

1.2.1-жадвалда 2021 йилда 2010 йилга қараганда аҳолининг бирламчи даромадларидаги тушишни ва аксинча давлат трансфертларида нисбатан кўтарилишни кўришимиз мумкин бўлади.

Х.Симонсга кўра индивидуал даромад (1) реализация қилинган истеъмолнинг (бозор баҳосида) алгебраик суммаси ҳамда (2) давр бошида ва охирида ихтиёрдаги даромаддаги ўзгариш сифатида аниқлаш мумкин⁴⁶. Шундай қилиб, истеъмолчининг танловига асосан даромадлар камайган тақдирда, амалдаги истеъмол ҳажми ошиши мумкин. Бунда потенциал истеъмол имконияти ошган тақдирда даромад ўсади.

Ихтиёрида бўлган даромад – шахсий истеъмол ва жамғарма мақсадларида фойдаланиш мумкин бўлган даромад. Бу даромад номинал даромаддан солиқлар ва мажбурий тўлов суммасига кам бўлади. Демак, улар аҳолининг жамғариш ва эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланадиган индивидуал бойликни ташкил этади.

⁴⁶ Simons H. Personal income taxation. Chicago, 1938.

**Ўзбекистон Республикасида аҳоли умумий даромадларининг ўсиш суръатлари
(ўтган йилга нисбатан, фоизда)⁴⁷**

	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Умумий даромадлар – жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
шу жумладан:												
I. Бирламчи даромадлар	80.4	80.7	78.9	78.3	80.4	84.2	85.1	80.6	77.5	76.2	75.4	73.6
I.1. Ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар	78.5	78.9	77.1	76.1	78.4	82.0	82.2	77.4	74.6	73.5	73.3	71.5
I.1.1. Меҳнат фаолиятдан олинган даромадлар	69,4	70,2	68,5	67,5	70,1	73,4	73,8	69,2	66,7	66,1	65,9	65,0
I.1.1.1. Ёлланма ишчиларнинг даромадлари	34,2	31,2	30,8	30,5	29,8	29,9	28,6	25,8	24,8	27,2	27,5	27,6
I.1.1.2. Муस्ताқил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар	35,3	38,9	37,6	37,1	40,3	43,5	45,2	43,5	41,9	39,0	38,7	37,4
I.1.2. Шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар	9.1	8.7	8.6	8.5	8.4	8.6	8.4	8.2	7.9	7.4	7.4	6.5
I.2. Мол-мулкдан олинган даромадлар	1.9	1.8	1.8	2.2	1.9	2.2	2.9	3.1	2.9	2.7	2.1	2.2
II. Трансфертлардан даромадлар	19.6	19.3	21.1	21.7	19.6	15.8	14.9	19.4	22.5	23.8	24.6	26.4
Умумий даромадлар таркибидан, кичик тадбиркорликдан олинган даромадлар	59.7	62.8	62.7	62.6	63.7	65.4	67.1	65.7	64.2	61.8	59.9	59.4

Индивидуал бойликнинг қуйидаги асосий шакллари ажратилади:

- «жисмоний» бойлик – кўчмас мулклар: квартира, уй ёки ер, автомобиль, маиший техника, мебель, санъат асарлари, заргарлик буюмлари ва бошқа истеъмол товарлари;

- молиявий бойликлар – пул ва унга тенглаштирилган қимматли қоғозлар: акциялар, облигациялар, банк депозитлари, нақд пуллар, чеклар, хорижий валюта ва бошқалар.

- инсон капитали – таълим ва тажриба натижасида яратилган

⁴⁷ <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/living-standards-2>

интеллектуал бойлик ҳамда табиатдан (истеъдод, хотира, реакция, жисмоний куч) олинган индивидуал бойлик.

Индивидуал бойликнинг ҳажми ва тузилиши, уни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш йўлидаги фарқлар ижтимоий тенгсизлик даражасини белгилайди. Бугунги кунда аҳоли даромадлари билан боғлиқ асосий муаммолардан бири бу ижтимоий тенгсизликдир. Жамият аъзоларининг мутлақ ёки нисбий миқдорда олинган даромадлар тенгсизлиги ижтимоий тенгсизликни тўлиқ тавсифламайди. Айниқса, ижтимоий бойликлар ва ресурсларнинг нотекис тақсимланганлиги алоҳида қизиқиш уйғотади. Бойлик аниқ бир вақтда харид қобилияти ҳажмини кўрсатса, даромад маълум бир вақт оралиғида тўлов қобилиятининг ўзгаришини акс эттиради. Тенгсизликни миқдорий баҳолаш ҳар бир турдаги индивидуал бойлик учун турли хил статистик маълумотлар ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Аҳолидан сўровнома камдан-кам ҳолатларда ўтказилади, шунинг учун бойликни тақсимлашни мураккаб баҳолаш ўрнига аҳоли жон бошига ўртача пул даромадлари бўйича тақсимланади.

Умумий қилиб олганда, жами даромад қуйидаги формула билан ифодалаш мумкин:

$$Y = Y_M + Y_N$$

бу ерда Y – индивиднинг жами даромади; Y_M – шахснинг барча манбалардан олинган даромадлари (иш ҳақи, дивидендлар, ижара даромади); Y_N – пул бўлмаган даромад (бўш вақт, ишдан қониқиш).

Симонснинг ёндашувига биноан, бундай даромадларни ишдан ташқари пул мукофоти, ўз маҳсулотларини ишлаб чиқариш, узоқ муддатли истеъмол товарларидан ижара ҳақи, бойлик ўзгариши (даромад ёки йўқотиш) ташкил этиб, статистик маълумотларда ҳисобга олинмайди⁴⁸.

Даромадларни ўрганиш объекти сифатида замонавий статистиклар уй хўжаликларидан фойдаланади. Аммо маълум ижтимоий-иқтисодий шароитга қараб, «уй хўжалиги» тушунчаси турли маъноларни англатиши мумкин. БМТ

⁴⁸ Simons H. Personal income taxation. Chicago, 1938.

Комиссиясининг (1981 йилги) тавсияларига биноан, «уй хўжалиги» тушунчаси аҳолининг кундалик ҳаётига асосланади, унда одамлар ёки гуруҳлар ўзларини ҳаётлари учун зарур бўлган барча нарсалар билан таъминланиши ҳисобланади. Баъзи мамлакатларда уй хўжаликларининг таърифида биргаликда овқатланиш, бошқаларда эса бирга яшашга асосланиши айтилади. Мисол учун, Америка Қўшма Штатлари, Швеция ва Швейцарияда уй хўжалиги таърифига бир бинода ёки унинг бир қисмида яшовчи одамлар гуруҳи олинади. Ҳар қандай ҳолатда, уй хўжаликлари жамиятнинг асосий иқтисодий бирлиги сифатида тушунилади. Чет эл социологиясида уй хўжалиги (household) деб ёлғиз одам ёки бир манзилга эга бўлган бир гуруҳ одамлар, кунига бир марта биргаликда овқатланадиган ва (ёки) умумий яшаш жойидан фойдаланишига айтилади. Ўзбекистондаги жамиятшунослик фанида уй хўжаликлари «шахс билан ёки бирга яшаётган бир гуруҳ шахслар томонидан мустақил равишда ташкил қилинган ҳаёт» деган маънони англатади.

Уй хўжаликларини ташкил этувчи бир ёки бир нечта шахслардан ташкил топган мустақил иқтисодий birlik сифатида қуйидаги асосий хусусиятларга эга бўлиши керак:

- биргаликда яшаш;
- биргаликда уйни тозалаш;
- муайян иқтисодий ресурсларга эга бўлиш;
- иқтисодий қарорларни қабул қилишда биргаликда ҳаракат;
- гуруҳ эҳтиёжларининг максимал даражада қондирилишини таъминлаш.

Бозор иқтисодиётида уй хўжаликларининг хўжалик ва иқтисодий вазибалари ошди. Хўжаликларнинг хулқ-атворини, онгини, қадриятларини ва ижтимоий мослашувини ўрганиш, биринчи навбатда, уй хўжаликлари тузилишини, шунингдек, унинг аъзолари сони, демографик таркиби, оиланинг турини ҳисобга олади.

Оиланинг турига қараб уй хўжаликлари қуйидагича бўлинади:

- оила аъзолари бўлмаган;

- оила, турмуш ўртоқлар, қондошлар ёки қариндошлар.

Одатда, уй хўжалиги аъзолар сони бўйича оила билан мос келади, аммо баъзи ҳолатларда бир неча оилалар биргаликда уй хўжалиги юритиши мумкин. Демак, оилалар даромадлари уй-жойлар томонидан муайян вақт давомида олинган ёки ишлаб чиқарилган ва шахсий истеъмол учун товарлар ва хизматларни сотиб олиш учун мўлжалланган пул ва моддий маҳсулотларни англатади.

Ўзбекистонда миллий ҳисоб-китоб тизимига ўтилиши муносабати билан уй хўжалигига иқтисодийнинг муҳим субъектларидан бири сифатида қаралмоқда. Ҳозирги шароитда мамлакатимизда уй хўжалигининг умумий даромадларини ўлчаш аҳолига манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш, солиққа тортиш тизимини оқилона ташкил этиш тарзида кечмоқда.

«Уй хўжалиги» атамасини турлича ифодалаш мумкин. Масалан:

- оилани статистик белгилаш;
- анъанавий уй ишлари йиғиндисининг умумлашма номи (болаларга қараш, овқат тайёрлаш, кир ювиш, уй тозалаш, оддий таъмирлаш ишлари ва ҳ.к.);
- оиланинг даромад-категория, даромад-мулк ва харажат-истеъмол тавсифларини ўз ичига олувчи статистик ижтимоий-иқтисодий тушунча.

Оилалар даромадларининг шаклланиши нуқтаи назаридан уй хўжаликлари қуйидаги функцияларни бажаришади:

- меҳнат асосига эга ишлаб чиқариш функциясини;
- иқтисодий номеҳнат функциялар (уй хўжалиги мулк орқали умумий оладиган даромадлар).

Биринчисига қуйидагилар киради: якка тартибдаги меҳнат фаолияти, яъни уй шароитида кийим-бош, поябзал тикиш, мебель ясаш, маиший хизмат кўрсатиш; аграр фаолият, яъни ер, ер участкасининг барча турларидан фойдаланиш; анъанавий уй ишлари – овқат тайёрлаш, болаларга қараш, кир ювиш, уй тозалаш, кийим, поябзални таъмирлаш ва ш.к.; якка тартибдаги оилавий савдо – илгари тўпланган оилавий мулкни сотиш, турли товарларни

олиб-сотиш.

Иқтисодий номехнат функцияларига: оилавий лизинг (уй, дала-ҳовли, ер, автомобиль, қайиқ кабиларни ижарага бериш ва шу каби); бўш турган пулларга қимматли қоғозлар (векселлар, облигациялар, акциялар ва ш.к.) сотиб олиш ва фойдаланиш.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг турмуш даражаси ва фаровонлигини ўрганиш мақсадида давлат статистика органлари томонидан ҳар йили уй хўжаликларида танлама усулда кузатувлар ўтказилади.

Жаҳон Банки, БМТ ва Европа Иқтисодий Комиссиясининг тавсияларига асосан уй хўжаликларида кузатув ўтказиш услубияти қўлланилади. Бунда кузатув Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида ўтказилади (1.2.2-жадвал).

1.2.2-жадвалдаги танлама кузатув бизга шу нарсани кўрсатдики, 2021 йилда ўтказилган уй хўжаликлари кузатувларида 50 мингдан ортиқ аҳоли қамраб олинган бўлиб, ўртача бир уй хўжалигига 5,1 кишидан тўғри келди. Жами кузатилган аҳолидан 48,7 фоизи эркақлар ва 51,3 фоизи аёлларни ташкил этди. Шунингдек, ўн олти ёшгача бўлган болаларнинг улуши 30,8 фоизни, ўн олти ёш ва ундан катталарнинг улуши 69,2 фоизни ташкил этиб, республика бўйича меҳнатга лаёқатли аҳолининг улуши жами аҳолига нисбатан 58,8 фоизни ташкил этди.⁴⁹

1.2.2-жадвал.

Ўзбекистон Республикасида уй хўжалиklarининг аъзолар сони бўйича таркиби, %да⁵⁰

Кўрсаткичлар	Йиллар								
	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Уй хўжаликлари сони-жами	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Уй хўжалиklarининг ўртача катталиги	5.0	5.0	5.0	5.1	5.1	5.0	5.0	5.0	5.1
Шу жумладан, уй хўжалиги аъзолари сони бўйича:									
1 киши	3,2	2,4	2,2	2,5	2	2,4	2,5	3,1	2.6

⁴⁹ www.stat.uz маълумотлари асосида

⁵⁰ www.stat.uz маълумотлари асосида

2 киши	6,7	5	5,5	5,4	5,4	5,4	5,8	5,5	6.1
3 киши	12,5	9,6	9,9	10	9,5	10,1	10,6	10,2	10.7
4 киши	19,3	18,8	19,1	19,1	20	19,9	19,3	19,5	18.3
5 киши ва ундан кўп	58,3	64,2	63,3	63	63,1	62,2	61,8	61,7	62.3
16 ёшгача болаларга эга бўлмаганлар	27,7	26,5	25,8	26,2	25,5	25,5	24,9	25,7	26.1
16 ёшгача болаларга эга бўлганлар	72,3	73,5	74,2	73,8	74,5	74,5	75,1	74,3	73.9
Улардан:									
1 болали	24,8	23,9	24,9	24,2	24,4	24,1	24,2	23,4	23.5
2 болали	25,6	26,5	25,8	26,6	26,1	27,6	26,5	26,8	26.5
3 болали	15,6	15,9	15,6	16	16,5	15,7	17,2	16,9	16.8
4 ва ундан кўп болали	6,3	7,2	7,9	7	7,5	7,2	7,2	7,2	7.2

Уй хўжалиқларининг даромадлари – бу ёлланма ишчиларнинг иш ҳақлари, яъни ишлаб чиқариш жараёнида яратилган қўшилган қийматдан тўланади. Даромадларнинг иккиламчи тақсимланиши босқичида уй хўжалиқларининг бошланғич даромади солиқларни тўлаш ва трансфертларни олиш ҳисобига мавжуд даромадларга айланади.

Даромадларни макро ва микро даражада тўғри ҳисоблашда қатор қийинчиликлар мавжуд, шунинг учун уларни аниқлашда нисбатан оддий ва мураккаб вариантлар қўлланилади. Амалиётда уй хўжалиқларининг даромадларини аниқлашда кўпинча «тесқари» йўлдан боришга, яъни истемолни ҳисоблашдан бошлашга тўғри келади. Миллий ҳисоблар тизимида даромадни ҳисоблашда инглиз иқтисодчиси Ж.Хикс томонидан таклиф этилган талқиндан фойдаланилади. Унинг фикрича, аҳоли даромади – максимал пул миқдори бўлиб, ўзига ҳеч қандай молиявий мажбуриятни олмаган, яшаш даражаси пасаймаган, жамғарган бойликлари миқдори камаймаган ҳолда истемол товарлари ва хизматларни сотиб олиш учун сарфланиши мумкин.

Аҳоли турмуш даражаси тушунчасини уларнинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар билан таъминланиши ҳамда кишилар эҳтиёжининг бу неъматлар билан қондирилиши даражаси сифатида

қараш мумкин.

Мамлакат аҳолиси турмуш даражасининг тавсия этилган асосий кўрсаткичлари тизими ўз ичига қуйидаги гуруҳларни олади:

- туғилиш, ўлим даражаси ва бошқа демографик кўрсаткичлар;
- инсон ҳаёт кечиришининг санитар-гигиена шароитлари;
- озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли;
- турар жой билан таъминланганлик;
- маълумот ва маданият даражаси;
- меҳнат ва бандлик шароитлари;
- аҳолининг мавжуд даромадлари ва харажатлари;
- ҳаёт кечириш қиймати ва истеъмол нархлари;
- транспорт воситаларининг мавжудлиги;
- дам олишни ташкил этиш;
- ижтимоий таъминот;
- шахс эркинлиги.

Бу асосий кўрсаткичлардан ташқари яна баъзи бир ахборотга оид кўрсаткичлар ҳам ажратиб кўрсатилади: аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ, миллий даромад ва истеъмол ҳажми кабилар.

Одамлар ҳаёт кечиришлари учун зарур неъматлар тўплами ўз ичига меҳнат шароити, таълим олиш, соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат ва уй-жой сифати каби хилма-хил эҳтиёжларни олади. Кишилар эҳтиёжларини қондириш даражаси жамият аъзоларининг алоҳида олган ва оилавий даромадлари даражасига боғлиқ. Турмуш даражасини ўрганишда биз мамлакат аҳолиси яшаш даражаси ва табақалашган микродаражада (аҳолининг алоҳида гуруҳи учун) ўрганиш мақсадга мувофиқ деб топдик. Биринчи ёндашув турли мамлакатларда аҳолининг турмуш даражасини кўрсатиб, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи бўйича аниқлаш бўлиб, у бизга қиёсий таҳлил қилиш имконини яратиб беради.

Аҳоли гуруҳлари бўйича даромадлар тақсимланиши динамикасини

таққослаш истеъмолчи бюджети асосида амалга оширилади. Истеъмолчи бюджетларининг бир қатор турлари мавжуд бўлади: ўртача оила бюджети, юқори даражада таъминланган бюджет, минимал даражада моддий таъминланганлар бюджети, нафақахўрлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий гуруҳлари бюджети шулар жумласидандир.

Фаровонлик даражасининг энг қуйи чегарасини уй хўжалиги даромадининг шундай чегараси билан белгилаш мумкинки, даромаднинг бундан паст даражасида ишчи кучини такрор ҳосил қилишни таъминлаб бўлмайди. Бу даража муҳтожлик чегараси ёки қашшоқликнинг бошланиши сифатида намоён бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ўртача даромад «ўрта синф» деб аталадиган табақалар даромадлари бўйича аниқланади. Ўрта синф мамлакатлар ривожланиши даражасига кўра турли гуруҳлар йиғиндиси сифатида қаралади. Жумладан, ривожланган мамлакатларда ўрта синфга уй, автомашина, дала ҳовли, замонавий уй жиҳозлари, сайр қилиш ва болаларини ўқитиш имконияти, қимматли қоғозлар ва зебу зийнат буюмлари харид қилиш имкониятига эга гуруҳ киради. Ривожланаётган мамлакатларда эса ўртача даромад, яшаш учун зарур воситаларга эгалик ва фарзандларни ўқитиш имкониятига эга гуруҳ киради.

Иқтисодиётимиз аҳолининг «бой» қатлами мавжуд бўлишини тақозо этиб, уларга аҳолининг юқори сифатли товар ва хизматлар харид қилишга лаёқатли бўлган жуда оз миқдори киритилади. Шу боис турмуш даражасини ўрганиш иқтисодиёт учун муҳим категория сифатида ўртага чиқади.

Бозор иқтисодиёти шароитида даромадлар тенгсизлигини келтириб чиқарувчи умумий омиллар мавжуд. Буларнинг асосийлари қуйидагилар:

- кишиларнинг умумий (жисмоний, ақлий ва эстетик) лаёқатидаги фарқлар;
- таълим даражаси ва малакавий тайёргарлик даражасидаги фарқлар;
- тадбиркорлик маҳорати ва таваккалчиликка тайёргарлик даражасидаги фарқлар;

– ишлаб чиқарувчиларнинг бозорда нархларни ўрнатишга лаёқатлилиги (бозордаги мавқеидан келиб чиқиб) даражасидаги фарқлар.


Бундай шароитда давлатнинг даромадларни қайта тақсимлаш вазифаси даромадлар тенгсизлигидаги фарқларни камайтириш ва жамиятнинг барча аъзолари учун анча қулай моддий ҳаёт шароитини таъминлашга қаратилади.

Турмуш даражаси кишиларнинг ҳаёт кечириш тарзи билан узвий боғлиқ. Турмуш тарзи – бу кишилар (жамият, ижтимоий қатлам, шахс)нинг миллий ва жаҳон ҳамжамиятидаги ҳаёт фаолияти тури ҳамда усулларини акс эттирувчи ижтимоий-иқтисодий категория. Турмуш тарзи инсон ҳаёт фаолиятининг турли жиҳатларини қамраб олади, яъни:

- меҳнат, уни ташкил этишнинг ижтимоий шакллари;
- турмуш ва бўш вақтдан фойдаланиш;
- сиёсий ва ижтимоий ҳаётда иштирок этиш;
- моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондириш;
- кишиларнинг кундалик ҳаётдаги хулқ-атвори меъёрлари ва қоидалари.

Дунёдаги барча мамлакатлар аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромадлар даражаси билан бир-биридан кескин фарқланади. Бу турли мамлакатлар аҳолисининг даромадлари даражаси ўртасида тенгсизлик мавжудлигини билдиради. Шу билан бирга, алоҳида олинган мамлакатлар аҳолисининг турли қатлам ва гуруҳларининг ўртача даромадлари даражасида ҳам фарқ мавжуд бўлади. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси ҳам даромадлардаги фарқларни бартараф этолмайди.

Даромадлар тенгсизлиги даражасини миқдорий аниқлаш учун жаҳон амалиётида Лоренц эгри чизигидан фойдаланилади (1.2.1-расм). Чизманинг ётиқ чизигида аҳоли гуруҳларининг фоиздаги улуши, тик чизигида эса бу гуруҳлар томонидан олинадиган даромаднинг фоиздаги улуши жойлаштирилган (1.2.1-расм).



1.2.1-расм. Лоренц эгри чизиғи.⁵¹

1.2.1-расмда назарий жиҳатдан даромадларнинг мутлақ тенг тақсимланиши имконияти (бурчакни тенг иккига бўлувчи) 0Y чизикда ифодаланган бўлиб, у оилаларнинг ҳар қандай тегишли фоизи даромадларнинг мос келувчи фоизини олишини кўрсатади. Лоренц эгри чизиғи турли давлатларда даромадларнинг табақаланишига қараб турли бурчакка эга бўлиши мумкин. Жумладан, аҳолининг 20%и барча даромадларнинг 20%ини, аҳолининг 40%и даромадларнинг 40%ини, аҳолининг 60%и даромадларнинг 60%ини олишини билдиради ва ҳ.к. Демак, 0Y чизиғи даромадлар тақсимланишидаги мутлақ тенгликни ифодалайди.

Лоренц эгри чизигидаги даромадлар ўртасидаги тафовут иқтисодиётда Жини коэффиценти орқали аниқланади. Республикада даромад даражаси бўйича аҳолининг табақаланиши тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш мақсадида, ҳар чорақда ўртача жон бошига умумий даромадлари даражаси бўйича аҳолининг тақсимланиши, фондлар коэффиценти ва Жини коэффицентини ҳисоблаш амалга оширилиши⁵² энг тўғри ҳисоб-китобни беради.

Жини коэффиценти (G) алоҳида шахслар ёки уй хўжаликлари

⁵¹ Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Ғафуров. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.:2009.

⁵² Уй хўжаликларида кузатув ўтказиш бўйича услубий низом // stat.uz.

даромадларининг ҳақиқий тақсимланишини мутлақ тенгликдан оғиш даражасини (аҳоли даромадлари тақсимланишида тенгсизлик даражаси) ифода этади ва қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$G = 1 - 2 \sum x_i cum.y_i + \sum x_i y_i, i = 1$$

бунда, x_i – i – гуруҳдаги аҳолининг улуши;


y_i – i – гуруҳдагиларнинг даромади улуши;

$cum.y_i$ – барча гуруҳларнинг даромадлари улушининг йиғиндиси.

Жини коэффиценти (G) 0 дан (мутлақ тенглик) 1 гача (мутлақ тенгсизлик) оралиғида ўлчанади, яъни индекс 1 га қанча яқин бўлса, даромадларнинг жамиятда қутбланиши шунча юқори бўлади.

Жини коэффиценти чизмадаги Лоренц эгри чизиғи билан мутлақ тенглик чизиғи ўртасидаги юзанинг 0ФЕ учбурчак юзасига нисбати орқали аниқланади. Бу кўрсаткич қанча катта бўлса, (яъни 1,0 га яқинлашса) тенгсизлик шунча кучли бўлади. Жамият аъзолари даромадлари тенглашиб борганда, бу кўрсаткич 0 (нол)га интилади. Масалан, кейинги ярим аср давомида Жини индекси Буюк Британияда 0,39 дан 0,35 га қадар, АҚШда эса 0,38 дан 0,34 га қадар пасайган.

Мамлакатимизда пул даромадларининг ошиши ва аниқ йўналтирилган ижтимоий қўллаб-қувватлаш амалга оширилаётган даврда қўлланилаётган чора-тадбирлар аҳолининг барча қатламларида ўртача даромадлар ўсиб боришида муҳим омил бўлди (1.2.2-расм).



1.2.2-расм. Ўзбекистонда Жини коэффицентининг ўзгариши⁵³

1.2.2-расмда аҳолининг турли гуруҳлари даромадлари даражасидаги тафовутни акс эттирган Жини коэффиценти 2012-2020 йилларда 0,289 дан 0,276 га пасайди, бу эса иқтисодий жиҳатдан тараққий топган давлатлардаги ўртача кўрсаткичга мос келди.

Даромадлар ўртасидаги фарқни ифода этадиган яна бир халқаро кўрсаткич – Жини индекси мамлакатимизда 2010 йилдаги 0,390 ўрнига 2020 йилда 0,276 ни ташкил этди ва бу натижа дунёнинг кўплаб иқтисодий ривожланган ва ривожланаётган давлатларига қараганда анча пастдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу дунёдаги энг яхши кўрсаткич. Германияда мазкур кўрсаткич ўртача – 0,283, Францияда – 0,305, Испанияда – 0,350, Россияда – 0,420 ни ташкил этади.

Жини индекси аҳоли даромадлари ва уй хўжаликлари кузатуви асосида, халқаро миқёсда белгиланган формула орқали ҳисобланади. Унинг ижобий ёки салбийлигини билиш учун 0 дан кейинги рақамга эътибор бериш керак. Бу рақам қанча кичик бўлса, аҳоли даромадлари ўртасидаги фарқ шунча кам бўлади.

⁵³ www.stat.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Даромадлар табақаланишини аниқлашда кенг қўлланиладиган яна бир кўрсаткичларидан бири бу дицел коэффиценти ҳисобланади. Бу кўрсаткич 10% энг юқори таъминланган аҳоли ўртача даромадлари ва 10% энг кам таъминланганлар ўртача даромади ўртасидаги нисбатни ифодалайди. Жумладан, АҚШ ва Буюк Британияда бу нисбат 13:1га, Швецияда эса 5,5:1га тенг⁵⁴.

«Децил коэффиценти» халқаро миқёсда тан олинган кўрсаткич бўлиб, жамиятдаги ижтимоий тенглик ва фаровонлик ўртасидаги тафовутни кўрсатади. Уни аниқлашда аҳоли даромадлари, одамларнинг уй-жойлар ва сифатли товарлар билан таъминлангани, яшаш шароити, атроф-муҳит ободлиги, ижтимоий инфратузилманинг мавжудлиги, таълим, соғлиқни сақлаш тизимидан баҳраманд бўлиш имкониятлари каби омилларга эътибор қаратилади.

Децил коэффиценти (K_f) юқори даражада таъминланган 10 (20) фоизли ва энг кам таъминланган 10 (20) фоизли аҳоли гуруҳларининг даромадлари умумий (ўртача) қиймати ўртасидаги фарқланишнинг мавжудлигини белгилайди:


$$K_f = S_{10(5)} / S_1,$$

бунда, $S_{10(5)}$ – энг юқори даромадли 10 (20) % аҳолига тўғри келган даромад йиғиндиси;

S_1 – энг кам даромадли 10 (20) % аҳолига тўғри келган даромад йиғиндиси.

Юртимиздаги 10 фоиз таъминланган ва 10 фоиз етарлича таъминланмаган аҳоли даромадлари ўртасидаги фарқ, яъни «децил коэффиценти» кўрсаткичи бўйича барқарор пасайиш тенденциясига эга бўлиб, бу рақам 2010 йилдаги 8,5 фоиз ўрнига 2015 йилда 7,0 фоизни, 2021 йилда 6,8 фоизни ташкил этди (1.2.3-расм).

⁵⁴[Iqtisodiy-ijtimoiy nazariyasi oq 0e526.pdf \(tfi.uz\)](#)



1.2.3-расм. Ўзбекистон Республикасида децил коэффициентининг ўзгариши, %⁵⁵

Мутахассислар фикрича, децил коэффициенти 5-7 фоиз атрофида бўлиши энг мақбул ҳолатдир. Масалан, Германия, Франция, Австрия каби ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 5-7 фоиз, АҚШда – 15, Бразилияда – 39 фоизни ташкил этади⁵⁶.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21 май 2019 йилдаги ПФ-5723-сон «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Унга кўра қуйидагилар белгилаб берилди: меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорларини аниқлаш тартиби, пенсиялар тайинлаш ҳамда солиқлар, давлат божлари, жарималар, йиғимлар ва бошқа тўловларни ундириш ўртасидаги шартларнинг боғлиқлигини бартараф этиш. Мазкур фармонга асосан 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб иш ҳақининг энг кам миқдори ўрнига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори, базавий ҳисоблаш миқдори, пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори жорий этилган⁵⁷. Бу аҳоли даромадлари ўртасидаги ижтимоий тенгсизлик ҳолатини ҳисоблашда аниқлик киритди.

⁵⁵ Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

⁵⁶ Ислохотларнинг муҳим самараси // <http://uza.uz>.

⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723-сон фармони.

Аҳоли реал даромадлари даражасига инфляция сезиларли таъсир кўрсатиши сабабли даромадларни давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим вазифаси истеъмол товарларига нархнинг ўсишини ҳисобга олиш, қайта молиялаш ставкасини кутилаётган инфляция даражасида ушлаб туриш кабилар қўлланилмоқда.

1.3-§. Аҳоли турмуш даражасини давлат томонидан тартибга солишнинг жаҳон тажрибаси

Ҳар йили 1 июль куни Жаҳон банки дунё мамлакатлари таснифини ўтган йил учун аҳоли жон бошига ялпи миллий даромад (ЯМД)нинг тахминий даражаси бўйича янгилайди. Бундан ташқари, аҳоли жон бошига ЯМД янгиланган баҳолари асосида Банк мамлакатларнинг кредитлаш мезонларига мувофиқлигини белгилайдиган операцион таснифни ишлаб чиқмоқда. 2013 йил 1 июлдан бошлаб Жаҳон банки томонидан аҳоли жон бошига ЯМД даражаси бўйича белгиланган даромад тоифалари қуйидагича:

- * Кам даромадли мамлакатлар: 1035 \$ АҚШ доллари ва ундан паст;
- * Қуйи-ўрта даромадли мамлакатлар: 1036–4085 АҚШ доллари;
- * Ўртача даромадли мамлакатлар: 4086–12615 АҚШ доллари;
- * Юқори даромадли мамлакатлар: 12616 \$ АҚШ доллари ва ундан юқори;

Кам ва ўрта даромадли мамлакатлар баъзан ривожланаётган мамлакатлар деб номланади. Ушбу концепция қулайлик учун ишлатилади ва ушбу гуруҳга мансуб барча мамлакатлар худди шундай ривожланиб бораётганини ёки қолган мамлакатлар ривожланишнинг афзал ёки якуний босқичига эришганини англатмайди.

Жанубий Корея иқтисодиёти Осиёда тўртинчи, дунёда эса 11-ўринда туради. Жанубий Корея дунёдаги энг камбағал мамлакатдан бир неча ўн йилликлар ичида ривожланган, юқори даромадли мамлакатга айлангани билан машхур. Ушбу иқтисодий ўсишни бир мўъжиза деб аташ мумкин ёки Хан дарёсидаги мўъжиза деб ҳам таърифланади. Бу Жанубий Кореяни

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ⁵⁸) ва Буюк-20 мамлакатларидаги элиталар қаторига қўшди. Буюк Корея таназзулидан кейин Жанубий Корея дунёдаги энг тез ривожланаётган мамлакатлардан бири бўлиб қолмоқда. У 21-аср ўрталарида глобал иқтисодиётда ҳукмронлик қиладиган Next-11⁵⁹ мамлакатлари гуруҳига киритилган.

Жанубий Кореяда энг кам иш ҳақи 2019 йилда соатига 8350 Корея вонини ташкил қилган, бу 2018 йилга қараганда 10,9 фоизга ўсган, 2018 йилда соатига 7530 вон бўлган. Агар ҳафтасига 40 соат ишласа, бу ойига 1419500 вонни ташкил этади ёки 1220 АҚШ долларига тенг бўлади.

Агар Жанубий Кореянинг расмий пул бирлиги бўлган Жанубий Корея вонидаги энг кам иш ҳақига назар ташласак, бу йил 17034000 вон бўлганини ва шунга кўра миллий минимал иш ҳақининг 221540 вонга оширилганини кўришимиз мумкин. Бу олдинги йилга нисбатан 10,9% кўпроқ. Ушбу ўсиш 2017 йилги истъеомол нархлари индексидан юқори бўлиб, 1,5% ни ташкил этди, шунинг учун ишчилар охириги йилда юқори харид қобилиятига эга бўлишди.

Агар биз эълон қиладиган энг кам ойлик иш ҳақининг миллий рейтингига қарайдиган бўлсак, Жанубий Корея рўйхатнинг 12-ўринда (97 та мамлакат ичида) туради.

Жанубий Кореянинг пенсия таъминоти тизими бошқа демократик давлатлар билан таққослаганда нисбатан яқинда жорий этилди. 65 ва ундан катта ёшдаги мамлакат аҳолисининг ярми нисбий қашшоқликда яшайди ёки ИХРТга аъзо давлатлар учун ўртача 13% га нисбатан тўрт баравар кўп. Бу қариликдаги қашшоқликни долзарб ижтимоий муаммога айлантиради. Умумий ҳукумат томонидан сарфланадиган ижтимоий харажатлар (марказий, штат ва маҳаллий ҳокимликлар, шу жумладан ижтимоий таъминот жамғармаси) ИХРТ ўртача кўрсаткичининг ярмига тенг ва ИХРТга аъзо давлатлар орасида ЯИМга нисбатан энг паст.

⁵⁸ <http://www.oecd.org/>

⁵⁹ <https://www.barrons.com/articles/how-the-next-11-countries-could-power-the-world-economy-1524873600>

65 ва ундан катта ёшдаги корейликлар уч хил пенсия даромадига эга бўлишлари мумкин: ижтимоий таъминот, давлат пенсияси ва шахсий пенсия.

Жадал изланишлар Жанубий Корея 1950-1953 йиллардаги Корея урушидан чиқиб, истеъмолчилар учун электроника ва смартфонлардан то кимчи ва К-Попгача бўлган барча нарсаларнинг муваффақиятли экспортчисига айланишини таъминлади.


Аммо ҳисобот парадоксни ҳам фош қилди. Жанубий Кореяда умр кўриш давомийлиги ошиб бориши кутилаётган бир пайтда 65 ёшдан ошган фуқароларнинг деярли ярми айна пайтда қашшоқликда яшамокда, дея хабар беради ИХРТ.

Тадқиқот шуни кўрсатдики, 2011 йилда Жанубий Корея қарияларининг 48,6% и қашшоқликда бўлган (уй хўжаликларининг ўртача даромадидан 50%и ёки ундан кам даромад олинади), бу ИХРТга аъзо 34 мамлакат орасида энг юқори кўрсаткич саналади.

Уларнинг чорак қисми ёлғиз яшайди ва юқори даражадаги изоляция ҳамда руҳий тушкунлик кекса ёшда ўз жонига қасд қилишлар сонининг кескин ортишига олиб келди, бу 2000 йилдаги 100000 кишига 34 тадан 2010 йилда 72 тага етди. Улар ўз оилаларига оғир юк ҳисобланади.

Сеулдаги Чунг Анг университети профессори Шин Кванг-Юн, «Бу ерда умр кўриш давомийлиги дунёнинг бошқа мамлакатларига қараганда тезроқ ўсди, лекин айна пайтда қариш тезлиги ҳам шу қадар тез бўлдики, ҳозир қарияларнинг аксарияти нисбий қашшоқликда яшамокда» деб таъкидлаб ўтган.

Жанубий Кореяда ихтиёрдаги шахсий даромад 1970-2021 йилларда ўртача 663541,72 миллиард КРВни ташкил этди. 2021 йилда энг юқори рекорд кўрсаткич 2078537,30 миллиард КРВни қайд қилинган бўлса, олис 1970 йилдаги энг паст рекорд кўрсаткич эса 2866,70 миллиард КРВ эди.



1.3.1-расм. Жанубий Кореяда ихтиёрдаги шахсий даромад⁶⁰

Жанубий Кореяда халқаро меъёрларга жавоб берадиган меҳнат ва фаровонлик тизими ишлайди. Ишчилар учун учта асосий ҳуқуқ кафолатланади. Давлат хизматчилари ҳам жамоавий ҳаракатлар ҳуқуқи борасида айрим чекловларга қарамай, ишчилар сифатида асосий ҳуқуқларга эга.

1988 йил мамлакатда ишчиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган энг кам иш ҳақи тизими қабул қилинди. Қонуний минимал иш ҳақининг босқичма-босқич ўсиши кузатилди ва 2018 йил учун соатлик энг кам иш ҳақининг миқдори 7530 Корея вони миқдорида белгиланди. Мамлакат, шунингдек, ишга қабул қилишда иш берувчиларнинг жинси камситилишини тақиқловчи «Иш билан таъминлаш имконияти тўғрисида» ги қонун ва ногиронлар учун мажбурий бандлик тизимини қабул қилди, бу эса компаниялардан ногирон ишчиларни маълум ставкадан юқори даражада ёллашни талаб қилади.

Мамлакатда табиий офат, касаллик, ишсизлик ва ўлим билан боғлиқ вазиятларда ижтимоий суғурта тизими қўл келди. Ишчилар бахтсиз ҳодиса, касаллик ёки ўлимдан келиб чиқадиган ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан суғурталанишади. Тиббий суғурта эса барча одамлар учун мажбурий.

⁶⁰<https://tradingeconomics.com/south-korea/disposable-personal-income>

2016 йил охирига келиб, давлат томонидан тиббий суғурта тизимида тақдим этилган имтиёзлардан 50,76 миллион киши ёки бутун аҳолининг 94,1 фоизи фойдаланган. Маблағли хизмат ҳақи эвазига юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатадиган мамлакатнинг тиббий суғурта тизими бошқа мамлакатлар томонидан намуна сифатида баҳоланди.

Ишчилар суғурта хизматига обуна бўлишди. Обуна бўлган ишчи ишдан бўшатиш тақдирда, у маълум бир вақт учун иш ҳақининг ярмини ва бошқа ишга ўтиш учун ўқиш ҳуқуқига эга эди. Шунингдек, ишчилар пенсия нафақалари ва миллий пенсия режаларига обуна бўлишди.

Бундан ташқари, ишчилар бир йиллик қисман маош билан болалар парвариши учун таътил олиш ҳуқуқига эга. Ҳомиладор аёллар туғруқдан олдин ва кейин 90 кунлик туғруқ таътилига чиқиш ҳуқуқига эга саналади. Шунингдек, эркак ходимлар хотини туғиши ва бола тарбияси билан боғлиқ равишда ота-она ва бола парвариши учун таътилни талаб қилишлари мумкин. 2013 йилдан бошлаб ҳукумат беш ёшгача бўлган барча болаларнинг ота-онасига болалар парвариши учун нафақа тайинлади.

Бошланғич ўқувчиларга Долбом (парвариш) класс хизмати кўрсатилади. Бир кунлик парвариш қилиш дастурини барча бошланғич синфларга тарқатиш керак. Кекса фуқаролар сонининг кўпайиши билан кексалар учун ижтимоий ёрдам муҳим ижтимоий муаммо бўлиб қолди. Шу мақсадда мамлакатда кекса ёшдагилар парвариши ва қарилик бўйича пенсия тизимининг узоқ муддатли суғуртаси қабул қилинди.

2018 йилда ҳукумат деменция касаллигига чалинган беморларнинг молиявий юқини камайтирадиган ҳамда нейрокогнитив тестлар ва тиббий кўрик (МРТ, КТ ва б.) асосида ўтказилган деменция ташхислари нархини қоплайдиган янги деменцияга қарши дастурни тиббий суғурта орқали ишга туширди.

Яна бир эътиборга молик давлат бўлган Дания ҳам турмуш даражасининг юқори даражасини қўллаб-қувватлайдиган мамлакат ҳисобланиб, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи миллий маҳсулот

дунёдаги энг юқори кўрсаткичга эга, ижтимоий хизматлар эса яхши ривожланган. Иқтисодиёт асосан хизмат кўрсатиш, савдо ва ишлаб чиқариш соҳаларига асосланган; аҳолининг озгина қисми қишлоқ хўжалиги ва балиқчилик билан шуғулланади, кичик корхоналар устунлик қилади.

Дания ижтимоий фаровонлиги иқтисодиётида хусусий сектор харажатлари соф миллий даромаднинг ярмидан кўпини ташкил қилади. Давлат харажатлари биринчи навбатда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат, таълим, иқтисодий алоқалар, ташқи алоқалар ва миллий муҳофаага йўналтирилади. Ҳукумат катта тижорат ёки саноат даромадига эга эмас.

Дания ўзининг фаровонлик сиёсати, консенсус сиёсати маданияти ва ўз ҳукуматида бўлган ишонч туфайли кўплаб халқаро рейтингларда биринчи ўринни эгаллаб турган бой давлатдир. Бу Жаҳон Бахт Индексида 2-ўринда, Копенгаген турмуш даражасининг юқорилиги бўйича 9-ўринда (АҚШнинг энг юқори ўриндаги шаҳри Сан-Франциско 29-ўринда) ва Жаҳон иқтисодий форумининг нуфузли рейтингида 12-ўринда. Шунингдек, у дунёдаги бойлик тенгсизлиги бўйича энг паст кўрсаткичлардан бири ҳисобланади (Жини глобал индексида энг паст 19нчи ўрин). Дания аёллар ва болалар ҳимояси бўйича энг яхши давлатлар рейтингида биринчи ўринда туради. Бундан ташқари, у ўз аҳолиси умумий ҳаёт сифатини таъминлашда 2-ўринни эгаллайди.



1.3.2-расм. Данияда ихтиёрдаги шахсий даромадлар динамикаси ⁶¹

⁶¹ <https://tradingeconomics.com/denmark/disposable-personal-income>

Данияда яшашни шунчалик қадрли қиладиган нарса – бу мамлакатнинг кучли ижтимоий сиёсати саналиб, Дания давлати бешикдан қабргача ўз халқига қандай ёрдам беришни билади: 1 йиллик оналик ёки оталик таътили – ота-оналар уни ажратишга қарор қилишлари мумкин. Болалар боғчалари ва кейин мактаблар кафиллик билан таъминланади ва муниципалитет томонидан тўланади. Университетда ўқиш бепул бўлиб, талабалар яшаш харажатлари учун мурожаат қилишлари мумкин. Болалари бўлган оилалар даромад даражасидан қатъий назар нафақа олади. Катта ёшли марказлар, мослаштирилган транспорт ва овқатланиш дастурлари сингари кекса ёшдагиларнинг парвариши ҳам давлат томонидан тўланади. Ижтимоий таъминотнинг шундай кучли имтиёзлари мамлакатда изчил йўлга қўйилган.

Дания Европанинг тўлақонли аъзоси, дунёда энг юқори иш ҳақи ва турмуш даражасига эга. Копенгаген ва умуман Данияда расмий энг кам иш ҳақи йўқ. Бироқ 2019 йилдан бошлаб мамлакатда энг кам иш ҳақи соатига 110 дания кронасини ташкил этган, бу тахминан 16,60 АҚШ доллар атрофида.

Данияда ўртача иш ҳафтаси 37 соатни ташкил қилади. Копенгагендаги тўлиқ иш куни (ялпи) учун кутилган энг кам иш ҳақи тахминан 17000 дания кронаси ёки ойига 2580 АҚШ долларини ташкил қилади. Шунини ёдда тутиш керакки, булар ялпи рақамлар ва юқори (баъзи ҳолларда 50% дан юқори) ҳисобланади.

Кўплаб ривожланган давлатларда бўлгани каби, минимал ва ўртача иш ҳақи ўртасидаги фарқ жуда кам. Дания ривожланган фаровон давлат бўлиб, хизмат кўрсатиш иқтисодиётининг 73,5 фоизини ташкил этувчи энг муҳим иқтисодий тармоқ сифатида қайд қилинади. Бу деярли барча ривожланган иқтисодиётлар учун хос. Мамлакатда юқори малакали тармоқларда ишлайдиган чет эл ишчиларига талаб катта. Ушбу лавозимлар учун Дания тилини билиш камдан-кам талаб қилинади. Дания иқтисодиётининг энг тез ривожланаётган тармоқлари орасида ИТ, илмий-тадқиқот ишлари, фармацевтика, ичимликлар, шунингдек, энергия бозорлари бор.


Дания тўлиқ бандлик, гендер тенглиги ва меҳнат бозорида юқори даражада иштирок этишга эътибор қаратадиган мамлакат сифатида тасвирланган. Тарихан у мурасага ва синфий келишувларга асосланиб қурилган ва мослашувчанлиги билан танилган. Меҳнат бозорида фаол сиёсат нафақат меҳнатга нисбатан ёндашувни таъминлашга, балки доимий равишда малака ошириш ҳар бир фуқаронинг меҳнат бозорига кириш ва қолиш ҳуқуқига эга бўлишига кафолат беришга қаратилган.

Фаровонлик сиёсати Данияда энг камида 1933 йилдаги Канслергаде битимидан бери ишчилар ва деҳқонлар ўртасида кенг сиёсий консенсулга асосланиб кўп йиллик анъанага эга.

Шунингдек, меҳнат бозорига диққатни жалб қилиш нега Скандинавия мамлакатларида мослашувчанлик Европа Иттифоқида машҳур бўлгунга қадар мавжуд бўлганини ҳам тушунтиради. Шимолий фаровонлик давлатлари узоқ вақт давомида мослашувчанлик таърифига амал қилишди: бир томондан, меҳнат бозори, меҳнатни ташкил қилиш ва меҳнат муносабатлари мослашувчанлигини ва хавфсизликни кучайтириш учун синхрон ва қасддан ҳаракат қиладиган сиёсат стратегияси, иккинчи томондан, меҳнат бозори ва ундан ташқаридаги заиф гуруҳлар учун бандлик ва ижтимоий таъминот.

Данияда истеъмол харажатлари 1991 йилдан 2022 йилгача бўлган даврда ўртача 199145,64 миллион Дания кронаси (ДКК)ни ташкил этди ва 2021 йилнинг учинчи чорагида 252949 миллион ДККга ва рекорд даражадаги пасти, йилнинг биринчи чорагида – 151525 миллион ДКК етди.⁶²

⁶² Манба. Дания статистикаси.



1.3.3-расм. Шахсий даромад солиғи ставкаси⁶³

Данияда шахсий даромад солиғи ставкаси 55,90 фоизни ташкил этади. Данияда шахсий даромад солиғи ставкаси 1995 йилдан 2018 йилгача ўртача 60,45 фоизни ташкил етган бўлиб, 1997 йилда энг юқори кўрсаткич 65,90 фоиз, 2010 йилда эса энг паст кўрсаткич 55,40 фоиз қайд қилинган.

Данияликлар юқори турмуш даражасига эга ва Дания иқтисодиёти давлат томонидан кенг қамровли фаровонлик билан ажралиб туради. Дания корпоратив солиқ ставкасини 22 фоиз ва чет элликлар учун махсус чекланган солиқ режимига эга. Дания солиқ тизими кенг асосланиб, акциз солиғи, даромад солиғи ва бошқа тўловларга қўшимча равишда қўшилган қиймат солиғи 25 фоизли солиққа эга. Солиққа тортишнинг умумий даражаси (барча солиқлар суммаси, ЯИМга нисбатан фоиз) 2017 йилда 46% ташкил этди. Дания солиқ таркиби (турли солиқларнинг нисбий оғирлиги) ИХРТ ўртача кўрсаткичидан фарқ қилади, чунки Дания солиқ тизими 2015 йилда шахсий даромад солиғи бўйича тушумларнинг сезиларли даражада кўпайиши ва юридик шахсларнинг даромадлари ва даромадларига солиқлардан тушадиган тушумларнинг паст улуши билан ажралиб турарди. Данияда мол-мулк солиғи умуман ИХРТга қараганда солиққа тортилади, аммо ижтимоий суғурта бадаллари олинмайди. Иш ҳақи солиғи, ҚҚС ва бошқа товарлар ҳамда хизматлар учун солиқлардан келадиган нисбат ИХРТ ўртачасига тўғри

⁶³ <https://tradingeconomics.com/denmark/personal-income-tax-rate>

келади. 2014 йил ҳолатига кўра, аҳолининг 6 фоизи солиқ ва ўтказмаларга мослаштирилганда камбағаллик чегарасида яшайди. Дания ИХРТ бўйича кашшоқлик даражаси бўйича иккинчи, ИХРТ ўртача кўрсаткичидан 11,3% паст. Данияда етарлича озиқ-овқат сотиб олишга қодир эмасликларини ҳис қилган аҳолининг хабар қилишича, ИХРТ ўртача кўрсаткичининг ярмидан озроғига тенг.

Бошқа шимолий мамлакатлар сингари, Дания ҳам эркин бозор капитализмини ҳар томонлама фаровонлиги ва кучли ишчилар ҳимояси билан бирлаштирган шимолий моделини қабул қилишди. Дунё танлаган «мослашувчанлик» модели туфайли, Дания Европадаги энг эркин меҳнат бозорига эга, Жаҳон банкининг маълумотларига кўра. Иш берувчилар хоҳлаган вақтда (мослашувчанликни) ишга олишлари ва ишдан бўшатишлари мумкин ва иш ўринлари ўртасида ишсизлик учун тўланадиган тўлов нисбатан юқори (хавфсизлик). ИХРТ маълумотларига кўра, ишсизлар учун дастлабки ва узоқ муддатли соф алмаштириш ставкалари 2016 йилда олдинги соф даромаднинг 65 фоизни ташкил қилди, ИХРТ нинг ўртача кўрсаткичи 53% га тенг. Бизнесни очиш бир неча соат ичида ва жуда кам харажат билан амалга оширилиши мумкин. Қўшимча ишларга нисбатан ҳеч қандай чекловлар қўлланилмайди, бу компанияларга кунига 24 соат, йилига 365 кун ишлашига имкон беради. 2017 йилда бандлик даражаси 15–64 ёшдаги одамлар учун 74,2 фоизни ташкил этган ҳолда, Дания ИХРТ мамлакатлари орасида 9-ўринни эгаллайди ва ИХРТ бўйича ўртача 67,8 фоиздан юқори. 2017 йилда ишсизлик даражаси 5,7 фоизни ташкил этди, бу унинг таркибий даражасига яқин ёки паст деб ҳисобланади.

Ишсизлик бўйича нафақа даражаси аввалги иш жойига ва одатда касаба уюшмаси билан чамбарчас боғлиқ бўлган ишсизлик жамғармасига аъзоликка ва аввалги бадалларни тўлашга боғлиқ. Тахминан 65 фоиз молиялаштириш мақсадли аъзолар ҳиссасига, қолган учдан бири марказий ҳукуматга тўғри келади ва шунинг учун умумий солиқлардан келиб чиқади.

Канада иқтисодиёти юқори даражада ривожланган бозор иқтисодиёти

саналади. Бу номинал бўйича ялпи ички маҳсулотнинг 10-чи, ДХХ бўйича дунёда 16-ўринда туради. Бошқа ривожланган давлатлар сингари, мамлакат иқтисодиётида канадаликларнинг тўртдан уч қисми ишлайдиган хизмат кўрсатиш соҳаси устундир. Канада 2016 йилда 33,2 трлн АҚШ долларига баҳоланган табиий захираларнинг умумий баҳоси бўйича тўртинчи ўринни эгаллайди. У дунёдаги энг йирик нефт захиралари бўйича учинчи ўринда туради ва нефтни экспорт қилиш бўйича тўртинчи ўринда туради. Шу билан бирга, у табиий газнинг тўртинчи йирик экспортчиси ҳисобланади. Канада ўзининг бой табиий захиралари ва ер майдонига нисбатан кичик аҳолиси (37 миллион) туфайли «энергетик суперкуч» деб ҳисобланади.

Коррупцияни идрок қилиш индексига кўра, Канада дунёдаги энг кам коррупциялашган мамлакатлардан бири бўлиб, иқтисодиёти жуда глобаллашган дунёдаги энг яхши савдо ўнталигига киради. Канада тарихан Херитейж Фаундейшн иқтисодий эркинлик индексида АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларидан юқори бўлиб, даромадлар бўйича тафовут даражаси паст. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган уй хўжаликларининг ўртача даромади ИХРТ кўрсаткичидан «анча юқори». Торонто фонд биржаси бозор капиталлашуви бўйича дунёдаги тўққизинчи йирик фонд биржаси бўлиб, умумий капиталлашуви 2 трлн.

Канададаги ижтимоий дастурлар фуқароларга бозор таъминотидан ташқари ёрдам кўрсатишга мўлжалланган барча давлат дастурларини ўз ичига олади. Канадада ижтимоий хавфсизлик тармоғи кўплаб дастурларни қамраб олади ва Канада федерация бўлганлиги сабабли уни кўпчилик провинциялар бошқаради. Канадада жисмоний шахсларга ўтказиладиган давлат томонидан юбориладиган тўловларнинг кенг спектри мавжуд бўлиб, улар 2009 йилда \$ 176,6 млрд.ни ташкил этди. Бунга фақат жисмоний шахсларга маблағ йўналтирадиган ижтимоий дастурлар киритилиб, тиббиёт ва халқ таълими каби дастурлар қўшимча харажатлар саналади.

Канада Европа анъаналарида фаровонликка эга давлат, аммо у «фаровонлик» эмас, балки «ижтимоий дастурлар» деб номланади. Канадада

«фаровонлик», одатда, соғлиқни сақлаш ва таълим харажатларига эмас, балки камбағал кишиларга тўланадиган тўловларни назарда тутди (Европа шароитида бўлгани каби).

Умуман олганда, Буюк тушкунликдан олдин ижтимоий хизматларнинг аксарияти диний хайрия ташкилотлари ва бошқа хусусий гуруҳлар томонидан тақдим этилган. 1930-1960 йиллар орасидаги ҳукумат сиёсатининг ўзгариши Ғарбий Европанинг аксарият мамлакатларига ўхшаб фаровон давлатнинг пайдо бўлишига олиб келди. Ўша даврдаги аксарият дастурлар ҳанузгача ишлатилиб келинмоқда, лекин уларнинг аксарияти 1990-йилларда қайта кўриб чиқилган, чунки эндиликда ҳукуматнинг устуворликлари қарзлар ва дефицитларни камайтиришга йўналтирилган.

Канадада жон бошига ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) охириги марта 2018 йилда 44051,05 АҚШ доллар миқдорида қайд этилди. Канадада жон бошига ЯИМ, харид қобилияти паритети бўйича дунё миқёсидаги ўртача 248 фоизни ташкил қилади. 1990 йилдан 2018 йилгача Канадада аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ўртача 38078,94 долларни ташкил қилди, бу 2018 йилда 44051,05 долларни ташкил етди ва 1992 йилда рекорд даражадаги 30264,47 долларга тенг.



1.3.4-расм Канадада ихтиёрдаги шахсий даромадлар динамикаси⁶⁴

⁶⁴ <https://tradingeconomics.com/canada/disposable-personal-income>

Канададаги мавжуд ихтиёрдаги даромадлар 2019 йилнинг иккинчи чорагидаги 1271464 миллион Канада долларидан бўлган, йилнинг учинчи чорагида 1298848 миллион Канада долларига кўтарилган. Канадада мавжуд шахсий даромадлар 1961 йилда ўртача 453919,49 миллион Канада долларини ташкил қилди ва 2019 йил 1298848 миллион Канада долларига етди⁶⁵.

Фойда, иш билан таъминлашни суғурталаш, уй-жой, таълим, ўқиш, оила ва ногиронлиги учун нафақа ва имтиёзларни ўз ичига олади.

1-боб бўйича хулосалар

1. Аҳоли турмуш даражасини тавсифлаш ва баҳолашда кўлланиладиган «турмуш даражаси», «яшаш шароитлари», «аҳоли фаровонлиги», «ҳаёт тарзи», «яшаш сифати», «инсон тараққиёти индекси» тушунчаларига тавсиф берилди ва иқтисодий категория сифатидаги ўрни баҳоланди.

2. Иқтисодий адабиётлардаги эҳтиёжлар тизими тўғрисидаги турли қарашлар ўрганилди ва гуруҳланди, классификациясини таҳлил этишда физиологик, экзистенционал, ижтимоий, интеллектуал, мета ва сиёсий эҳтиёжларни классификация мукамал деб топилди. Эҳтиёжларнинг классификацион схемаси базасида шахс эҳтиёжларини комплекс тавсифловчи схема таклиф этилди.

3. Аҳоли реал даромадлари даражасига инфляция сезиларли таъсир кўрсатиши сабабли даромадларни давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим вазифаси истеъмол товарларига нархнинг ўсишини ҳисобга олиш, қайта молиялаш ставкасини кутилаётган инфляция даражасида ушлаб туриш тавсия этилган.

4. Аҳоли турмуш даражасини белгиловчи асосий омил аҳоли даромадлари ҳисобланади. Мамлакат аҳолисининг номинал даромадлари, реал даромадлари ва реал фойдаланиладиган пировард даромадлари шаклланишининг схемалари ишлаб чиқилган.

⁶⁵ Манба: Канада статистика қўмитаси.

5. Турмуш даражасини таҳлил қилиш учун миллий ҳисоблар тизимига асосланадиган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Биз томондан давлатнинг иқтисодий ривожланиш даражасини тавсифловчи ва аҳоли фаровонлик даражасига таъсир кўрсатувчи кўрсаткичлар кўриб чиқилди. Аҳоли турмуш даражасининг асосий кўрсаткичлари: шахсий мавжуд даромадлар, инсон тараққиёти индекси, истеъмол савати қиймати ҳисобланади.

6. Бизнинг фикримизча, БМТ мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган инсон тараққиёти индекси тугалланмаган ҳисоб методикасига эга. Ушбу кўрсаткич Ўзбекистонда 0,756 тенг. Ушбу кўрсаткични ҳисоблашда аҳолининг кутилаётган яшаш давомийлиги, саводхонлиги, таълим олаётганларнинг умумий салмоғи ва аҳоли жон бошига йилига ишлаб чиқариладиган ЯИМ кўрсаткичларидан фойдаланилади.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ДАРОМАДЛАР ВА АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ МЕХАНИЗМИ ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1-§. Ўзбекистонда аҳоли даромадлари ва турмуш даражаси таркибининг шаклланиш хусусиятлари

Аҳолининг ялпи даромадлари ошиб бориши билан бир вақтда юртимизда истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва аҳолига кўрсатилаётган хизмат турларини кенгайтириш ҳисобидан ушбу даромадлардан самарали фойдаланиш учун шароит яратилди.

Аҳоли харажатлари истеъмол ва ноистеъмол харажатларга бўлинади. Аҳолининг истеъмол харажатларига қуйидагилар киради:

- озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш;
- уйдан ташқарида овқатланишга харажатлар;
- спиртли ичимликлар сотиб олиш;
- тамаки маҳсулотлари сотиб олиш;
- шахсий истеъмол учун ноозиқ-овқат товарлар сотиб олиш;
- пуллик хизматлар.

Ўз навбатида, ноистеъмол харажатлар қуйидагилардан таркиб топади:

- кўчмас мулк, чорва, парранда, асалари сотиб олишга харажатлар;
- ер, квартира, уй ва бошқа биноларга ижара тўлови;
- ёрдамчи хўжалик юритишга харажатлар;
- ишлаб чиқариш хизматларига харажатлар;
- солиқлар, бадаллар ва бошқа тўловлар;
- қариндошлар ва бошқа шахсларга моддий ёрдам;
- тижорат мақсадларида товарлар сотиб олиш;
- банк муаасасаларига омонатлар;
- акция ва бошқа қимматли қоғозлар сотиб олиш;
- кредитни, қарзни қайтариш;
- бошқа ноистеъмол харажатлар.

Агар 1991 йилда аҳоли даромадларининг бор-йўғи 46-48 фоизи мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товар ресурслари билан таъминланган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 80 фоиздан ошди. Шу билан бирга, сўнгги йилларда жами харажатлар таркибида истеъмол харажатларининг улуши ортиб, аксинча истеъмолдан ташқари харажатларнинг улуши камайиб бормоқда (2.1.1-жадвал).

2.1.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида аҳоли ялпи харажатларининг таркиби⁶⁶, фоизда

Кўрсаткичлар	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
1.Жами харажатлар таркиби	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
улардан:										
истеъмол харажатлари	78,4	80,7	79,8	79,7	79,6	83,2	85,3	84,6	84,6	87,0
2.Жами истеъмол харажатлари	40,3	42,0	39,5	39,5	38,1	39,4	40,3	40,7	38,8	40,3
шу жумладан:	22,2	22,5	23,9	23,8	25,0	26,9	28,0	26,9	28,0	28,9
озик-овқат маҳсулотлари учун	15,9	16,2	16,4	16,4	16,5	16,9	17,0	17,0	17,8	17,8
ноозик-овқат маҳсулотлар учун	21,6	19,3	20,2	20,3	20,4	16,8	14,7	15,4	15,4	13,0
хизматлар учун тўловлар	19,9	20,3	20,1	20,6	20,6	20,7	20,4	20,0	20,1	21,0

Жадвалдан кўришиб турганидек, 2011-2020 йиллар давомида жами харажатлар таркибида истеъмол харажатларининг улуши 78,4 фоиздан 87,0 фоизга ортган, жами истеъмол харажатларида эса фақат ноозик-овқат маҳсулотлар харажатлар улуши 21,6 фоиздан 13,0 фоизга қисқарган.

Ушбу ҳолат оилаларнинг истеъмол харажатлари макро таркиби ҳам оптималлашиб бораётганидан далолат бермоқда: озиқ-овқат маҳсулотлари учун харажатлар улуши барқарорлашиб, хизматлар учун харажатлар улуши


⁶⁶ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари

ортиб бормоқда. Бундай ҳолат иқтисодий ривожланиб бораётган давлатлар учун хос.

Аҳоли даромадларини ошириши билан бир вақтда мамлакатимизда истеъмол товарларининг маҳаллийлаштирилиши ҳамда уларни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, аҳолига хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш ҳисобидан ушбу даромадлардан самарали фойдаланиш учун шароитлар яратиш келинмоқда.

Шунингдек, аҳолининг истеъмол харажатлари таркиби йилдан йилга оптималлашиб, озиқ-овқат маҳсулотлари учун харажатлар барқарорлашиб, ноозиқ-овқат ва хизматларга қилинаётган харажатлар улуши ортиб бормоқда.

2011 йилда 2000 йилга нисбатан аҳолининг истеъмол харажатлари таркибида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши 14,1 фоизга камайган бўлса, ноозиқ-овқат маҳсулотларни сотиб олишга қилинган харажат 7,6 фоизга ва хизматларга қилинган харажатларнинг улуши 6,5 фоизга ошган.



2.1.1-расм Ўзбекистон Республикасида 2011-2020 йилларда аҳоли истеъмол харажатларининг таркибий ўзгариши⁶⁷ (фоизда)

⁶⁷ Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида тайёрланди.

Юқоридаги графикдан кўриш мумкинки, 2011 йилга нисбатан 2020 йилда озиқ-овқат учун харажатлар таркиби ўзгармас 40,3 % қолгани ҳолда ноистеъмол харажатлар 21,6 % дан 13 % га камайган, хизматларга қилинган харажатлар 15,9 % дан 17,8 % ошгани, ноозиқ-овқат маҳсулотлар учун қилинган харажатлар 22,2 % дан 28,9 % га ўсгани ва истеъмол харажатлари 78,4 % дан 87,0 % ошгани аҳолининг турмуш даражаси яхшиланаётганидан далолат беради.

«Турмуш даражаси»га берилган иқтисодий адабиётлардаги таърифлар ишлаб чиқариш, истеъмол, даромадлар, турмуш қиймати, истеъмол меъёрлари ва мезонлари каби турли бошланғич тушунчаларни таъкидлаб кўрсатади ёки комплекс равишда уларнинг кўп жиҳатли хусусиятларини ўрганади. Биз турмуш даражасини оширишнинг ишлаб чиқариш билан боғлиқ ёндашувларига алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз.

«Ишлаб чиқариш» ёндашувида аҳолининг турмуш даражаси ишлаб чиқарувчи кучлар, ижтимоий ишлаб чиқариш таркиби ва самарадорлиги даражасига боғлиқлигидан келиб чиққан ҳолда ўрганилади.

Аҳоли турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий ишлаб чиқариш ўртасида тескари алоқа мавжуд. Бу аввало, аҳоли турмуш даражаси меҳнат ресурсларининг сифат хусусиятлари ва иш билан банд аҳолининг меҳнат самарадорлиги билан боғлиқлиги ҳамда аҳолининг истеъмол имконияти ўсиши билан юқори меҳнат унумдорлигидан манфаатдорлик ошиши орқали намоён бўлади.

Аҳоли турмуш даражаси давлат олиб бораётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат самарадорлигини ифодалаб берувчи бош мезон бўлиб, унинг ошиб бориши ижтимоий ривожланиш асосини ташкил этади.

Турмуш даражаси инсон (аҳоли) ҳаёти ва фаолиятининг қандайдир бир томони ҳақида тасаввур берувчи кўрсаткичлар тизими билан белгиланади. Турмуш даражаси ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун аҳоли даромадлари ва эҳтиёжларини, истеъмол даражаси ва таркибини, уй-жой, мулк, маданий-маиший буюмлар билан таъминланганлик ва бошқа кўплаб

жиҳатларни уйғунликда ўрганиш зарур. Аҳоли турмуш даражаси «турмуш сифати» тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларнинг боғлиқлиги турли илмий адабиётларда иқтисодчи олимлар томонидан етарли даражада ёритиб берилган. Турмуш сифати – шахсининг, унинг фаолият турларини, эҳтиёжлари таркибини ва уларни қондириш даражасини, инсоннинг жамиятдаги турмуш шароитлари ва табиат муҳити билан уйғун муносабатларини тавсифловчи, турмушдан қаноатланиш ҳиссини яратувчи ҳаётий қадриятлари мажмуидир.

Бизнинг фикримизча, турмуш даражаси аҳоли турмушининг моддий томонларини ифодаласа, турмуш сифати аҳоли турмушининг маданий ва маиший жиҳатларини билдиради ва турмуш сифати инсонлар ҳаётининг ривожланганлик даражасини кўрсатади.

Аҳоли турмуш даражаси аҳолининг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги нисбат орқали белгиланади. Аҳолининг даромадлари унинг харажатларига нисбатан қанча кўп бўлса, аҳоли турмуш даражасини ошириш имкониятлари шунча юқори бўлади. Аҳоли турмуш даражасини оширишда асосий омиллар макроиқтисодий шароитнинг қулайлиги, иқтисодий ўсишнинг тез суръатларда рўй бериши, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилиши ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш кучайтирилиши ҳисобланади.

Аҳоли турмуш даражасини баҳолашда аҳолининг даромадлари, имкониятлари, истеъмоли ва эҳтиёжларининг қондирилиши даражасини объектив талқин этиш муаммоси долзарб саналди. Бу муаммо назарий ва услубий жиҳатдан ҳали тўлиқ ўрганилмаган.

Жаҳон иқтисодчилари томонидан аҳоли турмуш даражасини ҳар томлама аниқ тавсифловчи кўрсаткичлар услубиятини, умумлаштирувчи кўрсаткични аниқлашга кўп ҳаракат қилинган. Ривожланган давлатларда аҳоли турмуш даражасини баҳолаш аҳолининг даромадлари, озиқ-овқат истеъмоли, уй-жой шарт-шароитларини таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

Аҳолининг ўсиб бораётган тўлов қобилияти билан корхоналарда ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари ўртасида ички бозорда мутаносибликни таъминлаш, маҳсулот турларини кенгайтириш, бозорларни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳаллий маҳсулотлар билан ишончли тарзда тўлдириб бориш аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда алоҳида аҳамият касб этади. Чунки аҳолининг турмуш фаровонлиги кўп жиҳатдан унинг озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти даражасига боғлиқ. Мазкур масалани ҳал этишда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи корхоналар самарадорлигини ошириш зарур.

Аҳоли турмуш даражаси ошишини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида аҳоли турмуш даражаси ошишини ифодаловчи турли кўрсаткичлар ишлаб чиқилган. Масалан, соф миллий даромаднинг аҳолини турли тоифаларига тўғри келиши маълум гуруҳдаги аҳолининг турмуш даражаси коэффициенти орқали ифодаланган⁶⁸:

$$K_v^t = \frac{\sum_{v=1}^n Smd_v^t}{\sum_{v=1}^n A_v^t};$$

Бу ерда:

K_v^t – t йилда v гуруҳдаги аҳолининг турмуш даражаси коэффициенти;

Smd – соф миллий даромад;

A_v^t – t йилда v гуруҳдаги аҳолининг сони.

Аҳоли турмуш даражасини оширишнинг истеъмол даражаси билан боғлиқлиги ўрганилган бўлиб, у регрессия тенгламаси орқали ифодаланган. Регрессия тенгламасининг параметрларини аниқлаш мақсадида қуйидаги чизикли тенгламалар системаси ишлаб чиқилган⁶⁹:

$$\begin{cases} n \cdot a_0 + a_1 \sum X = \sum Y; \\ a_0 \sum X + a_1 \sum X^2 = \sum XY; \end{cases}$$

бу ерда:

⁶⁸Генкин Б.М. Экономика и социология труда - М.: Норма, 2006. с.72.

⁶⁹ Ғойибназаров Б.К. Аҳоли турмуш даражасини статистик баҳолаш. Монография. Т.: «ФАН», 2005. 69 б.

Y– аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот;

X– ҳар бир уй хўжалигига тўғри келадиган истеъмол харажатлари;

a_0 ва a_1 – регрессия тенгламаси параметрлари.

Ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ривожланиб бориши натижасида «меҳнат ресурслари», «ишчи кучи» каби иқтисодий тушунчаларнинг маъно ва мазмуни бирмунча ўзгариб бормоқда. Бу тушунчалар фақат илмий-иқтисодий адабиётларда эмас, балки кундалик амалиётимизда ҳам кенг фойдаланила бошланганидан далолат беради. Яъни, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади⁷⁰ деган принципи амал қилаётганлигини кўрамыз.

2.2-§. Мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини тартибга солишда имтиёزلардан фойдаланиш хусусиятлари

Глобаллашув ва ахборотлашган жамиятга ўтишда миллий иқтисодий тизимлар ривожланишидаги умумий тенденцияларни аниқлаш, шунингдек, ҳозирги босқичда Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тизимининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Ушбу соҳалардаги иқтисодий тизимлар ўзгаришини моделлаштиришда, иқтисодиёт ривожланишини прогнозлаштириш, фискал, пул-кредит ва ижтимоий сиёсат муаммоларига, давлатнинг роли ва функцияларидаги ўзгаришларга эътибор қаратилади.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда аҳолининг ижтимоий ёрдамга мухтож қисмини аниқлашда турли мезонлар асос қилиб олинади. Улар жумласига даромад даражаси, шахсий мол-мулки миқдори, оилавий аҳволи ва шу кабилар киритилади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари тизимидаги энг асосий йўналиш – бу нархлар эркинлаштирилиши ва пулнинг қадрсизланиш даражаси ортиб бориши муносабати билан даромадларнинг энг кам ва ўртача даражасини мунтазам ошириб бориш ҳисобланади.

⁷⁰ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014, 14-модда.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг иккинчи йўналиши – ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш, ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат молларнинг асосий турлари истеъмолини муайян даражада сақлаб туриш бўлди. Бунга эришишда муҳим маҳсулотлар экспортини божхона тизими орқали назорат қилиш ва уларга юқори бож тўловлари жорий этиш, кундалик зарур товарларни меъёрланган тарзда сотишни ташкил қилиш каби тадбирлар катта аҳамиятга эга бўлди.

Ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг учинчи йўналиши – аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш борасида кучли чора-тадбирлар ўтказилганлиги бўлди. Бу йўналишда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор қатламлари – пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали ва кам даромадли оилалар, ишсизлар, ўқувчи ёшлар ҳамда қайд этилган миқдорда даромад олувчи кишилар турли хил йўллар билан ҳимоя қилиб борилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларга бағишланган 9-бобида «Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади» деб белгилаб берилган⁷¹.

Ялпи ижтимоий ҳимоялаш тизимидан ишончли ижтимоий кафолатлар ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимига изчиллик билан ўтиш – ижтимоий сиёсатни амалга оширишга, ижтимоий ҳимоя воситасини кучайтиришда сифат жиҳатдан янги босқич бошлашини билдиради.

Шундай қилиб, ислоҳотлар даврида давлат аҳолининг муҳтож

⁷¹ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-боби. Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар.


табақаларини қўллаб-қувватлаш билан бирга, ўз меҳнат фаолияти орқали оиласининг фаровонлигини таъминлашга интилувчи кишилар учун тенг шароит ва қулай имконият яратишга ҳаракат қилади.

Даромадлар даражасини ошириш муаммоларини ҳал этишда истеъмол бюджети асосида аҳолини минимал даромад билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Истеъмол бюджети моддий ва маънавий неъматлар ва хизматлар истеъмоли салмоғи ва таркибининг қиймати баҳоси ҳамда солиқлардан иборат. Эҳтиёжни қондириш даражасига қараб, моддий таъминланганлик минимуми, рационал ва элитар истеъмол бюджетлари мавжуд. Улар аҳолининг қуйи, ўрта ва юқори (жуда юқори) даромадли гуруҳларига мувофиқ ҳисобланади. Шунингдек, ҳақиқий ва меъёрий бюджетлар ҳам мавжуд. Меъёрий бюджетлар даромадлар сиёсатининг ижтимоий нормативларидан биридир.

Истеъмол бюджети фақат аҳоли гуруҳлари учун эмас, балки мамлакат ҳудудлари учун ҳам белгиланиши мумкин. Бунда ҳисоб-китобнинг турли хилларидан фойдаланилади: меъёрий (товар ва хизмат истеъмоли ва уларнинг ҳақиқий баҳоси нормативлари асосида); статистик (аҳолининг айрим қатламлари эга бўлган реал даромадлар даражасида); мураккаб (овқатланиш меъёрлари ва амалий харажатлар асосида); субъектив (экспертлар сўрови ва жамоатчилик фикри асосида); ресурс (аҳолининг маълум истеъмол минимумини таъминлаш учун давлатнинг объектив имкониятлари асосида). 2-расмда истеъмол бюджетининг энг муҳим иқтисодий кўрсаткичлар билан ўзаро алоқадорлиги акс эттирилган.

Истеъмол бюджети юзлаб товар (хизмат)ларни ўз ичига олади, аммо ҳисоб-китобларда, одатда, энг муҳимлари (овқатланиш, кийим-кечак, поябзал, санитария ва гигиена воситалари, дори-дармон, мебель, идиш-товоқ, маданий моллар, уй-жой ва маиший хизмат, транспорт, алоқа хизмати ва ҳ.к.лар) эътиборга олинади ва улар минимум моддий таъминланганлик бюджетига киритилади.



2.2.1-расм. Истеъмол бюджети ва унинг энг муҳим иқтисодий кўрсаткичлар билан ўзаро алоқаси⁷².

Ҳар бир давр бўйича аҳоли ва ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш учун зарур бўлган моддий таъминланганлик минимуми мавжуд. Бу минимум объектив миқдор бўлиб, ижтимоий кучларнинг ривожланиш даражасига боғлиқ. Моддий таъминланганлик минимуми меъёрий истеъмол бюджети ёрдамида аниқланади.

Истеъмол бюджети ҳисоб-китоб тавсифига эга ва маълум нормативларга асосланади. Меъёрий бюджет моддаларининг асосий қисми тўғридан-тўғри ҳисобланади, яъни унда озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлар истеъмоли меъёри, хизмат кўрсатиш нормативи, уларни харид қилиш баҳолари инобатга олинади.

Моддий таъминланганлик минимуми бюджети жорий вақт учун ва истиқболга мўлжаллаб тузилиши мумкин. У натурал ва пул шаклида ифодаланади. Меҳнаткашлар ва уларнинг оилалари минимал эҳтиёжлари моддий ва маданий неъматлар истеъмоли даражаси ва таркиби қандай бўлиши бу минимумни таъминлайдиган даромадлар миқдорини аниқлаш имконини беради. Масалан, ишчи кучини (аҳоли) нормал такрор ишлаб

⁷² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

чиқариш учун ишчи (хизматчи, деҳқон) оиласидаги балоғатга етган кишиларнинг энергия сарфини қоплаш ва қониқарли ҳаёт фаолиятини таъминлаш бўйича зарур бўлган физиологик меъёр даражасида овқатланиши ҳамда кийим-бош, поябзал, ички кийимлар, гигиена воситалари билан таъминланиши, коммунал хизмат, транспорт ва алоқа хизмати учун ҳақ тўлаш, шунингдек, маданий эҳтиёжларни қондириш учун минимал даромадга эга бўлиши зарур.

Меъёрий бюджетга асосланган моддий таъминланганлик минимуми иш ҳақини дифференциациялашни прогнозлашда (бошқаришда) асосий элементлардан бири бўлиб хизмат қилади. Иш ҳақининг энг кам миқдори жамиятда мавжуд ресурсларга боғлиқ бўлмаса, моддий таъминланганлик минимумини таъминлаш учун бошқа манбалардан фойдаланилади (ижтимоий истеъмол фонди, шахсий томорқа хўжалиги ва шу қабилар).

Меъёрий истеъмол бюджети ёлғиз кишилар ва оилалар учун (сон ва ёш таркиби турлича бўлган), аҳолининг турли гуруҳлари, оиланинг ишламайдиган аъзолари, мамлакатнинг турли ҳудудлари учун ишлаб чиқилади. Мамлакат ҳудудлари бўйича меъёрий бюджетлар турмуш қийматидаги фарқни аниқлаш ҳудуд коэффициентини асослашга ёрдам беради. Моддий таъминланганлик минимумига эришиш йўлларини асослашда уларни қоплаш манбаларини аниқлаш катта аҳамиятга эга (энг кам иш ҳақи ва пенсиялар, номинал ва реал иш ҳақини ошириш, ижтимоий трансфертлар, шахсий томорқа хўжалигидан олинадиган даромадни кўпайтириш ва шу қабилар). Бироқ оилаларда иш билан бандлар ва боқимандаларнинг турли нисбатлари юзага келади, бу эса оила таъминланишига таъсир этади. Кам таъминланганлик муаммосини ҳал этиш учун иш ҳақини мунтазам ошириб бориш, оилада бандликни ошириш, пенсия таъминотини яхшилаш, солиқ бўйича имтиёзлар белгилаш, товар ва хизмат ҳақларини камайтириш, болаларни боқиш учун давлат томонидан бериладиган нафақалар миқдорини кўпайтириш, ёлғиз қарияларга кўмаклашиш ва шу қабилар лозим.

Оиланинг яшаш минимумини шакллантиришда ёлғиз кишилар ва оилалиларнинг истеъмол харажатлари даражасига таъсир этувчи омиллар ҳисобга олинади. Оиладагилар сони ошиб бориши билан истеъмол харажатлари пасайиб боради.

Масалан, агар икки киши биргаликда яшаса, уларнинг жон бошига харажатлари (коммунал хизматнинг баъзи турлари бўйича тўловлардан ташқари) ёлғиз яшовчининг харажатларидан икки баробар кам бўлади. Бу узок вақт фойдаланишга мўлжалланган товарларга ҳам тааллуқли. Буюмлар бир боладан бошқасига ўтиши ҳам ҳисобга олинади (айниқса, кам таъминланган ва кўп болали оилаларда). Шу муносабат билан даромадлари турли даражада бўлган оилаларда биргаликда яшаш эвазига харажатларнинг камайиши коэффиценти ҳисоблаб чиқилган. Масалан, балоғатга етган тўртта одам яшайдиган оилада истеъмол харажатлари 10 фоизга камаяди, оилада яшовчи пенсионер учун яшаш минимуми ёлғиз пенсионерникидан 10-15 фоиз паст.

Аҳоли эҳтиёжига табиий-иқлимий шароитлар, жойлашиш характери, миллий анъаналар ҳам таъсир кўрсатади.

Ноозик-овқат товарлар ва хизматлар харажати узок вақт фойдаланишга мўлжалланган буюмлар билан таъминланганлик ва хизмат муддати меъёрлари асосидаги норматив усул ёрдамида аниқланади. Ҳисоб-китоблар товарлар гуруҳи бўйича ишлаб чиқилади: гардероб предметлари (уст кийим, поябзал ва ҳоказолар), санитария-гигиена воситалари, дори-дармонлар, узок вақт фойдаланишга мўлжалланган товарлар (мебель, электр асбоблари, автомобиль ва ҳоказо).

Уй-жой ва коммунал хизмат харажатлари ушбу ҳудуддаги нархлар ва тариф нормативларига қараб белгиланади. Бунда солиқлар ва мажбурий тўловлар харажатлари ҳам ҳисобга олинади.

Оиланинг яшаш минимуми бюджети унинг таркиби ва катта-кичиклигига қараб аниқланиши мумкин. Таъкидлаш лозимки, яшаш минимуми анча тор тузилган, унда фақат физиологик минимумни

таъминловчи меъёрдан фойдаланилган ва тамаки маҳсулотлари, деликатеслар, маданий эҳтиёжлар ҳисобга киритилмаган, ноозиқ-овқат товарлар, хизматлар, солиқлар эса етарли даражада ҳисобга олинмаган. Яшаш минимумидан фарқли ўлароқ, минимал истеъмол бюджети ана шу харажатларни тўла ҳисобга олади. Баъзи ҳисоб-китобларга кўра, минимал истеъмол бюджети яшаш минимуми бюджетидан 3-4 баравар ортиқ. Минимал истеъмол бюджети ва яшаш минимуми бюджети билан бирга рационал истеъмол бюджети ҳам ҳисобланади. Унинг ёрдамида илмий асосланган рационал меъёрларга мувофиқ эҳтиёжларни қондириш учун зарур бўлган даромаднинг таркиби ва миқдори аниқланади. Рационал бюджет ва истеъмолнинг рационал меъёри инсоннинг оқилона эҳтиёжларини тўла қондириш тамойили асосига қурилади. Истеъмолнинг реал меъёрига мувофиқ бўлган аҳоли жон бошига тўғри келадиган истеъмол даражасига этиш мамлакат миқёсида ўрта табақани шакллантириш вазифасини ҳал этишга ёрдам беради.

Барча аҳоли учун истеъмолни рационал даражага етказиш жараёнини икки босқичга ажратиш мумкин: биринчиси – рационал бюджетга мос келувчи даромадни ва истеъмолни ўртача даражасига эришиш; иккинчиси – жамиятнинг ҳар бир аъзосининг рационал истеъмолини таъминлаш. Бу икки босқични фарқлаш иқтисодий мазмунга эга. У даромадлар ва истеъмолнинг баъзи элементлари ҳаракати тенденциясидаги туб ўзгаришлар ва истеъмол тузилмасининг ўзгариши билан боғлиқ. Аммо рационал истеъмол бюджети моҳиятини мутлақлаштириб бўлмайди. У фақат прогнозлаштиришнинг дастлабки пунктини ташкил этади. Рационал истеъмол ва таъминот меъёрлари шундай воситаки, улар ёрдамида халқ фаровонлигини оширишнинг устивор йўналишларини миқдор ва сифат жиҳатидан ифодалаш; ижтимоий муаммоларни ечиш, турмуш даражаси (сифати) концепциясини ишлаб чиқиш мумкин.

Истеъмол бюджетлари турли товарлар ва хизматларнинг маълум тўплами асосида тузилади. Истеъмол тўплamlари турли истеъмол бюджети

учун белгиланган бўлиб, унга кирувчи товарлар ва хизматлар таркиби билан ҳам, уларнинг ҳажми билан ҳам фарқланади. Минимал истеъмол бюджетини ҳисоблашда бир қатор товарлар (хизматлар) ҳисобга олинади ва минимал истеъмол меъёрлари яшаш минимумига нисбатан анча юқори (масалан, гўшт маҳсулотлари бўйича икки барабар ортиқ).

Истеъмол савати – инсон саломатлигини сақлаш ва унинг ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, ноозиқ-овқат товарлар ва хизматларнинг минимал тўпламидир. Аслида, истеъмол савати учта саватдан иборат: озиқ-овқат, ноозиқ-овқат, хизмат саватчалари. Истеъмол савати камида 5 йилда бир марта услубий тавсиялар асосида аниқлаштирилади. Истеъмол саватида озиқ-овқат савати муҳим ўрин тутди.

Озиқ-овқат савати – бир одамнинг бир ойда овқатланиши учун керакли бўлган маҳсулотлар тўплами (у маҳсулотлар истеъмолининг минимал меъёри асосида ҳисоблаб чиқилган). Бу тўплам жисмоний эҳтиёжларга мос келади, зарур калорияни таъминлайди, асосий озиқ моддалар мавжуд ва овқатланишни ташкил этишнинг анъанавий кўникмаларига тўғри келади.

Озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишнинг минимал миқдорига Ўзбекистон Республикасида нон маҳсулотлари, картошка, сабзавот, мевачева, гўшт маҳсулотлари, сут маҳсулотлари, тухум, балиқ маҳсулотлари, шакар ва қандолат маҳсулотлари, ўсимлик ёғи, маргарин ва бошқа (туз, қалампир ва шу каби) маҳсулотлар киради. Минимал тўплам таркибига тамаки маҳсулотлари, алкогольли ичимликлар, деликатеслар киритилмаган.

2018 йил 1 июлдан аҳолининг реал даромадлари, иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловлар миқдорининг, шу жумладан, ҳудудлар кесимида «яшаш минимуми» ва «истеъмол саватчаси»га мутаносиблиги таъминланиши 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳасида кўзда тутилган эди. Лекин ҳозирги кунгача бу лойиҳа тўлиқ амалга

оширилмади.

«Истеъмол саватчаси» – муайян вақт давомида инсон ҳаёти ва унинг саломатлигини сақлаш учун зарур маҳсулотлар, товарлар ва хизматларнинг энг кам тўплами. Албатта, барча фуқаролар овқатланиши, кийиниши, коммунал ва бошқа хизматлар ҳақини тўлаши, зарур дори-дармонларни харид қилиши лозим. Булар «Истеъмол саватчаси»ни бутлаш учун асос ҳисобланади.

«Истеъмол саватчаси» энг кам иш ҳақи ва пенсиялар, базавий ижтимоий тўловлар, ишсизлик, болани парваришлаш, боқувчисини йўқотганлик нафақалари, стипендиялар каби моддий эҳтиёж миқдорларини белгилаш учун ҳисоб-китобга асос бўлмоғи керак.

«Истеъмол саватчаси»га кирувчи товарлар ва хизматлар тўплами ҳар бир мамлакатда турлича. Унинг таркиби давлат даражасида белгиланади ва кўплаб омиллар – табиий-иқлим шароитлари, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши, озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқариш хусусиятлари, товарлар, хизматларнинг ҳақиқатда истеъмол қилиниши ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Анъанага кўра, «Истеъмол саватчаси» 3 қисм – озиқ-овқат маҳсулотлари, ноозиқ-овқат товарлар ва хизматлардан иборат. Ноозиқ-овқат товарларга кийим-кечак, пойабзал, биринчи навбатда зарур бўлган буюмлар, дори-дармонлар, маданий-маиший ва хўжалик учун мўлжалланган товарлар ва ҳоказолар киради. Хизматлар рўйхатидан эса коммунал, транспорт хизматлари, маданий-маърифий жабҳалар ўрин олади.

Одатда, «Истеъмол саватчаси» аҳолининг 3 та асосий ижтимоий-демографик гуруҳи – меҳнатга лаёқатли аҳоли, пенсионерлар ва болалар учун ишлаб чиқилади. Яъни аҳолининг турли қатламлари тирикчилиги учун зарур энг кам миқдорни белгилашда муайян даврда истеъмол саватчасидаги барча неъматларни истеъмол қилиш нормаларини аниқлаш зарур. Масалан, оддий фуқаро нормал ҳаёт кечириши учун ҳар куни истеъмол қилиши керак бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари тўплами ва миқдорини ҳисоблаш ёки барча

коммунал харажатларни қоплаши учун ойига канча сумма зарурлиги аниқланади.

Фармонга кўра, республикамизда «Тирикчилик учун зарур энг кам миқдор» ва «Истеъмол саватчаси» тушунчаларини 2018 йилнинг 1 июлидан ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш белгиланган.

«Истеъмол саватчаси» ни жорий этиш дунё тажрибасига кўра мажбурий равишда қилинмайди, аввало, «хуфиёна иқтисодиёт»ни камайтириш мақсадида «Истеъмол саватчаси» методологиясини ишлаб чиқилди. Бугунги кунда Фарғона ва Тошкент вилоятида эксперимент тариқасида ўрганиш ишлари олиб борилмоқда. «Истеъмол саватчаси» ва «Тирикчилик учун зарур энг кам миқдор» ни амалиётга жорий этиш учун ташкилий масалаларни амалга ошириш лозим. «Истеъмол саватчаси» ва «Тирикчилик учун зарур энг кам миқдор» амалиётга жорий этилганидан сўнг аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларини кўришимиз керак.

Истеъмол саватчасига қандай хизматлар киритилади:

Хизматлар ҳам инсон учун муҳимлик даражаси ва ҳаётий зарурлигига қараб фарқланиши мумкин. Бироқ озиқ-овқат товарлари юзасидан бир қарорга келиш масаласи озми-кўпми тушунарли бўлса, хизматларнинг зарур тўпламини белгилашда саволлар юзага келиши мумкин. Аҳоли тирикчилиги учун зарур энг кам миқдорни белгилашда қандай хизматлар тўлови ҳисоб-китобга киритилиши керак? Тўғри, биринчи навбатда, булар коммунал ва транспорт харажатларидир.

Айни вақтда, инсон ўз ҳаётий фаолиятида бошқа, долзарблиги жиҳатидан муҳим сервис турларидан ҳам фаол фойдаланади: уяли алоқа ва интернетдан фойдаланади, тиббий ёрдам, турли мутахассислар маслаҳатларини олади. Маданий-маърифий тадбирлар: театр, музейларга бориш харажатлари ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Зеро киши нафақат жисмоний эҳтиёжларини қондириши, балки ақлий ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан етарли даражада ривожланиши лозим.

Шу сабабли юқорида санаб ўтилганларнинг бари ички истеъмол

саватчасини ишлаб чиқишда инобатга олиниши лозим деган фикрдамиз.

МДХ мамлакатларидаги истеъмол саватчаси ва тирикчилик учун зарур энг кам миқдор:

Россияда 1997 йилдаги «Россия Федерациясидаги тирикчилик учун зарур энг кам миқдор тўғрисида» ва 2012 йилдаги «Бутун Россия Федерацияси бўйича истеъмол саватчаси тўғрисида»ги қонунлар амал қилади. Россияда истеъмол саватчаси ҳар 5 йилда белгиланади. Озиқ-овқат маҳсулотлари унинг ярмини (50%), ноозиқ-овқат товарлар ва хизматлар эса – ҳар бири чорак қисмини (25% + 25%) ташкил этади.

Қозоғистонда озиқ-овқат саватчаси илмий асосланган озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолининг физиологик нормалари бўйича ҳисоблаб чиқарилади. Ноозиқ-овқат товарлар ва хизматларга харажатларнинг қатъий белгиланган улуши минимал истеъмол саватчаси қийматининг 45%и миқдорида белгиланади. Яъни қозоғистонликларнинг истеъмол саватчасидаги озиқ-овқат маҳсулотлари улуши 55% ни ташкил этади.

Қуйидаги жадвалда МДХнинг айрим мамлакатларидаги тирикчилик учун зарур энг кам миқдор шарҳ эълон қилинган кунда ушбу мамлакатлар валюталарининг расмий курси бўйича АҚШ доллари эквивалентида кўрсатилган. Жадвалдан кўринганидек, мамлакатлар бўйича рақамлар кескин фарқланади. Истеъмол саватчаси инсоннинг истеъмол товарлари ва хизматларга минимал харажатларидан ташкил топиши сабабли уларнинг нархлари алоҳида олинган мамлакат аҳолисининг турмуш кечириш қийматига бевосита таъсир кўрсатади. Шу тариқа, тирикчилик учун зарур энг кам миқдорнинг юқорилиги – дори-дармонлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, коммунал хизматлар ва бошқалар қимматлигидан далолат.

Бундан ташқари, турли ижтимоий ва ёш гуруҳларининг эҳтиёжлари ҳар хил бўлади. Келтирилган жадвал пенсионерларнинг тирикчилиги учун зарур энг кам миқдор, масалан, меҳнатга лаёқатли аҳолиникига қараганда камлигини яққол намоён этмоқда.

**МДХнинг айрим мамлакатларидаги 2021 йил учун яшаш
минимуми учун зарур энг кам миқдор**

Қозоғистон Республикаси[1]	Яшаш учун зарур энг кам миқдор 34302 тенге (\$75.23)
	меҳнатга лаёқатли аҳоли учун—42500 тенге (\$ 32.11)
	пенсионерлар учун—43272 тенге (\$ 97.50)
Россия Федерацияси[2] (2021 йил маълумотлари)	аҳоли жон бошига – 11653 рубль (\$ 144)
	меҳнатга лаёқатли аҳоли учун – 13026 рубль (\$ 164.36)
	пенсионерлар учун – 10277 рубль (\$ 129.68)
	болалар учун – 11592 рубль (\$146.27)
Беларусь Республикаси[3] (2021 йил маълумотлари)	аҳоли жон бошига – 288,01 беларусь рубли (\$ 88.09)
	меҳнатга лаёқатли аҳоли учун – 321,22 б.р. (\$ 98.24)
	пенсионерлар учун – 217,99 б.р. (\$ 66.67)
Қирғизистон Республикаси[4] (2021 йил маълумотлари)	бутун аҳоли учун – 6268,31 қирғиз сўми (\$ 68.92)
	меҳнатга лаёқатли аҳоли учун –7040,33 қирғиз сўми (\$77.40)
	пенсия ёшидаги аҳоли учун – 5 580,35 сўм (\$61.35)

Қуйидагилар истеъмол саватчаси таркибига таъсир кўрсатувчи омиллар ҳисобланади, шунинг учун ички истеъмол саватчасини ишлаб чиқишда уларни инобатга олиш зарур:

- демографик омиллар: оилалар катта-кичиклиги ва тузилиши, аҳолининг таркиби ва жинс-ёш тузилмаси ва бошқалар;
- ижтимоий-иқтисодий омиллар: оилаларда озиқ-овқат маҳсулотлари, ноозиқ-овқат товарлар ва хизматларнинг ҳақиқатда истеъмол қилиниши; барча гуруҳдаги аҳолининг эҳтиёжлари, уларнинг даромади даражаси ва б.;
- инсон саломатлигини сақлаш ва ҳаётини фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган энг кам истеъмол ҳажмлари ҳамда товарлар ва хизматлар рўйхати бўйича илмий тавсиялар;
- аҳолининг ижтимоий ҳимояланишини таъминлашга доир давлатнинг

⁷³ [1] Қозоғистон Республикасининг 2021 йилдаги «2021–2023 йиллар учун республика бюджети тўғрисидаги» 379-VI -сонли қонуни.

[2] Россия Федерацияси Ҳукуматининг 30.06.2021 йилдаги «2022 йил учун Россия Федерацияси бўйича аҳоли жон бошига ва аҳолининг асосий ижтимоий-демографик гуруҳлари бўйича тирикчилик учун зарур энг кам миқдорни белгилаш тўғрисида»ги 1070-сон қарори.

[3] Беларусь Республикаси Меҳнат ва ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2022 йил 21 январдаги 4-сон қарори.

[4] Қирғизистон Республикасининг Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра.

молиявий имкониятлари;

– товарлар ва хизматларнинг реал бозор нархлари;

– бошқа мамлакатларнинг тажрибаси ва бошқалар.

Истеъмол минимуми – инсон организмининг нормал ишлашини таъминлаш ва унинг соғлиғини, озиқ-овқат маҳсулотлари тўпламини, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотларининг энг кам миқдорини ва инсоннинг асосий ижтимоий ва маданий эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган минимал хизматлар тўпламини таъминлаш учун етарли бўлган қиймат ҳисобланади.

Истеъмол минимуми ҳажми икки элементдан иборат – физиологик ва ижтимоий. Физиологик минимум – инсон яшаши учун зарур бўлган моддий қадриятлар қиймати ифодасидир. Дунё амалиётида физиологик минимум умумий истеъмол минимумнинг ўртача 85-87 фоизини ташкил этади, қолганлари ижтимоий қисмига – яъни, минимал даражада мақбул турмуш тарзига мувофиқ маънавий қадриятлар тўпламига тўғри келади.

Жаҳон амалиётида мамлакатда турмуш даражасини (истеъмол минимумини) белгилаш учун бир нечта вариант ишлаб чиқилган.

– статистик усул, муайян мамлакатнинг энг бадавлат фуқароларининг даромадлари даражасида истеъмол минимумини белгилашни назарда тутди. Бу усул даромад даражаси жуда юқори бўлган давлатларда қўлланилиши мумкин.

– субъектив ёки ижтимоий ёндашув, аҳоли ўртасида минимал даромадлар юзасидан ўтказилган ижтимоий сўровномалар натижаларига асосланади. бундай усул кўпроқ консультатив (маслаҳатлашиб ҳал этилади) тарзда кўринишда бўлади, чунки унинг натижалари давлатнинг реал иқтисодий имкониятларига мос келмаслиги мумкин, лекин у одамларнинг ҳақиқий эҳтиёжларини ифодалайди.

– ресурс услуги, иқтисодиётнинг истеъмол минимумини таъминлаб бериш имкониятига асосланган бўлиб, бундай услуб кўпроқ ривожланган мамлакатларда қўлланилади.

– кўшма (аралаш) услуб, бир неча усулни ўзига бирлаштиради, яъни, озиқ-овқат қиймати – меъёрларда, уй-жой коммунал хизматлар – фактларда ва ноозиқ-овқат маҳсулотлар – умумий харажатларнинг улуши бўйича аниқланади.

Амалда, минимал истеъмол саватчаси сифатида кунлик минимал қийматини белгилашдан иборат меъёрий усул қўлланилади. Ҳар бир давлат энг кам истеъмол саватини яратишнинг ўзига хос хусусиятларига эга.

Мисол учун, Болгарияда бундай саватчаларнинг олтитаси таклиф қилинган бўлиб, бу уларнинг хусусиятларига кўра, оилаларнинг таркиби бўйича бир қатор бирикмаларни беради. Саватнинг озиқ-овқат қисми ишлайдиганлар, нафақадагилар ва болалар учун градацияни ўз ичига олиб, кўшимча равишда 149 та озиқ-овқат маҳсулоти бор.

Турли мамлакатларда, масалан, Литва, Беларусь ва Эстониядаги каби ижтимоий ёки масалан, Россия ёки Қозоғистондаги каби физиологик истеъмол минимумлари қўлланилади.

Литвада истеъмол минимуми оиланинг 4 нафар аъзосининг эҳтиёжлари асосида аниқланади. Яъни, 14 ёш атрофидаги ўғил, 6-8 ёшлардаги қиз ва ота-она. Бошқа оилалар учун махсус коэффициентлар қўлланади. Товарларнинг озиқ-овқат улуши 50 дан ортиқ товарни ўз ичига олади ва истеъмол минимуми бюджетининг 45-50 фоизини ташкил этади.

Истеъмол минимумини шакллантиришнинг яна бир усули мавжуд бўлиб, у нисбий усул деб аталади. Нисбий усул ёки ўртача даромадни ҳисоблаш усули асосан ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда қўлланилади. Ўртача даромад деганда, аҳолининг ярми белгиланган устундан юқори ва ярми камроқ даромадга эга бўлиши тушунилади. Худди шундай АҚШ, Буюк Британия, Германияда истеъмол минимуми миқдори ўртача даромаднинг 40 фоизини, Финляндия, Италия, Греция, Испанияда – 50 фоизни, Португалия ва Ирландияда – 60 фоизни ташкил этади.

Истеъмол минимуми ҳажмини ҳисоблашда қуйидаги омиллар ҳисобга олинади:

- иқтисодий, жумладан, иқтисодий ривожланиш талаблари: бозор иқтисодиётининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини шакллантириш, ташки иқтисодий фаолиятни шакллантириш, меҳнат муносабатларини демократлаштириш, бюджет даромадларини тўлдириш бўйича чора-тадбирлар;
- ҳуқуқий: меҳнат қилиш ҳуқуқи, шахснинг мустақил равишда ҳаёт кечириш учун ишга лаёқатлилиги тушуниладиган «иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро пактга мувофиқ, ҳамма эътироф этган инсон ҳуқуқларига риоя қилиш;
- ижтимоий: маошнинг умумий даражаси, иш ҳақи ва маҳсулдорлик ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрнатиш, иш ҳақи ва меҳнат нафақалари минимал давлат кафолатларини ошириш орқали истеъмол минимум даражасига босқичма-босқич эришиш.
- давлат ижтимоий стандарти сифатида истеъмол минимум миқдори:
- мамлакатда ижтимоий сиёсатни амалга ошириш ва муайян давлат ижтимоий дастурларини ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланадиган, турмуш даражасини умумий баҳолашда;
- энг кам ойлик иш ҳақи ва энг кам нафақа миқдорини белгилашда, ижтимоий ёрдам миқдори, болали оилалар учун нафақа, ишсизлик нафақалари, шунингдек, давлатнинг қонуний талаблари асосида стипендия ва бошқа ижтимоий нафақалар белгилашда;
- ижтимоий ёрдам тайинлаш ҳуқуқини белгилашда;
- давлат ижтимоий кафолати ва хизмат кўрсатиш стандартлари, соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий хизматлар ва бошқа соҳаларда кўрсатмаларда;
- фуқароларнинг солиққа тортилмайдиган кам даромадлари миқдорини белгилашда;
- мамлакатнинг давлат бюджетини ва маҳаллий бюджетларни шакллантиришда қўлланилади.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси Ўзбекистондаги истеъмол саватини ҳисоблаб чикди. Унинг тахминига кўра,

истеъмол савати миқдори тахминан 2157000 сўмни ташкил этади (1-илова).

Ҳисоб-китоб 2020 йил декабрь ойида статистик маълумотлар, жаҳон тажрибаси ва аҳолини ижтимоий сўров усули билан ўтказилган синов тадқиқотлари натижаларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилган.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол саватига нон маҳсулотлари, дон ва дуккакли маҳсулотлар, гўшт маҳсулотлари, сабзавотлар, полиз маҳсулотлари, мевалар (шу жумладан цитрус мевалар ва резаворлар), сут маҳсулотлари, шунингдек ноозиқ-овқат маҳсулотлар ва хизматлар киради. Ноозиқ-овқат маҳсулотларга дори-дармон, косметика ва уй-рўзғор буюмлари, коммунал хизматлар, транспорт харажатлари ва кўшимча ўқув курслари учун тўловлар киради.

Қоида тариқасида, истеъмол савати аҳолининг учта ижтимоий-демографик гуруҳлари – меҳнатга лаёқатли аҳоли, нафақахўрлар ва болалар учун ишлаб чиқилган. Федерация томонидан ишлаб чиқилган товарлар рўйхати меҳнатга лаёқатли аҳолининг ойлик истеъмоли асосида ҳисобланади.

Федерация ой давомида меҳнатга лаёқатли ўртача резидент томонидан истеъмол қилинадиган товарлар ва хизматлар рўйхатини тақдим этди.

Минимал истеъмол харажатлари инсоннинг озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларга, шунингдек хизматларга бўлган кундалик эҳтиёжларини ҳисобга олади. Ушбу усул инсоннинг кундалик бюджетини ҳисоблаш учун зарур бўлган асосий харажатларни аниқлашни ўз ичига олади. Давлат статистика қўмитаси ҳар йили 10 минг хонадонни таҳлил қилиб, ушбу кузатишлар асосида сўровномалар ўтказилиб, уларнинг натижалари асосида аҳолининг реал истеъмол харажатлари ва истеъмол қилинадиган товарлар ҳажми аниқланади.

Иқтисодий тараққиёт ва кайбағалликни қисқартириш вазирлигида уларни ҳисоблаш қуйидаги тарзда амалга оширилади (ҳар бир кўрсаткич бир киши учун ҳисобланади):

уй хўжаликлари томонидан истеъмол қилинадиган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлар ва хизматлари мамлакат даражасида ўртача нархларга

айлантирилади, сўнгра уларнинг дастлабки учта децилга (углеводород кўрсаткичлари) ажратилади;

хар бир хонадонда истеъмол қилинадиган килокалория учун харажатлар аниқланади;

бир килокалория нархи 2100 га кўпайтирилади ва озиқ-овқат учун зарур бўлган минимал нарх (озиқ-овқат қашшоқлиги чегараси) ҳисобланади;

дастлабки учта децил гуруҳи учун куйи ва юқори чегаралар белгиланади (пастки чегара – бу умумий харажатлари озиқ-овқат қашшоқлиги чегарасидан паст бўлган уй хўжаликлари ва юқори чегарага фақат озиқ-овқат харажатлари озиқ-овқат қашшоқлиги чегарасидан паст бўлган уй хўжаликлари киради);

хар бир хонадоннинг умумий озиқ-овқат харажатларидаги улуши ҳисобланади (Энгел коэффиценти);

куйи ва юқори чегараларнинг Энгел коэффицентларининг ўртача қиймати орқали асосий истеъмол харажатлари ҳисобланади.

Муқобил восита камбағаллик даражасини медиан даромад (аҳолининг ярми юқори ва ярми кам даромадга эга бўлган нисбий қиймат) асосида аниқлашдир. Ушбу усул Россияда 2021 йилдан бери қўлланилмоқда, бу ерда яшаш минимуми ўтган йил учун ўртача даромаднинг 44,2 фоизини ташкил этган.

Давлат бюджети даромадлар қисмининг асосий манбаи солиқлар ҳисобланади. Солиқ иқтисодий категория сифатида соф даромаднинг бир қисмини бюджетга жалб қилиш шакли бўлиб, молиявий муносабатларнинг таркибий қисмини ташкил қилади. Солиқ – бу давлатнинг ўз вазифаларини амалга ошириши учун зарур бўлган молиявий маблағларни шакллантириш мақсадида жисмоний ва юридик шахслардан бюджетга мажбурий тўловлар ундириш шакли.

Солиқ ёрдамида миллий даромаднинг тегишли қисми тақсимланади ва қайта тақсимланади.

Давлат томонидан олинадиган солиқлар ҳамда уларнинг ташкил

қилиниш шакл ва усуллари биргаликда солиқ тизимини ташкил қилади.

Солиқларни пасайтириш иқтисодий юксалиш ва давлат даромадларининг ўсишига олиб келишини биринчи бўлиб америкалик иқтисодчи А.Лаффер асослади. А.Лаффернинг мулоҳазаларига кўра, корпорациялар даромадига солиқлар ставкасини ҳаддан ташқари ошириш уларнинг капитал қўйилmalarига бўлган рағбатини сусайтиради, фан-техника тараққиётини тўхтатади, иқтисодий ўсишни секинлаштиради ва булар охир-оқибатда, давлат бюджети тушумларига салбий таъсир кўрсатади.

Аҳоли турмуш даражаси кўпинча киши бошига тўғри келадиган даромадга қараб белгиланади. Лекин фақат моддиятга асосланган бу қараш ҳаёт сифатини тўла ифодамайди. Зеро, аксарият одамлар умр мазмунини бой бўлишда эмас, соғлом ва бахтли ҳаёт кечириш, тинч-хотиржам яшашда деб билади.

Шу боис, кейинги пайтларда ҳаёт сифатини аниқлашда аҳолининг таълим олиши, меҳнат қилиши, тиббий хизматдан фойдаланиши, мазмунли ҳордиқ чиқариши учун яратилган шароитлар, мамлакатдаги тинчлик ва осойишталик, одамларнинг эртанги кунга ишончи каби кўплаб жиҳатлар эътиборга олинмоқда.

Мамлакатимиз ривожини, халқимиз турмуш даражасини ва ҳаёт сифатини мазкур мезонларга тўла мос келди. Бу нуфузли халқаро ташкилотлар, етакчи экспертлар томонидан алоҳида эътироф этилмоқда.

2.3-§. Ўзбекистон аҳолиси даромадлари ва турмуш даражасининг кўп омилли эконометрик таҳлили.

Инсонлар ҳаёт фаолияти учун зарур неъматлар тўплами меҳнат шароити, таълим, соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат ва уй-жой сифати каби хилма-хил эҳтиёжларни ўз ичига олади. Кишилар эҳтиёжларини қондириш даражасини жамият аъзоларининг алоҳида олган ва оилавий даромадлари даражасига боғлиқ. Турмуш даражасини мамлакат даражасида (бутун аҳоли учун) ва табақалашган микродаражада (аҳолининг алоҳида гуруҳи учун)

караб чиқиш мумкин. Биринчи ёндашув турли мамлакатларда аҳолининг турмуш даражасини аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи бўйича аниқлаб, қиёсий таҳлил қилиш имконини беради.

Аҳоли гуруҳлари бўйича даромадлар тақсимланиши динамикасини таққослаш истеъмолчи бюджети асосида амалга оширилади. Истеъмолчи бюджетларининг бир қатор турлари мавжуд бўлади: ўртача оила бюджети, юқори даражада таъминланган бюджет, минимал даражада моддий таъминланганлар бюджети, нафақахўрлар ва аҳоли бошқа ижтимоий гуруҳлари бюджети шулар жумласидандир.

Фаровонликнинг энг қуйи чегарасини оила даромадининг шундай чегараси билан белгилаш мумкинки, даромаднинг бундан паст даражасида ишчи кучини такрор ҳосил қилишни таъминлаб бўлмайди. Бу даража моддий таъминланганлик минимуми ёки кун кечириш даражаси (қашшоқликнинг бошланиши) сифатида чиқади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ўртача даромад «ўрта синф» деб аталадиган табақалар даромадлари бўйича аниқланади. Бундай гуруҳ истеъмол савати тўпламига уй, автомашина, дала ҳовли, замонавий уй жиҳозлари, сайр қилиш ва болаларини ўқитиш имконияти, қимматли қоғозлар ва зебу зийнат буюмлари киради.

Бозор иқтисодиёти аҳолининг юқори таъминланган ёки «бой» қатламининг мавжуд бўлишини тақозо қилиб, уларга аҳолининг юқори сифатли товар ва хизматлар харид қилишга лаёқатли бўлган жуда оз миқдори киради.

Турмуш даражаси кишиларнинг турмуш тарзи билан узвий боғлиқ. Турмуш тарзи – бу кишилар (жамият, ижтимоий қатлам, шахс)нинг миллий ва жаҳон ҳамжамиятидаги ҳаёт фаолияти тури ҳамда усулларини акс эттирувчи ижтимоий-иқтисодий категория. Турмуш тарзи инсон ҳаёт фаолиятининг турли жиҳатларини қамраб олади, яъни:

- меҳнат, уни ташкил этишнинг ижтимоий шакллари;
- турмуш ва бўш вақтдан фойдаланиш шакллари;

- сийсий ва ижтимоий ҳаётда иштирок этиш;
- моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондириш шакллари;
- кишиларнинг кундалик ҳаётдаги хулқ-атвори меъёрлари ва қоидалари.

Дунёдаги барча мамлакатлар аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромадлар даражаси билан бир-биридан кескин фарқланади. Бу турли мамлакатлар аҳолисининг даромадлари даражаси ўртасида тенгсизлик мавжудлигини билдиради. Шу билан бирга алоҳида олинган мамлакатлар аҳолисининг турли қатлам ва гуруҳлари ўртача даромадлари даражасида ҳам фарқ мавжуд бўлади. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши даражаси ҳам даромадларидаги фарқларни бартараф қилмайди. Шу сабабли иқтисодий тенгсизликни камайтирувчи механизмни татбиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистонда аҳоли даромадлари шаклланиши ва унга таъсир этувчи омилларни Пирсон корреляцион коэффиценти орқали таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун йиллар давомидаги қуйидаги кўрсаткичларни жамлашимиз лозим:

- аҳоли жон бошига реал даромадларнинг ўсиши;
- Аҳоли жон бошига даромадлар (ўзгармас нархларда);
- Истеъмол;
- Таълим индекси;
- Иқтисодиётдаги бандлик (млн.да);
- Капитал фонди;
- Капитални меҳнатга нисбатан даражаси;
- Реал ЯИМ;
- Меҳнат сифати;
- Инсон тараққиёти индекси;
- Меҳнат самарадорлиги;
- Умумий омил унумдорлиги.⁷⁴

1- ⁷⁴ Consumption cn - Иқтисодиётда уй хўжалиқларининг истеъмоли 2017 ўзгармас нархларда. Манба: Penn World Table 10.0 (<https://www.rug.nl/ggdc/productivity/pwt/?lang=en>).

2- Capital stock rna – Иқтисодиётдаги капитал хажми. Манба: Penn World Table 10.0 (<https://www.rug.nl/ggdc/productivity/pwt/?lang=en>).

Келтирилган ҳар бир кўрсаткич турли иқтисодий ташкилотлар, Жаҳон банки, Инсон ривожланиш индекси, Умумий Иқтисодий датабаза, UNDP томонидан алоҳида давлатлар бўйича кўриб чиқилган бўлиб, уларни бир жадвалга келтириб, ўзгарувчилар ўзаро боғлиқлигининг корреляцион коэффициентларини, яъни 2019 йил учун аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромаднинг таълимга боғлиқлиги корреляциясини ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромаднинг фонд билан таъминланганликка боғлиқлик корреляцияси матрица шаклида кўрсатиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Келтирилган кўрсаткичларни Пирсон методи орқали таҳлил қилиш самарали бўлиши ва келгусидаги ноаниқликларнинг олдини олишга ёрдам бериши мумкин деб ҳисобланди.

Аҳолининг турмуш даражаси кўп қамровли ва кенг тавсифли тушунча бўлганлиги сабабли, амалда турмуш даража аҳоли жон бошига реал даромадлар ёки жон бошига истеъмол даражаси кўринишида ифодаланади. Аҳоли жон бошига реал даромадлар ёки истеъмолнинг ўсиши эса айни пайтда бир қатор омилларга, авваламбор, ишчи кучи унумдорлигининг ўзгаришига ва унга таъсир этувчи бир қатор омилларга боғлиқ. Ишчи кучининг таълим даражаси ва унинг умумий ривожланиши, иқтисодиётда мавжуд капитал ҳажми ва унинг ҳар бир ишчига тўғри келадиган миқдори ва бошқа омилларнинг ишлаб чиқаришдаги унумдорлиги каби омиллари ва

3- Capital labor ratio $gnna$ - ҳар бир ишчига тўғри келадиган капитал миқдори. Манба: Penn World Table 10.0 (<https://www.rug.nl/ggdc/productivity/pwt/?lang=en>).

4- RGDPna – ЯИМ реал ҳажми. Манба: Манба: Penn World Table 10.0 (<https://www.rug.nl/ggdc/productivity/pwt/?lang=en>).

5- Labor productivity – Ишчи кучи унумдорлиги (реал ЯИМнинг аҳоли сонига нисбати). Манба: муаллиф томонидан ҳисобланган

6- TFP growth – Умумий омил унумдорлиги. Манба: Total Economy database (<https://www.conference-board.org/data/economydatabase/total-economy-database-productivity>)

7- Labor quality – Ишчи кучи сифати кўрсаткичи. Манба: Total Economy database (<https://www.conference-board.org/data/economydatabase/total-economy-database-productivity>)

8- HDI index- Human development index (Инсон ривожланиши индекси). Манба: UNDP (https://globaldatalab.org/shdi/shdi/UZB/?levels=1%2B4&interpolation=1&extrapolation=0&nearest_real=0)

9- Education Index – Таълим даражаси индекси. Манба: UNDP (https://globaldatalab.org/shdi/shdi/UZB/?levels=1%2B4&interpolation=1&extrapolation=0&nearest_real=0)

10- Манба: Статистика қўмитаси очик маълумотлар базаси (www.stat.uz)

2000-2019 йиллар оралиғида уларнинг ўзгариш тенденциялари берилган
(3.1.1-жадвал).

Аҳоли даромадлари ва унга таъсир этувчи омиллар⁷⁵


3.1.1. жадвал

Йиллар	Аҳоли жон бошига реал даромад ўсиши	Аҳоли жон бошига даромадлар (ўзгармас нархларда)	Истеъмол	Таълим индекси	Иқтисодиётдаги бандлик (млн.да)	Капитал фонди	Капитални меҳнатга нисбаги даражаси	Реал ЯИМ	Меҳнат сифати	Инсон таъққийғи индекси	Меҳнат самардорлиги	Умумий омил унумдорлиги
2000	124,7	783,2	44093,9	0,601	8,9	247920,9	27901,6	113985,8	109,0	0,599	12828,2	2,24
2001	117,6	921,0	47327,0	0,612	9,0	262549,7	29039,7	119115,1	109,6	0,606	13174,9	1,49
2002	111,6	1027,9	48817,9	0,627	9,2	276881,5	29976,1	124118,0	110,3	0,614	13437,4	1,63
2003	111,9	1150,2	48684,7	0,633	9,5	291421,4	30677,9	129363,8	110,9	0,619	13618,1	1,66
2004	115,5	1328,5	52167,6	0,640	9,8	306311,0	31133,0	139008,2	111,5	0,626	14128,6	4,12
2005	117,4	1559,6	55320,5	0,646	10,2	322038,0	31717,6	148688,2	112,0	0,633	14644,3	3,86
2006	121,0	1887,1	60403,0	0,647	10,5	339186,4	32412,8	159752,7	112,5	0,637	15266,0	4,08
2007	121,1	2285,3	64936,0	0,656	10,8	362127,0	33576,3	174894,0	112,9	0,649	16216,1	5,61
2008	124,6	2847,5	65899,8	0,657	11,1	393991,8	35337,9	190634,4	113,3	0,653	17098,4	4,08
2009	123,0	3502,4	68726,1	0,667	11,5	435503,9	37814,9	206075,8	113,7	0,660	17893,6	2,96
2010	120,1	4206,4	68336,2	0,673	11,9	480170,2	40351,1	223592,3	114,1	0,669	18789,6	2,48
2011	119,9	5043,5	77682,6	0,680	12,3	524143,5	42687,3	240998,5	114,5	0,676	19627,4	3,09
2012	113,3	5714,3	84650,7	0,692	12,7	572742,4	45175,5	258773,7	114,9	0,685	20411,0	2,57
2013	113,9	6508,6	93315,4	0,699	13,1	627086,4	47947,0	278400,6	115,3	0,692	21286,5	2,71
2014	107,1	6970,7	103194,6	0,702	13,5	686608,5	50929,1	298388,1	115,6	0,697	22132,9	2,29
2015	104,3	7270,4	114995,6	0,705	13,8	751525,8	54332,8	320611,1	115,9	0,701	23179,1	2,74
2016	108,5	7888,4	125493,2	0,708	14,2	817318,6	57612,4	340149,8	116,2	0,705	23977,0	1,70


⁷⁵Ўзбекистон учун муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган

2017	107,2	8456,4	130131,8	0,723	14,5	899096,4	61899,0	355325,6	116,5	0,713	24462,7	-0,46
2018	107,1	9056,8	137675,9	0,727	14,4	1011318,1	70438,6	374678,3	116,8	0,717	26096,5	0,72
2019	105,0	9509,6	146892,7	0,729	14,6	1168222,6	79881,0	395524,3	117,1	0,721	27045,3	-2,36

3.1.1-чизма



3.1.2-чизма



Келтириб ўтилган омилларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш мақсадида корреляцион таҳлилдан фойдаланилди, аммо умумий омил унумдорлиги кўрсаткичидан бошқа барча омилларда уларга таъсир этувчи умумий тенденциялар ва ностационарлик кузатилганлиги туфайли таҳлилдан аввал уларнинг биринчи фарқи ҳисоблаб чиқилди. Уларнинг корреляцион коэффицентлари Пирсон (Pearson) методи ёрдамида таҳлил қилинди. Таҳлил натижалари (3.1.2-жадвал) кутилган натижалар билан бирга, айрим кутилмаган натижаларни кўрсатмоқда. Масалан, аҳоли даромадлари ўзгаришининг ЯИМ реал ҳажми ва ишчи кучи унумдорлиги ўзгаришлари билан ўзаро боғлиқлиги кучли бўлса, унинг иқтисодиётдаги умумий ва ҳар бир ишчига тўғри келадиган капитал ҳажми билан боғлиқлиги ўртача. Лекин унинг аҳоли таълим даражаси индекси ва умумий омил унумдорлиги кўрсаткичлари билан корреляцион коэффицентлари манфий кўрсаткичга эга. Аммо бу омилларни бошқа омиллар назорат қилинган ҳолда қисман корреляцион таҳлил қилганимизда уларнинг коэффицентлари мусбат натижа бермоқда.

3.1.2-жадвал.

Ўзгарувчилар ўзаро боғлиқлигининг корреляцион коэффициентлари⁷⁶ (Pearson's correlation coefficients)

		DIFF (Aholijonbosh igadaromadla r2019narxlard a,1)	DIFF (Consumptio ncn,1)	DIFF (EducationInd ex,1)	DIFF (RDGPna,1)	DIFF (LaborQualityi ndex,1)	DIFF (HDlindex,1)	DIFF (Laborproduct ivity,1)	DIFF (TFPgrowth,1)	DIFF (Capitallaborr atiornna,1)	TFP growth	DIFF (Cunsumperc apita,1)	DIFF (Capitalstockr nna,1)
DIFF (Aholijonboshigadaromadlar2019narxlarda,1)	Pearson Correlation Sig. (2-tailed) N	1 .354 19	.354 .136 19	-.089 .718 19	.735** .000 19	-.734** .000 19	.076 .758 19	.588** .008 19	-.220 .366 19	.372 .117 19	-.052 .832 19	.122 .618 19	.414 .078 19
DIFF(Consumptioncn,1)	Pearson Correlation Sig. (2-tailed) N	.354 .136 19	1 .177 19	-.323 .177 19	.718** .001 19	-.652** .002 19	-.351 .141 19	.514* .024 19	-.022 .928 19	.492 .032 19	-.227 .351 19	.119 .629 19	.569* .011 19
DIFF(EducationIndex,1)	Pearson Correlation Sig. (2-tailed) N	-.089 .718 19	-.323 .177 19	1 .075 19	-.417 .075 19	.333 .163 19	.715** .001 19	-.456* .050 19	.010 .968 19	-.249 .304 19	-.102 .679 19	-.196 .421 19	-.263 .277 19
DIFF(RDGPna,1)	Pearson Correlation Sig. (2-tailed) N	.735** .000 19	.718** .001 19	-.417 .075 19	1 .000 19	-.938** .000 19	-.210 .387 19	.808** .000 19	-.207 .396 19	.629** .004 19	-.172 .482 19	-.002 .992 19	.703** .001 19
DIFF(LaborQualityindex,1)	Pearson Correlation Sig. (2-tailed) N	-.734** .000 19	-.652** .002 19	.333 .163 19	-.938** .000 19	1 .301 19	.251 .301 19	-.748** .000 19	.339 .156 19	-.725** .000 19	.337 .158 19	.005 .984 19	-.796** .000 19
DIFF(HDIindex,1)	Pearson Correlation Sig. (2-tailed) N	.076 .758 19	-.351 .141 19	.715** .001 19	-.210 .387 19	.251 .301 19	1 .394 19	-.208 .394 19	.252 .297 19	-.377 .112 19	.338 .157 19	-.152 .534 19	-.373 .116 19
DIFF(Laborproductivity,1)	Pearson Correlation Sig. (2-tailed) N	.588** .008 19	.514* .024 19	-.456* .050 19	.808** .000 19	-.748** .000 19	-.208 .394 19	1 .692 19	.097 .692 19	.669** .002 19	-.039 .874 19	.033 .892 19	.619** .005 19
DIFF(TFPgrowth,1)	Pearson Correlation Sig. (2-tailed) N	-.220 .366 19	-.022 .928 19	.010 .968 19	-.207 .396 19	.339 .156 19	.252 .297 19	.097 .692 19	1 .638** 19	-.401 .089 19	.638** .003 19	.149 .542 19	-.478** .038 19
DIFF(Capitallaborratiornna,1)	Pearson Correlation Sig. (2-tailed) N	.372 .117 19	.492* .032 19	-.249 .304 19	.629** .004 19	-.725** .000 19	-.377 .112 19	.669** .002 19	-.401 .089 19	1 .000 19	-.746** .000 19	-.006 .982 19	.978** .000 19
TFP growth	Pearson Correlation Sig. (2-tailed) N	-.052 .832 19	-.227 .351 19	-.102 .679 19	-.172 .482 19	.337 .158 19	.338 .157 19	-.039 .874 19	.638** .003 19	-.746** .000 19	1 .000 20	.048 .847 19	-.756** .000 19
DIFF(Cunsumpercapi,1)	Pearson Correlation Sig. (2-tailed) N	.122 .618 19	.119 .629 19	-.196 .421 19	-.002 .992 19	.005 .984 19	-.152 .534 19	.033 .892 19	.149 .542 19	-.006 .982 19	.048 .847 19	1 .952 19	-.015 .952 19
DIFF(Capitalstockrnna,1)	Pearson Correlation Sig. (2-tailed) N	.414 .078 19	.569* .011 19	-.263 .277 19	.703** .001 19	-.796** .000 19	-.373 .116 19	.619** .005 19	-.478* .038 19	.978** .000 19	-.756** .000 19	-.015 .952 19	1 .952 19

** Correlation is significant at the 0.01 level (2-tailed).

* Correlation is significant at the 0.05 level (2-tailed).

⁷⁶ Ўзбекистон учун муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган

Correlations

Control Variables			DIFF (Aholijonbosh igadaromadlar 2019narxlar a,1)	DIFF (EducationInd ex,1)
TFP growth & DIFF (Capitallaborratiornna,1)	DIFF (Aholijonboshigadaroma dlar2019narxlar a,1)	Correlation	1.000	.200
		Significance (2-tailed)	.	.441
		df	0	15
	DIFF(EducationIndex,1)	Correlation	.200	1.000
		Significance (2-tailed)	.441	.
		df	15	0

Correlations

Control Variables			DIFF (Aholijonbosh igadaromadlar 2019narxlar a,1)	TFP growth
DIFF (Capitallaborratiornna,1)	DIFF (Aholijonboshigadaroma dlar2019narxlar a,1)	Correlation	1.000	.365
		Significance (2-tailed)	.	.137
		df	0	16
	TFP growth	Correlation	.365	1.000
		Significance (2-tailed)	.137	.
		df	16	0

Аҳоли даромадларига таъсир этувчи омилларнинг таъсир даражасини ўрганиш ва унинг келажак прогнозларини аниқлаш мақсадида ARIMA (Autoregressive Integrated Moving Average) моделидан фойдаландик. Моделимизда, аҳоли даромадларини қарам (мустақил бўлмаган) ўзгарувчи сифатида ва унга таъсир этувчи учта омил – ҳар бир ишчига тўғри келадиган капитал миқдори, таълим даражаси (индекси) ва умумий омил унумдорлик омилларини танлаб олдик. Бунда омилларнинг модел билан мослиги кўрсаткичларидан ҳам фойдаландик, яъни R-квадрат ва стационар R-квадрат кўрсаткичларининг энг катта кўрсаткичи ва нормаллашган BIC кўрсаткичининг минимал кўрсаткичларига асосланган ҳолда танланди.

Model Statistics

Model	Number of Predictors	Model Fit statistics			Ljung-Box Q(18)			Number of Outliers
		Stationary R-squared	R-squared	Normalized BIC	Statistics	DF	Sig.	
Aholijon boshiga daromadlar (2019 narxlar)-Model_1	3	.613	.998	10.761	13.830	17	.679	0

Моделимизнинг R-квadrat ва унинг ностационарликдан холи кўрсаткичлари мос равишда 0.998 ва 0.613 ташкил этапти ва танланган омилларнинг қарам ўзгарувчининг ўзгаришларидаги катта аҳамиятини кўрсатмоқда. Қуйидаги жадвалдан кўришимиз мумкинки, олинган уч омилнинг иккитасида Р-кўрсаткич коэффициентлар аниқлигини кўрсатиб бермоқда.

ARIMA Model Parameters


				Estimate	SE	t	Sig.
Aholi jon boshiga daromadlar (2019 narxlarida)-Model_1	Aholi jon boshiga daromadlar (2019 narxlarida)	No Transformation	Difference	1			
			MA Lag 1	-.985	2.264	-.435	.670
	Capital labor ratio rna	No Transformation	Numerator Lag 0	.084	.018	4.533	.000
			Difference	1			
	TFP growth	No Transformation	Numerator Lag 0	75.228	20.973	3.587	.003
	Education Index	No Transformation	Numerator Lag 0	2744.407	4104.596	.669	.514
			Difference	1			

Моделимизда фақатгина таълим даражаси коэффициенти аниқ эмаслиги эҳтимоли катта. Бу эса таълим даражаси (индекси)нинг аҳоли даромадларига таъсири статистик рақамларда ҳали аниқ акс этмаётганидан далолат бериши мумкин. Моделимиз ҳар бир ишчига тўғри келадиган капитал миқдори ва умумий омил унумдорлик каби омилларининг аҳоли даромадларининг ўзгаришида ижобий таъсир кўрсатишини кўрсатмоқда.

Forecast

Model		2020	2021	2022	2023	2024	2025	2026	2027	2028	2029	2030
Aholi jon boshiga daromadlar (2019 narxlarida)-Model_1	Forecast	10,059.7	10,633.4	11,230.3	11,851.6	12,498.8	13,173.4	13,876.8	14,610.8	15,377.0	16,177.3	17,013.6
	UCL	10,389.0	11,355.0	12,196.7	13,012.6	13,826.4	14,649.0	15,487.0	16,345.3	17,227.5	18,137.1	19,076.9
	LCL	9,730.5	9,911.8	10,263.9	10,690.6	11,171.3	11,697.8	12,266.6	12,876.2	13,526.4	14,217.5	14,950.3

For each model, forecasts start after the last non-missing in the range of the requested estimation period, and end at the last period for which non-missing values of all the predictors are available or at the end date of the requested forecast period, whichever is earlier.



Олинган натижалар асосида аҳоли даромадлари даражасининг 2030 йилгача ўзгаришини прогноз қилиб кўрдик. Бунда, уч омил – ҳар бир ишчига тўғри келадиган капитал миқдори, таълим даражаси (индекси) ва умумий омил унумдорлиги – омилларининг прогноз қилинаётган даврда йиллик ўзгариши уларнинг кўриб чиқилган 20 йиллик даврдаги ўртача йиллик ўсишига, яъни мос равишда 5,7, 1 ва 2 фоизга тенг деб қабул қилдик. ARIMA модели прогноз натижаларининг кўрсатишича, аҳоли даромадлари 2019 йилги 9,5 млн. сўмдан 2030 йилда солиштирма (2019 йилги) нархларда 17 млн. сўмдан ошиши мумкин. Бунда 95% ишончлилиқ даражасининг минимал ва максимал чегаралари (LCL ва UCL) мос равишда 14,95 млн. сўм ва 19,08 млн. сўмни ташкил этмоқда⁷⁷.

Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатда амал қилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш амалиётини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этиш илмий-амалий аҳамиятга эгадир. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш мамлакатда амал қилаётган ва ижтимоий дастурларга таъсир этувчи қуйидаги омилларнинг ўзгаришини баҳолаш имкониятини беради:

⁷⁷ Муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган

– аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастури қамраб олган аҳолининг ижтимоий гуруҳлари ва уларнинг оила аъзолари даромадларининг ортиши (ёки харажатларнинг қисқариши);

– ижтимоий ҳимоя дастурларининг амалга оширилиши жараёнида жамиятнинг манзилли ижтимоий ҳимоя дастурлари қамраб олмайдиган ижтимоий гуруҳларнинг даромадлари ва харажатларини ўзгариши;

– жамиятнинг айрим тоифадаги ижтимоий гуруҳларини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши оқибатида ижтимоий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги;

– актив ижтимоий ҳимоя дастурларининг амалга оширилиши жараёнида аҳолига муносиб меҳнат шароитларининг яратилиши ва аҳоли бандлигининг ортиши натижасида аҳоли даромадларини ортиши.

Таклиф этилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш амалиёти аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларининг ижтимоий натижаси ва уларнинг ижтимоий самарадорлиги тушунчаларига аниқлик киритиб ўтишни тақозо этади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларининг ижтимоий натижаси (outcomes) – бу аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастури қамраб олган аҳолининг ижтимоий гуруҳларининг турмуш фаровонлиги кўрсаткичининг ўзгаришини назарда тутати. Ушбу ўзгаришлар амалга оширилган ижтимоий ҳимоя дастурларининг бевосита таъсири натижасида вужудга келади.⁷⁸

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларининг ижтимоий самараси (impacts) – бу аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурлари қамраб олмайдиган аҳолининг ижтимоий гуруҳларининг турмуш фаровонлиги кўрсаткичининг ортиши билан тавсифланади. Бошқача айтганда, ижтимоий ҳимоя дастурларининг айрим аҳоли ижтимоий гуруҳларига билвосита таъсирини белгиловчи кўрсаткич ҳисобланади.⁷⁹

⁷⁸ Муаллиф томонидан тузилган.

⁷⁹ Муаллиф томонидан тузилган.

Бу турдаги баҳолашни амалга ошириш орқали мамлакатда амал қилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг иқтисодий механизми самарадорлигини аниқлаш имконияти вужудга келади. Ушбу ҳолат, ўз навбатида, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурининг иқтисодий самарадорлиги тушунчасига аниқлик киритишни талаб этади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларининг иқтисодий самарадорлиги тушунчаси моҳиятан ижтимоий ресурслардан фойдаланиш тежамлилиги ва ижтимоий дастурнинг самарадорлиги кўрсаткичларини умумлаштирган ҳолда ўзида мужассамлаштиради ва қуйидаги формула орқали ҳисобланади:⁸⁰

$$I_e = \frac{D_{kn}}{P_d}$$

Бу ерда:

I_e – аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурининг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичи

D_{kn} – аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурини амалга оширишдан кутилаётган натижа

P_d – амалга оширилган ижтимоий ҳимоя дастурининг қиймати

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурини амалга ошириш натижасида ижтимоий ресурслардан фойдаланиш тежамкорлиги кўрсаткичи – аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирни амалга оширилиши натижасида ишлатилган ижтимоий ресурсларнинг қийматини ушбу дастурни амалга оширилмаган ҳолатда истеъмол қилиниши кутилаётган ресурсларнинг ўртасидаги нисбат билан аниқланади. Бунда аҳоли турмуш фаровонлигидаги ўзгаришлар иккинчи даражали ҳисобланиб, ижтимоий дастурнинг қийматини белгилаши мумкин бўлади.⁸¹

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурининг самарадорлиги кўрсаткичи – бу аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурини амалга оширишда эришилиши кутилган натижа билан амалда эришилган натижа

⁸⁰ Муаллиф томонидан тузилган.

⁸¹ Муаллиф томонидан тузилган.

ўртасидаги нисбатни ифодалайди⁸². Ижтимоий ҳимоя дастурларининг илмий асосланмаган ҳолда ишлаб чиқиши ва амалиётга нотўғри татбиқ этилиши оқибатида ижтимоий ресурслар ишлатилган ҳолда жамият ҳаётида ижобий ўзгаришлар содир бўлмайди, яъни кутилган пировард натижага эришилмайди. Бундай дастурлар самарасиз ҳисобланиб, ноль қийматга эга бўлади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими фаолиятини баҳолашнинг жаҳон амалиётига кўра, ижтимоий ҳимоя дастурларининг самарадорлиги ва уларнинг қамрови даражасини баҳолаш мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсат ҳолатини таҳлил этиш, баҳолаш ва уни прогнозлаш имкониятини яратади.

Фикримизча, мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини комплекс баҳолаш амалиётини такомиллаштириш ва уни стандартларга мослаштириш мақсадида халқаро ташкилотлар экспертлари томонидан қўлланиладиган айрим турдаги услубларни амалиётда татбиқ этиш мақсадга мувофиқ. Шу мақсадда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларининг қамрови ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш имкониятини берувчи куйидаги кўрсаткичлар тизимини таклиф қиламиз (11-илова):⁸³

- аҳоли саломатлиги коэффиценти;
- аҳолини уй-жой билан таъминланганлик коэффиценти;
- аҳолининг реал ўсиш коэффиценти;

⁸² Муаллиф томонидан тузилган

⁸³ Babajanian, B.; Hagen-Zanker, J. 2012. Social protection and social exclusion: An analytical framework to assess the links, Background Note (London, Overseas Development Institute). Доступно по адресу: <http://www.odi.org.uk/publications/6889-social-protection-social--exclusion-design-analytical-framework>; Basso, G.; Dolls, M.; Eichhorst, W.; Leoni, T.; Peichl, A. 2012. «The effects of the recent economic crisis on social protection and labour market arrangements across socio-economic groups», in *Intereconomics*, Vol. 47, No. 4, pp. 217–223.; Behrendt, C. 2013. «Investing in people: Implementing the extension of social security through national social protection floors», in D. Kucera and I. Islam (eds): *Beyond macroeconomic stability: Structural transformation and inclusive development* (Basingstoke, Palgrave Macmillan), pp. 228–259.; Доклад о социальной защите в мире 2014/15: Обеспечение экономического восстановления, инклюзивного развития и социальной справедливости / Группа технической поддержки по вопросам достойного труда и Бюро МОТ для стран Восточной Европы и Центральной Азии. – Москва: МОТ, 2015. 436 р. маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

– аҳолининг касбий таълим хизматлари билан қамраб олинганлик коэффициенти;

– аҳоли пул даромадлари коэффициенти;

– аҳоли бандлиги коэффициенти;

– пенсионерларнинг турмуш фаровонлиги коэффициенти.

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар тизими мамлакатда амалга оширилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самарадорлиги ва уни қамровини баҳолашдаги хатоликларни бир мунча қисқаришига олиб келади. Шу билан бир қаторда, ушбу кўрсаткичлар тизими жамиятнинг ижтимоий қиёфасини қиёсий баҳолашда, ёки мамлакатнинг ижтимоий жиҳатдан ривожланганлик даражасини баҳолаш ва ижтимоий ривожланиш йўналишларини прогнозлаш бўйича аниқликка эришиш имконини беради.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларини самарадорлигини баҳолаш методологиясини такомиллаштириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

– мамлакатдаги миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолатда аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳтожлик чегарасини ҳар бир туман, шаҳар, вилоятлар бўйича ҳисоблаш ва белгилаш;

– ҳар бир туман, шаҳар ва вилоятлар кесимида яшаш минимуми қийматини ҳисоблаш ва белгилаш;

– аҳолининг ижтимоий хизматлардан фойдаланишини назорат қилиш ва уни статистик таҳлилин аналга ошириш мақсадида ижтимоий хизматлардан фойдаланганлик бўйича ягона онлайн тизимдаги дастурлашни амалга ошириш ва бунда замонавий информацион технологиялардан кенг фойдаланиш;

– фуқароларни уй-жойга бўлган талабларини ўрганиш ва уларнинг қай даражада уй-жой билан таъминланганлик ҳолатини баҳолаш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари паспортидаги маълумотларни

амалдаги ҳолат билан солиштириш ва аҳолининг уй-жойга бўлган талабини кондирилганлик даражасини баҳолаш;

– пенсионерларнинг пенсия тўловларининг харажат таркибини ўрганиш. Бунда пенсия тўловларининг қанча қисми бирламчи истемол товарлари учун ва қанчаси дори-дармон воситалари учун сарфланаётганлигини аниқлаш;

– норасмий бандлик ҳолатини баҳолаш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хизматларидан кенг фойдаланиш ва расмий бандликни рағбатлантиришга қаратилган дастурларнинг самарадорлигини баҳолаш.

Юқорида қайд этилган ҳолатларни инобатга олган ҳолатда мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг самарадорлиги ва қамрови даражасини баҳолаш методологиясини ишлаб чиқиш амалиётда вужудга келаётган муаммолар, камчиликлар ва эришилган ютуқларни тавсифлашда хатоликларни қисқартиради.

2-боб бўйича хулоса

1. Жаҳон иқтисодчилари томонидан аҳоли турмуш даражасини ҳар томлама аниқ тавсифловчи кўрсаткичлар услубиятини, умумлаштирувчи кўрсаткични аниқлашга кўп ҳаракат қилинган. Ривожланган давлатларда аҳоли турмуш даражасини баҳолаш аҳолининг даромадлари, озиқ-овқат истеъмоли, уй-жой шарт-шароитларини таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

2. Аҳоли турмуш даражаси ошишини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида аҳоли турмуш даражаси ошишини ифодаловчи турли кўрсаткичлар ишлаб чиқилган. Масалан, соф миллий даромаднинг аҳолини турли тоифаларига тўғри келиши маълум гуруҳдаги аҳолининг турмуш даражаси коэффициенти орқали ифодаланган.

3. Сўнги йилларда жами харажатлар таркибида истеъмол харажатларининг улуши ортиб, аксинча истеъмолдан ташқари

харажатларнинг улуши камайиб бормоқда. Ушбу ҳолат оилаларнинг истеъмол харажатлари макро таркиби ҳам оптималлашиб бораётганидан далолат бермоқда: озиқ-овқат маҳсулотлари учун харажатлар улуши барқарорлашиб, хизматлар учун харажатлар улуши ортиб бормоқда. Бундай ҳолат иқтисодий ривожланиб бораётган давлатлар учун хосдир.

4. 2011 йилга нисбатан 2020 йилда озиқ-овқат учун харажатлар таркиби ўзгармас 40,3 % қолгани ҳолда ноистеъмол харажатлар 21,6 % дан 13 % га камайган, хизматларга қилинган харажатлар 15,9 % дан 17,8 % ошгани, ноозиқ-овқат маҳсулотлар учун қилинган харажатлар 22,2 % дан 28,9 % га ўсгани ва истеъмол харажатлари 78,4 % дан 87,0 % ошгани аҳоли турмуш даражаси яхшиланаётганидан далолат беради.

5. Турмуш даражаси аҳоли турмушининг моддий томонларини ифодаласа, турмуш сифати аҳоли турмушининг маданий ва маиший жиҳатларини билдиради ва турмуш сифати инсонлар ҳаётининг ривожланганлик даражасини кўрсатади.

6. 2019 йил учун аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромаднинг таълимга боғлиқлиги корреляциясини ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромаднинг фонд билан таъминланганликка боғлиқлик корреляцияси матрица шаклида кўрсатиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Ўзбекистонда аҳоли даромадлари шаклланиши ва унга таъсир этувчи омилларни Пирсон корреляцион коэффициенти орқали таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

7. Таҳлил натижалари кутилган натижалар билан бирга айрим кутилмаган натижаларни кўрсатмоқда. Масалан, аҳоли даромадлари ўзгаришининг ЯИМ реал ҳажми ва ишчи кучи унумдорлиги ўзгаришлари билан ўзаро боғлиқлиги кучли бўлса, унинг иқтисодиётдаги умумий ва ҳар бир ишчига тўғри келадиган капитал ҳажми билан боғлиқлиги ўртача, лекин унинг аҳоли таълим даражаси индекси ва умумий омил унумдорлиги курсаткичлари билан корреляцион коэффициентлари манфий кўрсаткичга эга. Аммо бу омилларни бошқа омиллар назорат қилинган ҳолда қисман корреляцион таҳлил қилганимизда уларнинг коэффициентлари мусбат натижа бермоқда.

8. Аҳоли ижтимоий ҳимояси дастурларининг ижтимоий самараси (impacts) – бу аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурлари қамровига кирмаган аҳолининг ижтимоий гуруҳларининг турмуш фаровонлиги кўрсаткичининг ортиши билан тавсифланади. Бошқача айтганда, ижтимоий ҳимоя дастурларининг айрим аҳоли ижтимоий гуруҳларига билвосита таъсирини белгиловчи кўрсаткич ҳисобланади.

9. Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини комплекс баҳолаш амалиётини такомиллаштириш ва уни стандартларга мослаштириш мақсадида халқаро ташкилотлар экспертлари томонидан қўлланиладиган айрим турдаги услубларни амалиётда татбиқ этиш мақсадга мувофиқ.

10. Мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг самарадорлиги ва қамрови даражасини баҳолаш методологиясини ишлаб чиқиш амалиётда вужудга келатган муаммолар, камчиликлар ва эришилган нютуқларни тавсифлашда хатоликларни қисқартиради.

III боб. АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1-§. Мамлакатимизда инсон капиталининг аҳоли турмуш даражасини оширишга таъсирини баҳолаш

Инсон тараққиётининг асосий тамойилларидан бири ҳам айнан аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш саналади. Ижтимоий йўналтирилган иқтисодиёт шароитида инсон манфаатларининг устуворлигини таъминлаш ҳаётий заруриятдир. Янгиланиш йўлини танлаган Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиёти замирида инсон манфаатлари ётади.

Дунёнинг етакчи мамлакатларининг ривожланиши янги иқтисодиётнинг – билимлар иқтисодиёти, инновациялар, глобал ахборот тизимлари, энг янги технологиялар ва венчур бизнесининг шаклланишига олиб келди. Янги иқтисодиётнинг асосини замонавий жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган инсон капитали ташкил этади.

Инсон капитали ролининг ўзгариши, унинг нарх омилидан ривожланишнинг асосий ишлаб чиқариш ва ижтимоий омилига айланиши янги ривожланиш парадигмасини шакллантириш заруриятини келтириб чиқарди. Мамлакатлар ва дунё ҳамжамиятининг ривожланишининг янги парадигмаси остида инсон капитали миллий бойликда етакчи ўринни эгаллади (ривожланган мамлакатларда 80% гача).

Инсон капиталини ривожлантириш жараёнини самаралироқ қиладиган омиллардан бири инновацион ривожланиш омили бўлиб, у янги муҳитда илмий, техникавий, ишлаб чиқариш, молиявий ва ижтимоий фаолиятнинг ўзаро боғлиқ шаклланишини ўз ичига олади.

Бугунги кунда инновациянинг янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот кўринишида амалга оширилган якуний натижаси, шунингдек амалда қўлланиладиган такомиллаштирилган технологик ёки ташкилий жараёнга

тегишли аниқ таърифи мавжуд. Инновация – бу янги асбоб-ускуналар ёки технологияларга, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги шаклларига, меҳнатга, техник хизмат кўрсатишга ва бошқаришга, шу жумладан бошқарувнинг янги шакллари, бухгалтерия ҳисоби, режалаштириш усуллари, таҳлил усуллари ва бошқаларга инвестиция қилиш натижасида олинган моддийлаштирилган натижадир.

Инсон капитали – бу инсон ва умуман жамиятнинг хилма-хил эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиладиган билим-кўникмалар тўплами. Ушбу атамани биринчи марта Теодор Шульц ишлатган ва унинг вориси Гари Беккер инсон капиталига инвестицияларнинг самарадорлигини асослаш ва инсоннинг хулқ-атвориغا иқтисодий ёндашувни шакллантириш орқали ушбу ғояни ишлаб чиққан.

2.3.1- жадвал.

Вояга етганларнинг саводхонлик даражаси⁸⁴

Кўрсаткич номи	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Катта ёшдаги аҳолининг саводхонлик даражаси, (15 ёш ва ундан катта ёшлиларга нисбатан %)	99.84	99.90	100.00	99.99	99.98	99.98	99.99	99.99	99.99	99.99	99.99	99.99
Катта ёшли эркакларнинг саводхонлик даражаси (15 ёш ва ундан катта эркакларнинг %)	99.86	99.90	100.00	99.99	99.99	99.99	99.99	100.00	100.00	100.00	100.00	100.00
Вояга этганларнинг саводхонлик даражаси (15 ва ундан катта ёшдаги аёлларнинг %)	99.82	99.90	100.00	100.00	99.98	99.98	99.98	99.98	99.98	99.98	99.99	99.99
Ёшларнинг саводхонлик даражаси (15–24 ёшдаги аёлларнинг %)	99.9	99.9	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0

⁸⁴ <https://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/living-standards-2>

Ёшлар ўртасида саводхонлик даражаси (15-24ёшдаги эркекларнинг %)	99.9	99.9	99.9	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0
Саводхонлик даражаси, жами ёшлар (15-24ёшдаги ёшларнинг %)	99.9	99.9	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0

Дастлаб инсон капитали деганда фақат одамга инвестиция киритиш, унинг меҳнат қобилиятини ошириш – таълим ва касбий кўникмалар тушунилади. Кейинчалик инсон капитали тушунчаси сезиларли даражада кенгайди. Яқинда Жаҳон банки мутахассислари томонидан қилинган ҳисоб-китобларга истеъмол харажатлари – уй хўжалигининг озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва шу мақсадларга сарфлаган харажатлари киради.

Кенг маънода инсон капитали – бу иқтисодий ривожланиш, жамият ва оиланинг ривожланишидаги интенсив самарадорлик омили, шу жумладан ишчи кучининг билимдон қисми, билимлар, интеллектуал ва бошқарув фаолияти воситалари, яшаш муҳити ва меҳнат фаолияти, инсон капиталининг самарали ва оқилона ишлашини таъминловчи ривожланиш омили.

Аниқ маънода, инсон капитали соғлиқ, билим ва кўникмаларни ўз ичига олади, улар қуйидаги шартларда капиталлаштирилади:

- ҳаёт босқичларида инсоний қобилиятларнинг оқимли, тўпланган захираси;
- меҳнат унумдорлигини оширишга олиб келадиган қобилиятлар захирасидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги;
- меҳнат унумдорлигининг ўсиши табиий равишда ишчилар даромадларининг ошишига олиб келади;
- даромаднинг ўсиши ходимни ўз инсон капиталига қўшимча сармоялар киритишга ундайди, уни жамғаради.

Инсон капиталини капиталлаштириш таркиби ва шартларининг таҳлили замонавий ахборот-инновацион жамиятнинг иқтисодий тоифаси

сифатида инсон капиталининг умумий таърифини ишлаб чиқишга имкон беради. «Инсон капитали – бу меҳнат жараёнида мақсадга мувофиқ фойдаланиладиган, унинг маҳсулдорлиги ва даромадининг ўсишига ҳисса қўшадиган маълум соғлиқ, билим, кўникма, қобилият ва мотивациялар захираси».

Мунозарали масалалардан бири бу инсон капиталини шакллантиришдир, унинг таърифи инсон капиталини тиклашнинг бутун тизимини кўриб чиқишда муҳим жиҳат ҳисобланади. Инсон капиталининг шаклланиши ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок етадиган шахснинг юқори сифатли ишлаб чиқариш хусусиятларини излаш, янгилаш ва такомиллаштириш жараёни сифатида ўрганилиши керак. Инсон капиталининг шаклланишига боғлиқ бўлган омилларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: ижтимоий-демографик, институционал, интеграция, ижтимоий-руҳий, экологик, иқтисодий, саноат, демографик, ижтимоий-иқтисодий. Бундан хулоса қилиш мумкинки, инсон капитали тоифаси, ижтимоий-иқтисодий тадқиқотларнинг мураккаб тизим объекти. Инсон капитали турларини таснифлаш турли сабабларга кўра ва турли мақсадларда мумкин. Моддий оммавий ахборот воситаларида (китоблар, ҳисоботлар, дискетлар, маълумотлар базаси файллари) ёзилган, интеллектуал мулк сифатида рўйхатга олинган ва капиталга инвестициялар, лицензияларни сотиш, олди-сотди, номоддий актив сифатида бухгалтерия шаклида бизнес операцияларига киритилган. Интеллектуал капитал бўйича тадқиқотлар энг илғор ва ундан самарали фойдаланиш усулларига олиб келади. Бу сизга инсон капиталининг бошқа турларини ўрганиш учун интеллектуал капитални илмий таҳлил қилиш натижаларидан фойдаланиш имконини беради.⁸⁵

Инсон капиталини таснифлашга ҳар хил ёндашувлар комбинациясидан келиб чиққан ҳолда, биз унинг турларининг даражаси ва мулки бўйича янада яхлит тузилишини таклиф қилишимиз мумкин.

⁸⁵ Mukhitdinova M. Z. [Development of human capital in Uzbekistan by reducing inequality](#) – American Journal of Economics and Business and Management ISSN: 2576-5973 Vol. 2, No.4, Nov-Dec 2019

Инсон капитали турларининг бундай таснифи бизга инсон капитали (микро-даража – индивидуал инсон капитали), якка тартибдаги корхона ёки корхоналар гуруҳининг (мезоскал – компаниянинг инсон капитали) ва умуман давлатнинг (макро даража – миллий инсон капитали) даражасида кўриб чиқиш ва баҳолаш имконини беради. Шахсий инсон капитали таркибида соғлиқни сақлаш капитали, маданий ва маънавий капитал, меҳнат, интеллектуал ва ташкилий ва тадбиркорлик капиталини ажратиш кўрсатиш мумкин.

Компаниянинг капитал тузилишида тан олинган шахсий капиталнинг активлари (патентлар, муаллифлик гувоҳномалари, «ноу-хау» ва бошқалар), компаниянинг номоддий активлари (савдо маркалари / савдо белгилари, савдо сирлари ва бошқалар), ташкилий капитал, таркибий капитал, бренд алоҳида ўрин тутди. Миллий инсон капитали ижтимоий, сиёсий капитал, миллий интеллектуал устуворликлар, миллий рақобат устунликлари ва миллатнинг табиий имкониятларини ўз ичига олади.

Инсон капитали моҳиятини ҳар томонлама тушуниш учун аввало ушбу тушунчанинг гуманитар ва иқтисодий жабҳада бўлган асосий таркибий қисмларининг моҳиятини аниқлашга мурожаат қилишингиз керак: одам ва капитал.

Шахс, жисмоний мавжудот, шу билан бирга ижтимоий (ижтимоий) мавжудотдир, шунинг учун одамни иқтисодий тоифаларга ажратиш бўлмайди. Инсон табиат томонидан унга берилган ва жамият ривожланганда маълум табиий қобилият ва истеъдод эгасидир. Фазилатлар ва қобилиятларни ривожлантириш учун инсон маълум жисмоний, моддий ва молиявий маблағларни сарфлайди. Табиий қобилиятлар ва уларнинг иқтисодий ролида орттирилган ижтимоий фазилатлар табиий ресурслар ва жисмоний капиталга ўхшайди.

Табиий бойликлар сингари, инсон ўзининг дастлабки ҳолатида ҳеч қандай иқтисодий самара бермайди. Муайян харажатлар (ўқитиш, ўрганиш, малака ошириш) амалга оширилгандан сўнг, жисмоний капитал каби

даромад келтирадиган инсон ресурслари шаклланади.

2. Мамлакатимизда амалдаги қонунчиликка кўра, кам таъминланган оила даромади аниқланаётган даврда оиланинг умумий даромадларини ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 бараваридан ортиқ бўлмаган оилалар инобатга олинишини эътиборга олган ҳолда, Ўзбекистонда аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ (ХҚП бўйича) миқдори билан мамлакатимизда камбағаллик даражаси ўртасидаги регрессив-корреляцион таҳлил амалга оширилди. Таҳлил натижаларига кўра, мамлакатимизда аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ ҳажми (ХҚП бўйича) билан аҳолининг камбағаллик даражаси ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи корреляция коэффициенти 0,64 га тенг бўлди ва ушбу икки омил ўртасидаги боғлиқлик кучли эканлигини кўрсатди ва 2030 йилга бориб, мамлакатимизда камбағаллик даражасини 7,3 фоизга пасайтириш имконияти мавжудлиги аниқланди.
3. Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг «Ҳар бир оила – тадбиркор», «Ёшлар – келажагимиз» ва «Хунармандчиликни ривожлантириш» каби актив дастурларига устуворлик қаратиб

⁹⁰ M.Z. Mukhitdinova, Kh. S.Khadzhaev POVERTY REDUCTION BY ISLAMIC WAQF SYSTEM
Journal of Critical Reviews ISSN- 2394-5125 Vol 7, Issue 4, 2020

келинаётганлигини инобатга олган ҳолда, ЯИМда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг улуши ва камбағаллик даражаси ўртасидаги регрессив-корреляцион таҳлили натижаларига кўра, тадбиркорлик фаолияти, аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилувчи ЯИМ миқдори ва камбағаллик даражаси ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи корреляция коэффициенти кучли бўлиб, 0,69 га тенг бўлганлиги, 2030 йилга бориб мамлакатимизда камбағаллик даражасини 4,5 фоизга пасайтириш имконияти мавжудлиги аниқланди.

4. Ўрта муддатли истиқболда мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришда ижтимоий кафолатлар бериш тизимини такомиллаштириш ва аҳолининг барча кам таъминланган ва эҳтиёжманд қатламларига аниқ мақсадли ижтимоий ёрдам кўрсатишни кучайтириш, миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда мамлакатимизда минимал истеъмол саватчасини аниқлашнинг ҳуқуқий-институционал асосларини ишлаб чиқиш, мавжуд ижтимоий нафақаларни ҳисоблаш ва тўлашни соддалаштириш мақсадида паст даромадли оилалар учун ижтимоий нафақаларни ягона мақсадли пул тўловига бирлаштириш, оналар ва болаларни ҳимоя қилишга доир миллий қонун ҳужжатларини халқаро нормалар ва ХМТ конвенцияларига мувофиқлаштириш, пенсия таъминотининг жамғариш тизимига ўтиш ва тўланадиган пенсиялар миқдорини изчил ошириш ва яшаш минимуми билан боғлашга қаратилган пенсия тизимини ислоҳ қилиш Концепциясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

5. Узоқ муддатли истиқболда мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида ижтимоий-демографик тенденциялардан келиб чиқиб, пенсия тизимини ислоҳ қилиш, пенсионерлар ва ногиронлар, кекса авлодни улар ҳаётий эҳтиёжларини ҳисобга олиб ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш ва жойлаштиришда, аҳолига хизматлар кўрсатишда замонавий инновацион, рақамли технологиялардан, ресурс тежовчи технологиялардан кенг

фойдаланиш, бизнес соҳалари, истеъмолчилар учун ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ахборот тизимларини, маълумотлар базаларини ва интерактив хизматларни жорий этиш, қўллаб-қувватлаш лозим

6. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг жаҳон амалиётидан келиб чиққан ҳолда, камбағаллик rischi юқори бўлган аҳоли гуруҳлари – бу уй хўжалиги ихтиёридаги барча турдаги даромадларининг уй хўжалиги аъзолари жон бошига бўлганда мамлакатда ўрнатилган ўртача иш ҳақининг 40-59 фоизи тўғри келадиган аҳоли гуруҳлари ҳисобланади. Бундай ҳолатда давлат томонидан бундай турдаги аҳолининг ушбу ижтимоий гуруҳларига уй хўжалиги аъзоларининг жон бошига тўғри келувчи даромаднинг мамлакатдаги ўртача иш ҳақига нисбатан 60 фоиз миқдорига тенглаштириш учун табақалашган ижтимоий нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартибини ўрнатиш талаб этилади.

7. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг манзиллилигини кучайтириш учун Ўзбекистонда амалга оширилаётган актив ижтимоий ҳимоя дастурлари самарадорлигини таъминлаш мақсадида аҳолига кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш тизимида кўрсатилаётган хизматларни сифат жиҳатдан такомиллаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида ривожланган мамлакатлар тўплаган бой тажрибадан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини инобатга олган ҳолатда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳтожлиги чегарасини ишлаб чиқиш ва амалиётга яшаш минимумининг ижтимоий стандартларини жорий этиш, кам таъминланган аҳоли қатламларининг даромад базасини мустаҳкамлашга қаратилган бандлик дастурларини ишлаб чиқиш ва бунда оилавий тадбиркорлик фаолиятига рағбатлантирувчи омил сифатида қараш лозим. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилаларга оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар ажратаётган микроолиялаштириш институтларини кенгайтириш, бозор муносабатлари ривожланган сари, жумладан пандемия шароитида аҳолини

ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирларини молиялаштириш учун бюджетдан ташқари манбалар, жумладан, ҳайрия ташкилотлари ва ҳомийлар маблағларини жалб этишни кенгайтириш. Бу кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя билан қамрови даражасини ошириш билан бир қаторда ижтимоий нафақа ва тўловлар миқдорини сезиларли даражада ўсишига замин яратади, кам таъминланган оилаларга уй-жой коммунал тўловларни тўлаш жараёнида давлат бюджети ҳисобидан мақсадли ва манзилли субсидиялашни жорий этиш мақсадга мувофиқ.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Диссертация ишини ёзиш жараёнида қуйидаги илмий хулосалар олинди:

– 1991-2022 йилларда Ўзбекистонда амал қилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг манзиллилиги кучайиб бормоқда. Ушбу ҳолат аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни молиялаштиришда бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш имкониятини беради.

– аҳоли камбағаллигини аниқлашнинг озиқланишга асосланган усулининг натижалари мамлакатимизда камбағаллик даражасини 11,4 фоиз эканлигини кўрсатди. Халқаро камбағаллик чегараси бўйича даромади қуйи ўрта давлатлар учун кам таъминланганлик даражаси кунига 3,2 доллар, даромади юқори ўрта даромадли мамлакатлар учун эса кунига 5,5 долларни қўллаш тавсия этилади. Ушбу ёндашувга асосланиб, 5,5 доллар чегарани олинганда кам таъминланганлик даражаси 36,6 фоиз ва 3,6 доллар деб олганда – 9,6 фоизни ташкил этади. Жаҳон банкининг ҳисоб-китобларига кўра, камбағалликнинг юқори даражаси Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Андижон вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида кузатилмоқда.

– мамлакатимизда 7 млн. 192 минг уй хўжалиги рўйхатга олинган бўлиб, улардан 300 мингдан зиёди эҳтиёжманд оила ҳисобланади. Кам таъминланган оила ҳажми ўрта ҳисобда 7 кишидан иборат бўлиб, оила

бошлигининг ўртача ёши 50 ёшдан юқори ва у олий маълумотга эга эмас. Жумладан, 11 фоиз кам таъминланган оиланинг бошлиғи ишсиз, 93 фоиз ҳолатларда эса олий маълумотга эга эмас ва фақат 24 фоизи ўрта махсус маълумотга эга. Кам таъминланган уй хўжаликларининг 43 фоизи доимий иш жойига эга эмас. 93 фоизи марказий иситиш тизимига, 96 фоизи марказий канализация тизимига ва 66 фоизи марказий сув таъминотига уланмаган. Кам таъминланган оилалар таркибида боқувчисини йўқотган оилалар сони 155 минг, 5 нафардан ортиқ фарзанди бор кам таъминланган оилалар сони 81 минг, ёлғиз яшовчи кексалар 16 минг нафарни ташкил этди.

– Ўзбекистонда 2019 йилда ишсизлик даражаси 9,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилнинг биринчи чорагида ушбу кўрсаткич 9,4 фоизга 2021 йил якунлари 9,6 фоизни кўрсатди. «Covid-19» пандемияси оқибатида бир қатор корхоналар фаолиятининг тўхтатилиши, 550 мингга яқин меҳнат мигрантларининг бошқа давлатларга ишлаш учун кета олишмаганлиги туфайли ишсизлар сони қарийб 2 млн. кишига етди. Ушбу ҳолат мамлакатимизда 450 мингга яқин оилаларнинг даромадига жиддий таъсир кўрсатди.

– мамлакатимизда амалдаги қонунчиликка кўра, кам таъминланган оила сифатида даромад аниқланаётган даврда оиланинг умумий даромадларини ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 бараваридан ортиқ бўлмаган оилалар инobatга олинишини эътиборга олган ҳолда, Ўзбекистонда аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ (ХҚП бўйича) ва мамлакатимизда камбағаллик даражаси ўртасидаги корреляцион корреляцион ва регрессион таҳлилни амалга оширилди. Таҳлил натижаларига кўра, мамлакатимизда аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ ҳажми (ХҚП бўйича) ва аҳолининг камбағаллик даражаси ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи корреляция коэффициенти 0,64 га тенг бўлди ва ушбу икки омил ўртасидаги боғлиқлик кучли эканлигини кўрсатди ва 2030 йилга бориб, мамлакатимизда камбағаллик даражасини 7,3 фоизга пасайтириш имконияти мавжудлиги аниқланди.

– мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг «Ҳар бир оила – тадбиркор», «Ёшлар – келажагимиз» ва «Хунармандчиликни ривожлантириш» каби актив дастурларига устуворлик қаратиб келинаётганлигини инобатга олган ҳолда, амалга оширилган ЯИМда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг улуши билан камбағаллик даражаси ўртасидаги корреляцион ва регрессион таҳлили натижаларига кўра, тадбиркорлик фаолияти билан камбағаллик даражаси ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи корреляция коэффициенти кучли бўлиб, 0,69 га тенг бўлганлиги, 2030 йилга бориб мамлакатимизда камбағаллик даражасини 4,5 фоизга пасайтириш имконияти мавжудлиги аниқланди.

Тадқиқот ишида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг иқтисодий механизмини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. пенсионерларга муносиб турмуш шароитларини яратиб бериш ва уларни камбағаллик rischi ҳолатига тушиб қолишларини олдини олиш мақсадида пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдорини ошириш;

2. Ўзбекистонда амалга оширилаётган актив ижтимоий ҳимоя дастурлари самарадорлигини таъминлаш мақсадида аҳолига кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш тизимида кўрсатилаётган хизматларни сифат жиҳатдан такомиллаштириш. Бунинг учун, таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, онлайн таълим тизимини жорий этиш орқали, масофавий таълим хизматларини йўлга қўйиш, таълим хизматларини кўрсатишда кўпроқ амалиёт билан боғлиқ жиҳатларга эътиборни кучайтириш билан бир қаторда, соғлиқни сақлаш соҳасида фаолияти олиб бораётган тиббий хизматлар кўрсатиш муассасаларини халқаро миқёсдаги замонавий илғор техника ва юқори технологиялар билан таъминлаш, тиббиёт ҳодимлари малакасини ошириш ва уларнинг касбий тайёргарлиги бўйича ўрнатилган талабларни қайта кўриб чиқиш;

3. аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ривожланган мамлакатлар амалиётидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини инобатга олган ҳолатда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳтожлиги чегарасини ишлаб чиқиш ва амалиётга яшаш минимумининг ижтимоий стандартларини жорий этиш;

4. кам таъминланган аҳоли қатламларининг даромад базасини мустаҳкамлашга қаратилган бандлик дастурларини ишлаб чиқиш ва бунда оилавий тадбиркорлик фаолиятига рағбатлантирувчи омил сифатида қараш лозим. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилаларга оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар ажратаётган микромолиялаштириш институтларини кенгайтириш;

5. бозор муносабатлари ривожланган сари, жумладан пандемия шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирларини молиялаштириш учун бюджетдан ташқари манбалар, жумладан, ҳайрия ташкилотлари ва ҳомийлар маблағларини жалб этишни кенгайтириш. Бу кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя билан қамрови даражасини ошириш билан бир қаторда ижтимоий нафақа ва тўловлар миқдорини сезиларли даражада ўсишига замин яратади;

6. кам таъминланган аҳоли қатламларининг тадбиркорлик фаолиятларини қўллаб қувватлаш ва уларга мақсадли кредитлар ажратиш тизимини такомиллаштириш;

7. кичик ва ўрта бизнесни рағбатлантириш механизмни ишлаб чиқиш орқали мамлакатимизда аҳоли даромадларини мунтазам ортиб бориши ва камбағаллик даражасини камайтириш;

8. кам таъминланган оилаларга уй-жой коммунал тўловларни тўлаш жараёнида давлат бюджети ҳисобидан мақсадли ва манзилли субсидиялашни жорий этиш.

Юқорида билдирилган фикрларни амалиётда қўллаш кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг самарадорлигини янада ортишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Расмий материаллар

1.1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1.1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон 2014. 45 б.

1.1.2. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларни давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги 938-ХП-сонли Қонуни. 03.09.1993 й.

1.1.3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси. – Т.: Адолат, 1996. 263 б.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари

1.2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижтимоий ҳимоя йили Давлат дастури тўғрисида»ги 23.01.2007 й. ПҚ-573-сон қарори.

1.2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлари тўғрисида»ги 19.03.2007 й. ПФ-3864 сон фармони.

1.2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

1.2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини кўллаб-қувватлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 12.09.2017 йилдаги ПҚ-3268-сон қарори.

1.2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги 07.06.2018 йилдаги ПҚ-3777-сонли қарори.

1.2.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг ижтимоий заиф қатлами бандлигини рағбатлантиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги 11.06.2018 йилдаги ПҚ-3782-сонли қарори.

1.2.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 24.10.2019 йилдаги ПҚ-4498-сон Қарори

1.2.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 26.03.2020 йилдаги ПФ-5975-сонли фармони.

1.2.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлари тўғрисида»ги 18.05.2020 йилдаги ПФ-5996-сон фармони.

1.2.10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 25.01.2020. www.uza.uz

1.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

1.3.1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг «Уй хўжаликларини тадқиқ этиш методологиясининг низоми тўғрисида»ги № 18 сонли Қарори, 24.12.2010 й.

1.3.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 44-сонли Қарори, 15.02.2013 й.

1.3.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 20.10.2018 йилдаги 841-сонли Қарори

1.3.4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 23.03.2020 йилдаги 176-сонли Қарори

1.3.5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 апрелдаги № 213-Ф-сонли Фармойиши

1.3.6. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлигининг «Ижтимоий ҳодимларнинг мақоми, вазифалари, функциялари ва малакавий талаблари тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 15.05.2020 йилдаги 14-20 к/қ, 6-мх, 33-к/қ, 16, 71, 8-сон Қарори

II. Илмий монографиялар

2.1. «Ijtimoiy siyosat». O‘quv qo‘llanma i.f.d., prof, A.V. Vaxabovning umumiy tahriri ostida. – Toshkent: «MUMTOZ SO‘Z», 2019. 312 bet.

2.2. Ijtimoiy ish va ijtimoiy ta’minotga kirish: Darslik / A.V. Vaxabov, Sh.Sh. Zaxidova, B.B. Vaxtiyorov va boshqalar; – T.: «Iqtisod-Moliya», 2018. – 168 b.

2.3. Абулқосимов Ҳ.П., Ҳасанов Р.Р. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар. –Т.: Академия, 2010. -216 б.

2.4. Антропов В.В. Социальная защита в странах Европейского союза. История, организация, финансирование, проблемы. / М., 2006. – 271 стр.

2.5. Аристотель. Собрание сочинений. в 4 т. Т. 4 с. 460, 462.

2.6. Ахинов Г.А., Камилов Д.А. Социальная функция государства в условиях рыночной экономики: вопросы теории и практики. М.: ИНФРА-М, 2006. 230 с.

2.7. Ахмедов Т.М. Социологические обследование уровня и качество жизни населения с использованием информационной технологий. Т.: «Fan va texnologiya», 2017, 132 стр.

2.8. Ахмедов Т.М., Ибрагимова Н.М., Сафарова Н.Н., Ахмедова М.А., Набибуллаева Р.З., Н.М. Юлдашева. Методологические вопросы разработки долгосрочной стратегии повышения уровня жизни населения Узбекистана: монография. – Т.: «NISO POLIGRAF», 2019 – 162 с.

2.9. Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳтож қатламларини аниқлашнинг жаҳон амалиёти ва миллий хусусиятлари: республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент.: «Universitet», 2019. – 116 б.

2.10. Бахчиева О.А., Кислова И.В., Савенкова С.В., Савченко С.Л. Практические основы социальной защиты населения: учебное пособие. – СПб.: Лань, 2019. – 292 с.

2.11. Вахабов А.В. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар. – Т.: Шарк, 2003 – 320 б.

2.12. Волгин Н.А. Социальная политика: учеб. / ред. Н.А. Волгин. – 2-е изд., перераб. И доп. – М.: Издательство РАГС, 2008. – 409 с.;

2.13. Гриценко Н.Н., Волгин Н.А., Попов Ю.Н., Шарков Ф.И., Шулуc А.А. Основы социального государства: учебник для вузов / под. общ. ред. д.э.н., проф. Н.Н. Гриценко, д.э.н., проф. А.А. Шулуcа. – М.: Издателский дом «АТИСО», 2009. с. 25-37

2.14. Ижтимоий соҳа иқтисодиёти. Дарслик. Проф. Қ.Х. Абдурахмонов тахрири остида –Т.: «Иқтисодиёт», 2013 – 418 б.

2.15. Иқтисодиётга оид атама тушунчаларнинг изоҳли луғати. Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. – Т.: «ABU MATBUOT-KONSALT», 2017. б. 189

2.16. Маргулян Я.А. Социальная политика: учебник. – СПб.: Издательство Санкт-Петербургского университета управления и экономики, 2011. 236 с.

2.17. Пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси: Дарслик / А.В. Вахабов, Ш.Х. Хажибакиев, Б.Б. Бахтиёров ва бошқалар; – Т.: «Iqtisod-Moliya», 2018. – 400 б.

2.18. Платон. Собр. соч. в 4 т. Т. 3 с. 104-105

2.19. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика -М.: Дело ЛТД, 1995.-829 с.

2.20. Шароков Ф.И. Основы социального государства: учебник/ Ф.И. Шарков. – М.: Дашков и Ко, 2012. – 314 с.

III. Авторефератлар

3.1. Абдуллаева М.К. Ижтимоий ҳимоя ва уни тартибга солишни такомиллаштириш йўналишлари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: 2008, 25 бет.

3.2. Жуманова Р.Ф. Аҳоли турмуш даражаси: кўрсаткичлари ва уни ошириш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: 2008, 27 бет.

3.3. Доев К.К. Система социальной защиты населения и методы ее совершенствования // автореферат дис., Владикавказ – 2011. 27 стр.

3.4. Закирова Н. «Совершенствование системы социальной защиты населения в условиях социально-ориентированной рыночной экономики (на примере семей Республики Узбекистан)». – Т. 2001, 24 стр.

3.5. Мажидов Н.М. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий суғурта тизимини ислох қилиш (пенсия тизими мисолида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2003, 23 б.

3.6. Хакимова М.А. Реформирование и развития социального сектора Узбекистана в условиях перехода к рынку: Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук: – Т.: 2000, 38 стр.

3.7. Хасанов Р.Р. Шаклланаётган бозор муносабатлари тизимида даромадлар ва уларнинг табақаланиши. Иқт. фан. докт. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореф. – Тошкент, 2005. 40 б.

3.8. Хусанов Б.Ш. Проблемы регулирования финансового механизма социального обеспечения населения: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук: – Т.: 2011, 25 стр.

IV. Хорижий илмий нашрлар

4.1. Abu Alghaib, O. Forthcoming. Building social protection floors for persons with disabilities: Lessons learned from non-contributory programmes in Argentina, Ethiopia, Ghana, Indonesia, the Kyrgyz Republic and South Africa, ILO discussion paper (Geneva, ILO). 2016. pp. 12-13 Available at: www.ilo.org

4.2. Babajanian, B.; Hagen-Zanker, J. 2012. Social protection and social exclusion: An analytical framework to assess the links, Background Note (London, Overseas Development Institute). Доступно по адресу: <http://www.odi.org.uk/publications/6889-social-protection-social--exclusion-design-analytical-framework>

4.3. Basso, G.; Dolls, M.; Eichhorst, W.; Leoni, T.; Peichl, A. 2012. «The effects of the recent economic crisis on social protection and labour market arrangements across socio-economic groups», in *Intereconomics*, Vol. 47, No. 4, pp. 217–223.

4.4. Beattie, R.; McGillivray, W. 1995. «A risky strategy: reflections on the World Bank report Averting the old age crisis», in *International Social Security Review*, Vol. 48, No. 3–4, pp. 25-30.

4.5. Behrendt, C. 2013. «Investing in people: Implementing the extension of social security through national social protection floors», in D. Kucera and I. Islam (eds): *Beyond macroeconomic stability: Structural transformation and inclusive development* (Basingstoke, Palgrave Macmillan), pp. 228–259.

4.6. Behrendt, C. 2013. «Investing in people: Implementing the extension of social security through national social protection floors», in D. Kucera and I. Islam (eds): *Beyond macroeconomic stability: Structural transformation and inclusive development*(Geneva, ILO; Basingstoke, Palgrave), pp. 228–261.

4.7. Berg J. 2015a. «Labour market institutions: The building blocks of just societies», in J. Berg (ed.): *Labour markets, institutions and inequality:*

Building just societies in the 21st century (Geneva, ILO; Cheltenham, Edward, Elgar), pp. 1–38.

4.8. Berg J. 2015b. «Income support for the unemployed and the poor», in J. Berg (ed.): Labour markets, institutions and inequality. Building just societies in the 21st century (Geneva, ILO; Cheltenham, Edward Elgar), pp. 263–286.

4.9. Bertranou, F.M.; Maurizio, R. 2012. «Semi-conditional cash transfers in the form of family allowances for children and adolescents in the informal economy in Argentina», in International Social Security Review, Vol. 65, No. 1, pp. 53–72.

4.10. Mearkle R., Mactaggart I., Walsham M., Kuper H.; Blanchet K. 2017. «Disability and social protection programmes in low- and middle-income countries: A systematic review», in Oxford Development Studies, Vol. 45, No. 3, pp. 223–239.

4.11. Europäische Kommission. Soziale Sicherheit in Europa. Luxemburg, 1995.S.– 1995. –P.48

V. Илмий мақолалар

5.1. Ахмедов Т.М. Особенности проводимой социальной политики в Узбекистане. В кн. XXVI Международные Плехановские чтения. – М., 2013 с. 108-110;

5.2. Бобков В.Н., Жандосова Ф.С., Бучкова Я.Ю. Эффективность государственной социальной помощи на основании социального контракта. // Уровень жизни населения хуудов России. 2015. № 3 (197), с. 75-108

5.3. Бобков В.Н., Жандосова Ф.С., Бучкова Я.Ю. Эффективность государственной социальной помощи на основании социального контракта. // Уровень жизни населения хуудов России. 2015. № 3 (197), с. 75-108

5.4. Глущенко К.П. К вопросу о применении коэффициента джени и других показателей неравенства. Вопросы статистики, № 2, 2016 г. с. 71-80

5.5. Доев К.К. Концептуальные подходы к исследованию социальной защиты населения на основе разных школ экономической теории. //

Управление экономическими системами: электронный научный журнал, № 3 (27), 2011. URL:<http://uecsmscnip.ru>

5.6. Козлова О., Гладкова Т., Макарова М., Тухтарова Е. Качества жизни населения: вопросы оценки. Экономист, № 8, 2015 г. с. 80-87

5.7. Козлова О., Гладкова Т., Макарова М., Тухтарова Е. Социальная политика и качество жизни населения: вопросы оценки // Экономист № 8, 2015 г. с. 80-87

5.8. Колмаков И.Б. Методология расчета и анализа интегральных оценок показателей поляризации денежных доходов населения. Вопросы статистики, № 2, 2015 г. с. 23-36;

5.9. Кочеткова Л. Социальное государство: европейская теория и российская практика. // Власть. 2008 . № 4. С. 40

5.10. Морозова Е.А. Социальная защита – анализ современных трактовок / Социальная политика и социология. № 1, 2014. – 23 с.

5.11. Олейникова Е.Г., Родин А.В. Проблемы гармонизации общественных интересов в условиях социально ориентированной экономики: теория и практика // Вестник евразийской академии административных наук. 2012. № 4/21. С. 101-108.

5.12. Охотский Е.В. Социальное государство и социальная политика современной России: ориентация на результат / Е.В. Охотский, В.А. Багучарская // Труд и социальные отношения. – 2012. – № 5(95). – с. 30-44

5.13. Сергачев А.В. Основные этапы развития научной мысли о государстве всеобщего благосостояния (вторая половина XX века). Научно-технические ведомости СПбГПУ. Гуманитарные и общественные науки. № 3. 2013. С. 41-45

5.14. Холов В. Ўзбекистонда аҳоли ижтимоий муҳофазасини самарали ташкил этиш масалалари // Бозор, пул ва кредит. 2014. № 12 – б. 48

5.15. Шамаева Е.Ф. Комплексная модель расчета качества жизни в худуде (на основе формализованного принципа устойчивого развития и

системы естественнонаучных показателей). Уровень жизни населения хуудов России. № 3 (197), 2015 г. 152. с. 109-120.

VI. Статистик тўпламлар

6.1. Global Economic Prospects: Analytical Chapters. World Bank Group Flagship Report. June 2020. – 76 p.

6.2. Social Protection Spotlight. Social protection responses to the COVID-19 crisis: Country responses and policy considerations. International Labour Organization. 23 April 2020

6.3. The Legatum Prosperity Index 2016

6.4. Аҳоли турмуш даражаси ва инфляция. Ахборот-таҳлилий маълумот. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. – Т. 2020 й. https://cbu.uz/upload/iblock/926/Turmush_darazhasi_va_inflyatsiya.pdf

6.5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг 2019 йилдаги фаолияти. – Т. 2020 й. http://pfru.uz/uploads/content/1592304773_%D0%91%D1%80%D0%B5%D0%B%D0%B4%20%D0%B1%D1%83%D0%BA_2019_compressed.pdf

6.6. Доклад о социальной защите в мире 2014/15: обеспечение экономического восстановления, инклюзивного развития и социальной справедливости / Группа технической поддержки по вопросам достойного труда и Бюро МОТ для стран Восточной Европы и Центральной Азии. – Москва: МОТ, 2015. – 436 с..

6.7. Доклад о социальной защите в мире в 2017–2019 годах. Обеспечение всеобщей социальной защиты для достижения Целей в области устойчивого развития / Группа технической поддержки по вопросам достойного труда и Бюро МОТ для стран Восточной Европы и Центральной Азии. – Москва: МОТ, 2018. – 490 с.

6.8. Кризис Covid-19 и неформальная экономика: Срочные меры реагирования и политические вызовы. – Отраслевая справка МОТ. Май 2020 г.

6.9. Построение системы социальной защиты, соответствующей интересам детей и молодежи в Узбекистане. ЮНИСЕФ 2019 г. 145 с.
www.unicef.org/publications

6.10. Расчеты авторов для Кыргызской Республики, Таджикистана и Узбекистана на основе данных исследования «Узбекистан: Рабочие места, профессиональные умения и миграция», Всемирный банк / GIZ, 2013. – 150 с.

6.11. Ўзбекистон Альманах 2017: статистик тўплам. – Т.: 2017. 130 б.

6.12. Ўзбекистон Республикасининг Статистик ахборотномаси. – Т.: 2018. 198 – б.

6.13. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати: 2019 йил январь-декабрь. – Т.: 2020 – 450 б.

Иловалар

1-илова

2020 йилда Ўзбекистондаги истеъмол савати⁹¹

№	Номланиши	Ўлчов бирлиги	Истеъмол ҳажми	Бирлик нархи (сўм)	Суммаси (сўм)
нон маҳсулотлари					
1	Нон буханка	дона	10	1600,00	16000,00
2	ун	кг	3	6500,00	19500,00
3	Макарон маҳсулотлари	кг	2	8000,00	16 000,00
				жами	51 500,00
гўшт маҳсулотлари					
4	Мол гўшти	кг	4	75000,00	300000,00
5	Қўй гўшти	кг	2	75 000,00	150 000,00
6	Товуқ гўшти	кг	2	24 000,00	48 000,00
7	Колбаса маҳсулотлари	кг	1	55 000,00	55 000,00
				жами	553 000,00
балиқ маҳсулотлари					
8	балиқ	кг	2	40 000,00	80 000,00
9	Балиқ маҳсулотлари	кг	1	33 000,00	33 000,00
				жами	113 000,00
сут маҳсулотлари					
10	сут	л	2	8 000,00	16 000,00
11	қаймоқ	200 г	2	7 000,00	14 000,00
12	Кефир	л	2	8 190,00	16 380,00
13	Сметана	400 г	1	7 590,00	7 590,00
14	сарёғ	250 г	2	6 000,00	12 000,00
15	Творог	400 г	1	13 800,00	13 800,00
				жами	79 770,00
16	Шакар	кг	1	8 000,00	8 000,00
17	Тухум	дона	18	1 000,00	18 000,00
18	Ўсимлик ёғи	л	1	16 000,00	16 000,00
19	Маргарин	200 г	1	6 000,00	6 000,00

⁹¹ <https://www.gazeta.uz/ru/2021/02/03/consumer-basket/>

20	Чой	200 г	1	9 200,00	9 200,00
21	Туз	кг	1	2 400,00	2 400,00
22	Зираворлар	дона	3	5 000,00	15 000,00
				жами	74 600,00
гуруч ва дон маҳсулотлари					
23	Гуруч	кг	2	15 000,00	30 000,00
24	Овсяная крупа	кг	1	6 000,00	6 000,00
25	Манная крупа	кг	1	3 800,00	3 800,00
26	Гречневая крупа	кг	1	10 000,00	10 000,00
27	Пшеничная крупа	кг	1	3800,00	3 800,00
				жами	53600,00
дуккакдилар					
28	Нўхот	кг	1	15 000,00	15 000,00
29	Фасоль	кг	1	11 600,00	11 600,00
30	Мош	кг	1	8 500,00	8 500,00
				жами	35 100,00
сабзавотлар					
31	Картошка	кг	8	4 500,00	36 000,00
32	Сабзи	кг	2	3 000,00	6 000,00
33	Лавлаги	кг	1	3 000,00	3 000,00
34	Шолғом	кг	1	3 000,00	3 000,00
35	Каром	кг	2	1 000,00	2 000,00
36	Кўкатлар		4	1 000,00	4 000,00
37	Пиёз	кг	6	2 500,00	15 000,00
38	Чеснок	кг	0,5	25 000,00	12 500,00
39	Помидор	кг	4	10 000,00	40 000,00
40	Бақлажон	кг	1	10 000,00	10 000,00
41	Булғор қалампир	кг	1	15 000,00	15 000,00
42	бодринг	кг	2	6 000,00	12 000,00
43	Кабачок	кг	1	14 000,00	14 000,00
44	Қовоқ	кг	1	2 500,00	2 500,00
45	Қовун	кг	2	3 500,00	7 000,00
46	Тарвуз	кг	2	2 500,00	5 000,00
				жами	187 000,00

мевалар					
47	Олма	кг	1	9 000,00	9 000,00
48	Ўрик	кг	1	5 000,00	5 000,00
49	Гилос	кг	1	24 000,00	24 000,00
50	Анор	кг	1	8 000,00	8 000,00
51	Нок	кг	1	5 000,00	5 000,00
52	Шафтоли	кг	1	12 000,00	12 000,00
53	Банан	кг	1	20 000,00	20 000,00
54	Узум	кг	1	5 000,00	5 000,00
55	Малина	кг	1	13 000,00	13 000,00
56	Қулупнай	кг	1	15 000,00	15 000,00
				жами	116 000,00
шахсий гигиена воситалари					
59	Совун	дона	1	4 500,00	4 500,00
60	Тиш пастаси	дона	1	8 000,00	8 000,00
61	Шампунь	дона	1	20 500,00	20 500,00
62	Бошқа воситалар				25 000,00
				жами	58 000,00
хўжалик товарлари					
63	Кир ювиш кукуни	дона	1	10 000,00	10 000,00
64	Туалет қоғози	дона	2	1 500,00	3 000,00
65	Тозалаш воситаоари ва гел	дона	1	5 000,00	5 000,00
				жами	18 000,00
хизматлар					
66	Медицина хизматлари		1	58 000,00	58 000,00
67	Парикмахер хизмати		1	50 000,00	50 000,00
68	Қўшимча курслар (спорт, ўқув)		1	300 000,00	300 000,00
69	Кабел телевиденияси		1	40 000,00	40 000,00
70	Интернет ва мобил алоқа		1	100 000,00	100 000,00
71	Транспорт		1	84 000,00	84 000,00
72	Коммунал тўловлар		1	150 000,00	150 000,00
				жами	782 000,00
				жами	2 157 070,00

Ижтимоий табақаланиш индикаторлари тизими⁹²

Ижтимоий табақаланишнинг ижтимоий барқарорликка салбий таъсири	Ижтимоий табақаланишни баҳолаш индикаторлари
Кам таъминланган аҳоли сонининг ортиши	Даромадларнинг (истеъмолнинг) табақаланиш кўрсаткичи: <ul style="list-style-type: none"> • даромадлар табақаланишининг дециль коэффициенти; • даромадлар табақаланишининг квинтиль коэффициенти; • фондлар коэффициенти; • Жини коэффициенти; • иқтисодиёт тармоқлари бўйича даромадлар (иш ҳақи)ни табақаланиши; • минтақалар (худудлар) бўйича даромадлар (иш ҳақи)ни табақаланиши; • ўртача ва минимал иш ҳақи ўртасидаги нисбат.
Даромадлар (харажатлар) тенгсизлигини кучайиши натижасида жамиятда ижтимоий кескинлик ва қарама-қаршиликнинг ортиши	Мулкий табақаланиш индикаторлари
Давлат бюджетининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, жумладан, таълим ва соғлиқни сақлаш хизматларини молиялаштириш харажатларининг ортиши	Кам таъминланганлик даражасини баҳоловчи индикаторлар
Жамиятнинг турли ижтимоий гуруҳлари, иқтисодиёт тармоқлари, минтақа ва худудлар, шаҳар ва қишлоқ жойлари ўртасида номуносибликнинг вужудга келиши	Жамиятнинг турли ижтимоий гуруҳлари ва иқтисодиёт тармоқлари бўйича бандликнинг табақаланиши кўрсаткичи
Меҳнат бозоридаги кескинликни ортиши (меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши)	Жамиятнинг стратификациялашган, жумладан ўрта қатламнинг шаклланиш кўрсаткичлари
Истеъмол бозори ва ижтимоий инфратузилма ривожланишидаги тафовутлар	Минтақаларда, шаҳар ва қишлоқ худудларида аҳолининг ижтимоий инфратузилма объектлари билан таъминланганлик кўрсаткичи

⁹² Behrendt, C. 2013. «Investing in people: Implementing the extension of social security through national social protection floors», in D. Kucera and I. Islam (eds): Beyond macroeconomic stability: Structural transformation and inclusive development (Geneva, ILO; Basingstoke, Palgrave), pp. 228–261.; Колмаков И.Б. Методология расчета и анализа интегральных оценок показателей поляризации денежных доходов населения. Вопросы статистики, № 2, 2015 г. с. 23-36; Шамаева Е.Ф. Комплексная модель расчета качества жизни в регионе (на основе формализованного принципа устойчивого развития и системы естественнонаучных показателей). Уровень жизни населения регионов России. № 3 (197), 2015 г. 152. с. 109-120; Козлова О., Гладкова Т., Макарова М., Тухтарова Е. Качества жизни населения: вопросы оценки. Экономист, № 8, 2015 г. с. 80-87; Глушенко К.П. К вопросу о применении коэффициента джинни и других показателей неравенства. Вопросы статистики, № 2, 2016 г. с. 71-80

**Ўзбекистон Республикаси ва ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига реал умумий даромадлари тўғрисида
маълумот⁹³**

Ҳудудлар	Бирлиги	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Ўзбекистон Республикаси	минг сўм	2038.7	2729.9	3267.8	3902.7	4472.0	5127.5	5887.9	6681.4	7767.0	9509.6	10737.3	13325.8
	фоизда	129.2	133.6	119.6	119.2	114.0	113.7	114.9	117.7	124.8	119.3	111.3	121.8
Қорақалпоғистон Республикаси	минг сўм	1389.1	1830.2	2246.8	2661.0	3138.8	3703.2	4134.7	4813.4	5777.5	7181.8	8367.2	10354.1
	фоизда	128.9	131.6	122.4	118.3	116.1	117.8	111.9	119.7	130.1	119.5	116.0	120.7
Андижон	минг сўм	1717.0	2353.3	2741.9	3494.8	4000.0	4574.7	5344.9	6198.8	7101.1	8731.4	9559.3	11639.6
	фоизда	126.9	137.3	116.7	127.5	113.7	113.3	116.6	120.2	124.1	118.2	108.3	119.5
Бухоро	минг сўм	2345.9	3267.1	3843.9	4574.3	5356.6	6094.1	6974.1	8059.8	9656.1	11430.8	12924.4	16195.2
	фоизда	127.0	138.9	118.2	119.5	115.0	112.5	114.7	120.0	127.7	116.0	112.3	121.6
Жиззах	минг сўм	1682.8	2262.9	2707.8	3173.8	3851.7	4571.0	5182.1	5940.6	7311.6	8477.9	9703.6	11884.4
	фоизда	127.1	134.8	119.0	116.5	121.1	117.3	113.5	119.0	131.0	114.2	112.5	121.0
Қашқадарё	минг сўм	1764.2	2419.9	2884.4	3417.4	3918.4	4387.4	5219.1	5880.3	6651.3	8002.8	8999.8	11110.0
	фоизда	128.6	137.0	119.2	119.0	113.4	111.1	118.4	117.2	121.5	116.9	111.5	120.5
Навоий	минг сўм	3590.0	4680.7	5162.7	5994.7	6893.8	8314.1	9257.2	10202.0	11918.0	14823.5	17980.6	21926.3
	фоизда	132.9	130.2	109.4	117.1	114.0	118.8	111.2	114.3	125.0	121.6	117.8	121.2
Наманган	минг сўм	1460.4	2028.0	2473.3	2960.8	3415.6	3905.5	4501.5	5245.0	5891.4	7209.5	8258.3	10252.6
	фоизда	129.9	138.5	121.8	119.8	114.8	113.1	115.4	120.8	120.1	120.4	111.7	122.2
Самарқанд	минг сўм	1883.6	2448.2	2828.3	3420.0	3938.6	4359.8	5279.8	6025.9	6922.0	8151.7	9447.4	11569.4
	фоизда	128.3	129.1	115.7	120.6	115.1	110.1	121.0	117.7	122.7	116.8	111.4	122.3
Сурхондарё	минг сўм	1614.0	2353.8	2850.6	3277.8	3821.1	4331.6	4806.3	5429.6	6486.1	7849.4	8729.7	10824.9
	фоизда	129.0	146.2	122.0	115.2	114.8	112.5	111.4	117.1	128.2	116.8	109.5	121.9
Сирдарё	минг сўм	2073.3	2926.9	3366.1	4202.9	4704.2	5500.9	6394.2	6260.1	7090.7	8771.3	9663.6	11515.7
	фоизда	123.6	141.1	115.2	124.7	111.6	116.0	116.5	100.9	122.2	119.7	109.4	115.9

⁹³ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотлари асосида муаллиф томонидан таққосланган

Тошкент	минг сўм	2256.2	3072.4	3680.6	4262.7	4913.5	5795.7	6394.4	7007.0	8045.1	9811.7	11633.9	14689.4
	фоизда	128.9	135.0	120.4	114.6	115.3	117.2	110.2	113.6	122.6	120.2	116.2	124.4
Фарғона	минг сўм	1611.3	2130.0	2694.1	3147.5	3613.3	4165.9	4726.5	5116.8	6070.9	7088.9	7850.2	9905.6
	фоизда	129.5	133.2	127.1	116.5	113.5	114.5	113.0	112.1	126.7	114.3	109.2	123.4
Хоразм	минг сўм	1960.8	2620.8	3129.6	3815.7	4347.0	4818.5	5525.9	6596.6	8005.5	9788.2	10919.5	13989.1
	фоизда	130.1	133.7	119.4	120.9	113.8	109.1	115.6	123.6	132.1	117.6	109.5	126.1
Тошкент.ш	минг сўм	4152.2	5219.2	6427.4	7828.5	8700.3	10092.6	11685.1	13574.5	15562.4	20703.4	22080.8	26784.8
	фоизда	131.4	125.2	121.7	121.0	111.4	114.7	116.0	121.2	123.5	128.4	107.9	118.3

Уй хўжаликларининг истеъмол харажатлари таркиби
(уй хўжаликлари танланма кузатувлари маълумотларига асосан)

	2010 у.	2011 у.	2012 у.	2013 у.	2014 у.	2015 у.	2016 у.	2017 у.	2018 у.	2019 у.	2020 у.
Жами истеъмол харажатлари	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0
шу жумладан:											
озик-овқат маҳсулотларини сотиб олиш	50.0	49.0	49.4	46.5	46.5	45.1	44.3	44.3	44.9	42.6	43.8
уйдан ташқари овқатланиш	2.8	1.9	2.1	2.4	2.4	2.3	2.5	2.4	2.7	2.9	2.1
ноозик-овқат маҳсулотларини сотиб олиш	25.9	27.8	27.4	29.5	29.6	31.0	32.0	32.5	31.5	32.7	32.9
улардан:											
кийим-кечак	4.5	4.6	4.7	5.9	5.7	6.2	7.2	7.5	7.1	7.0	6.2
оёқ кийим	1.9	2.3	2.4	2.6	2.6	2.9	3.1	3.2	3.0	2.9	2.6
матолар	0.7	0.6	0.7	0.9	0.8	0.8	0.8	0.8	0.8	0.8	0.8
маиший техника ва электроника	0.3	0.3	0.7	0.9	1.1	1.1	1.0	0.9	1.1	1.7	1.8
ошхона жиҳозлари ва хўжалик моллари	0.3	0.4	0.5	0.5	0.5	0.7	0.8	0.7	0.6	0.6	0.7
мебел ва уй жиҳозлари	0.8	1.0	1.2	1.8	1.4	1.8	1.7	1.9	2.0	2.1	1.9
дам олиш ва спорт учун анжомлар	0.7	0.9	1.2	1.0	1.3	1.3	1.5	1.4	1.4	1.2	0.8
транспорт воситалари	0.2	1.5	1.2	1.0	0.9	0.7	0.7	0.6	0.7	1.4	0.6
қурилиш материаллари	3.0	6.1	4.0	4.0	3.7	4.0	3.3	3.5	3.5	4.0	4.0
фармацевтика ва тиббиёт товарлари	3.1	3.0	2.6	2.2	2.5	2.8	3.0	3.6	3.5	3.4	3.9
бошқа ноозик-овқат маҳсулотлари	10.5	7.2	8.3	8.8	9.1	8.7	8.9	8.4	7.8	7.7	9.5
хизматлар	19.9	20.3	20.1	20.6	20.6	20.7	20.4	20.0	20.1	21.0	20.4
улардан:											
коммунал хизматлар	5.4	4.9	8.3	8.2	8.9	8.1	7.7	6.9	6.8	7.2	6.9

маиший ва хўжалик хизматлари	2.6	6.3	0.7	1.0	1.3	1.3	1.4	1.4	1.4	1.7	1.6
таълим хизматлари	2.9	1.7	2.2	2.1	2.1	2.1	2.7	3.4	3.3	3.7	2.9
маданият ва спорт муассасалари хизматлари	0.6	0.3	0.3	0.3	0.4	0.6	0.7	0.6	0.5	0.5	0.4
соғлиқни сақлаш хизматлари	0.3	0.7	1.3	0.9	1.1	1.3	1.4	1.4	2.2	2.1	2.3
транспорт хизматлари	5.1	4.0	4.6	4.8	4.1	3.6	3.6	3.6	3.4	3.3	2.9
алоқа хизматлари	2.4	2.2	2.5	3.0	2.4	2.6	2.5	2.3	2.2	2.2	2.4
бошқа турдаги хизматлар	0.4	0.1	0.2	0.2	0.3	1.1	0.4	0.4	0.3	0.3	1.1

Аҳоли жон бошига умумий даромадларининг ўтган йилга нисбатан реал ўсиш суръати, % да

Худудлар	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Ўзбекистон Республикаси	120.1	124.5	111.6	111.4	107.1	107.7	108.8	107.5	106.2	104.2	98.6	109.9
Қорақалпоғистон Республикаси	119.5	122.1	113.9	110.2	109.9	111.6	105.8	110.1	110.4	105.5	102.8	109.7
Андижон	118.5	128.0	108.6	118.6	106.5	107.2	110.5	110.0	104.8	103.8	96.2	108.1
Бухоро	118.0	129.4	109.6	110.4	108.1	106.9	108.8	109.6	109.4	101.4	98.8	110.3
Жиззах	118.1	125.0	110.9	109.2	113.8	111.5	107.7	108.8	112.5	99.6	99.8	108.7
Қашқадарё	119.6	127.6	111.0	110.4	106.3	105.0	112.4	106.9	103.2	102.2	98.4	108.9
Навоий	122.9	120.6	102.2	108.4	106.5	112.7	105.7	104.7	107.0	106.5	106.2	110.0
Наманган	121.1	129.4	114.0	112.0	107.8	107.4	109.4	110.5	102.8	104.7	99.6	110.6
Самарқанд	119.1	120.7	108.0	112.9	107.8	103.6	114.0	107.5	105.0	100.8	100.0	109.9
Сурхондарё	121.1	137.0	113.5	106.9	108.2	106.8	105.4	106.9	109.1	103.0	98.0	111.0
Сирдарё	115.7	132.1	107.7	116.7	104.8	109.8	110.0	92.4	103.8	105.0	96.7	105.3
Тошкент	119.5	126.3	112.0	107.8	108.4	110.9	104.4	103.8	104.9	104.4	103.0	111.9
Фарғона	121.1	123.6	117.4	107.9	106.3	108.0	107.0	102.5	108.4	99.9	96.8	111.8
Хоразм	121.2	124.5	111.1	113.5	106.9	104.1	109.4	112.9	110.9	102.6	97.4	113.9
Тошкент.ш	121.0	115.8	113.9	114.0	104.7	109.1	110.1	110.2	104.3	112.3	93.3	104.9

Вояга етганларнинг саводхонлик даражаси⁹⁴

Кўрсаткич номи	2001	2005	2010	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Катта ёшдаги аҳолининг саводхонлик даражаси, (15 ёш ва ундан катта ёшлиларга нисбатан %)	98.56	99.41	99.84	99.98	99.99	99.99	99.99	99.99	99.99	99.99
Катта ёшли эркакларнинг саводхонлик даражаси (15 ёш ва ундан катта эркакларнинг %)	99.12	99.57	99.86	99.99	99.99	100.00	100.00	100.00	100.00	100.00
Вояга етганларнинг саводхонлик даражаси (15 ва ундан катта ёшдаги аёлларнинг %)	98.03	99.26	99.82	99.98	99.98	99.98	99.98	99.98	99.99	99.99
Ёшларнинг саводхонлик даражаси (15–24 ёшдаги аёлларнинг %)	99.5	99.8	99.9	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0
Ёшлар ўртасида саводхонлик даражаси (15-24 ёшдаги эркакларнинг %)	99.6	99.7	99.9	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0
Саводхонлик даражаси, жами ёшлар (15-24 ёшдаги ёшларнинг %)	99.5	99.8	99.9	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0	100.0

⁹⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Ўзбекистон Республикасида кам таъминланган аҳоли улуши⁹⁵
(Уй хўжаликлари танланма кузатувлари маълумотларига асосан, % да)

2001-йилдан 2020-йилгача Жаҳон Банки тавсиясига кўра кам таъминланганлик даражаси кўрсаткичи кунлик 2100 ккал миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланган, 2021-йил учун Вазирлар Маҳкамасининг 2021-йил 27-августдаги 544-сонли қарорига асосан, аҳоли даромадларини МИХ миқдорига нисбатан солиштириш орқали ҳисобланган.

Кўрсаткичлар номи	2001	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Кам таъминланган аҳоли улуши	27.5	25.8	24.9	23.6	21.8	19.5	17.7	16.0	15.0	14.1	13.3	12.8	12.3	11.9	11.4	11.0	11.5	-
Камбағаллик даражаси	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	17.0

⁹⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотлари асосида